

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ПЕДАГОГ ВА РАХБАР КАДРЛАРИНИ ҚАЙТА
ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШНИ ТАШКИЛ
ЭТИШ БОШ ИЛМИЙ - МЕТОДИК МАРКАЗИ**

**МУХАММАД-АЛ ХОРАЗМИЙ НОМИДАГИ
ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ
УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ПЕДАГОГ КАДРЛАРНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА
УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ТАРМОҚ МАРКАЗИ**

“ПОЧТА АЛОҚАСИ ТЕХНОЛОГИЯСИ”

йўналиши

**“ПОЧТА АЛОҚАСИДА ТЕХНОЛОГИК
ЖАРАЁНЛАР”**

МОДУЛИ БЎЙИЧА

Ў Қ У В – У С Л У Б И Й М А Ж М У А

ТОШКЕНТ - 2018

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИР ЛИГИ

ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ПЕДАГОГ ВА РАҲБАР КАДРЛАРИНИ ҚАЙТА
ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШНИ ТАШКИЛ ЭТИШ
БОШ ИЛМИЙ - МЕТОДИК МАРКАЗИ

МУХАММАД-АЛ ХОРАЗМИЙ НОМИДАГИ
ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ
УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ПЕДАГОГ КАДРЛАРНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА
УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ТАРМОҚ МАРКАЗИ



“ПОЧТА АЛОҚАСИДА
ТЕХНОЛОГИК ЖАРАЁНЛАР”

модули бўйича

ЎҚУВ – УСЛУБИЙ МАЖМУА



ТОШКЕНТ - 2018

**Мазкур ўқув-услугий мажмуа Олий ва ўрта махсус таълим
вазирлигининг 201_йил _____ги _____-сонли буйруғи билан
тасдиқланган ўқув режа ва дастур асосида тайёрланди.**

Тузувчилар: ТАТУ, “Почта алоқаси
технологияси и.ф.н... доцент

З.М.Отақузиева.

МУНДАРИЖА

1

Ишчи Дастур

2

Модулни ўқитишда
фойдаланиладиган
интерфаол таълим
Методлари

3

Назарий
Материаллар

4

Амалий
Машғулот
Материаллари

5

Кейслар Банки

6

Мустақил
Таълим
Мавзулари

7

Глоссарий

8

Адабиётлар Рўйхати

І БЇЛИМ

ИШЧИ ДАСТУР

I. ИШЧИ ДАСТУР

Кириш

Мамлакатимизда олиб борилаётган ислохотлар самарасини янада ошириш, давлат ва жамиятнинг ҳар томонлама ва жадал ривожланиши учун шарт-шароитлар яратиш, мамлакатимизни модернизация қилиш ҳамда ҳаётнинг барча соҳаларини либераллаштириш бўйича устувор йўналишларни амалга ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 7 февралдаги “**Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида**” ги Фармони қабул қилинди.

Стратегия лойиҳаси долзарб ҳамда аҳоли ва тадбиркорларни ташвишга солаётган масалаларни комплекс ўрганиш, қонунчилик, ҳуқуқни муҳофаза қилиш амалиёти ва хорижий тажрибани таҳлил қилиш якунлари бўйича ишлаб чиқилганлиги, оммавий ахборот воситаларида эълон қилиниб, экспертлар ва жамоатчиликнинг кенг муҳокамасидан ўтганлиги билан аҳамиятлидир.

Президентимиз Ш.Мирзиёев ташаббуси билан ишлаб чиқилган “Ҳаракатлар стратегияси” давлатимиз ва жамиятимизни ривожлантиришнинг мутлақо янги босқичини бошлаб берди. Ўз моҳият эътиборига кўра, “Ҳаракатлар стратегияси” дунёда туб ўзгаришлар юз бераётган ҳозирги замонда сиёсий, ҳуқуқий, иқтисодий, ижтимоий ислохотларнинг энг муҳим беш устувор йўналишини амалга оширишнинг беш йилга мўлжалланган миллий Стратегиясидир.

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича ҳаракатлар стратегиясида I. Давлат ва жамият қурилиши тизимини такомиллаштиришнинг устувор йўналишлари, II. Қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-ҳуқуқ тизимини янада ислох қилишнинг устувор йўналишлари, III. Иқтисодиётни ривожлантириш ва либераллаштиришнинг устувор йўналишлари, IV. Ижтимоий соҳани ривожлантиришнинг устувор йўналишлари, V. Хавфсизлик, диний бағрикенглик ва миллатлараро тотувликни таъминлаш ҳамда чуқур ўйланган, ўзаро манфаатли ва амалий ташқи сиёсат соҳасидаги устувор йўналишлар белгилаб берилган, Жумладан, 4.4-бандида “Таълим ва фан соҳасини ривожлантириш: узлуксиз таълим тизимини янада такомиллаштириш йўлини давом эттириш, сифатли таълим хизматларига имкониятларни ошириш, меҳнат бозорининг замонавий эҳтиёжларига мувофиқ юқори малакали кадрларни тайёрлаш” назарда тутилган.

Модулнинг мақсади ва вазифалари

«Почта алоқасида технологик жараёнлар» модулининг мақсади тингловчиларини почта алоқаси объектларининг номли буюмлари ички почта, курерлик жўнатмаларини қабул қилиш Ички хатлар, почта varaқчалари, бандероллар, майда пакетлар, секограммалар, тегишли ўровдаги босма нашрларни қабул қилиш, ишлов бериш ва топшириш, Хатлар, почта varaқчалари, бандероллар, майда пакетлар, секограммалар, тегишли ўровдаги босма нашрларни қабул қилиш.

Модул бўйича тингловчиларнинг билими, кўникмаси, малакаси ва компетенцияларига қўйиладиган талаблар

Почта алоқасида технологик жараёнлар; миллий почта алоқаси операторининг номли буюмлари; почта жўнатмаларини жўнатиш учун идиш (тара); почта идиш (тара)ларидан фойдаланиш тартиби

- давлат почта хизматини ривожланишининг асослари ҳақида билиши;
- почта ҳодиса ва жараёнларни таҳлил қилиш усулларини қўллаши;

почта қонунларни, муаммолар бўйича ечимлар қабул қилишни **билиши ва улардан фойдалана олиши;**

- олинган билимларни амалий фаолиятида ва ижтимоий-сиёсий жараёнларда қўллаш олиши;

- амалиётда почта ишларни юрита билиш **кўникмаларига эга бўлиши.**

Модулни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича тавсиялар

« Почта алоқасида технологик жараёнлар » курси маъруза ва амалий машғулотлар шаклида олиб борилади.

Курсни ўқитиш жараёнида таълимнинг замонавий методлари, педагогик технологиялар ва ахборот-коммуникация технологиялари қўлланилиши назарда тутилган:

- маъруза дарсларида замонавий компьютер технологиялари ёрдамида презентацион ва электрон-дидактик технологиялардан;

- ўтказиладиган амалий машғулотларда техник воситалардан, экспресс-сўровлар, ақлий ҳужум, гуруҳли фикрлаш, кичик гуруҳлар билан ишлаш, коллоквиум ўтказиш ва бошқа интерактив таълим усулларини қўллаш назарда тутилади.

Модулнинг ўқув режадаги бошқа модуллар билан боғлиқлиги ва узвийлиги

« Почта алоқасида технологик жараёнлар » модули мазмуни ўқув режадаги барча ўқув модуллари билан узвий боғланган ҳолда педагогларнинг Почта алоқасида технологик жараёнлар бўйича касбий педагогик тайёргарлик даражасини оширишга хизмат қилади.

Модулнинг олий таълимдаги ўрни

Модулни ўзлаштириш орқали тингловчилар почта алоқасида технологик жараёнлар ташкиллаштириш асосларини ўрганиш почта алоқа хизматлари ҳажмини ошириш, янги қўшимча турдаги хизматларни татбиқ этиш, почта-банк хизматлари кўрсатиш (почта-банк), халқ истеъмол молларини сотиш (товарлар-почта орқали), китоб-плакат ва бошқа полиграфик маҳсулотларга буюртмаларни бажариш.

Модул бўйича соатлар тақсимоти

№	Модул мавзулари	Тингловчининг ўқув юклараси, соат					
		Ҳаммаси	Аудитория ўқув юклараси			Кучма машғулот	Мустақил таълим
			Жами	Назарий	Амалий машғулот		
1.	МИЛЛИЙ ПОЧТА АЛОҚАСИ ОПЕРАТОРИНИНГ НОМЛИ БУЮМЛАРИ ВА ИДИШ (ТАРА) НИНГ УМУМИЙ ХАРАКТЕРИСТИКАЛАРИ	4	4	2	2		
2.	ИЧКИ ПОЧТА, КУРЕРЛИК ЖЎНАТМАЛАРИНИ ҚАБУЛ ҚИЛИШ УМУМИЙ ТАРТИБИ	6	4	2	2		2
3.	ИЧКИ ҚИЙМАТИ ЭЪЛОН ҚИЛИНГАН ХАТЛАР ВА ҚИЙМАТИ ЭЪЛОН ҚИЛИНГАН БАНДЕРОЛЛАРНИ РАСМИЙЛАШТИРИШ	8	6	2	4	2	
4.	ОЛИНГАНЛИГИ ТЎҒРИСИДАГИ БИЛДИРИШНОМАЛИ ИЧКИ ПОЧТА ЖЎНАТМАЛАР	8	6	2	4		2
5.	ХАЛҚАРО МАЙДА ПАКЕТЛАР	8	6	2	4	2	
	Жами:	34	26	10	16	4	4

НАЗАРИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ

1-мавзу: МИЛЛИЙ ПОЧТА АЛОҚАСИ ОПЕРАТОРИНИНГ НОМЛИ БУЮМЛАРИ ВА ИДИШ (ТАРА) НИНГ УМУМИЙ ХАРАКТЕРИСТИКАЛАРИ

Кишилик жамиятининг ривожланишида ижтимоий хўжаликни ташкил этишнинг иккита умумий иқтисодий шакли ажралиб туради. Умумий иқтисодий шаклларнинг тарихан биринчиси **натурал ишлаб чиқариш** ҳисобланади. Ижтимоий хўжаликнинг бу шаклида яратилган маҳсулотлар ишлаб чиқарувчининг ўз эҳтиёжларини қондириш учун, хўжалик ички эҳтиёжлари учун мўлжалланган.

2 - мавзу ИЧКИ ПОЧТА, КУРЕРЛИК ЖЎНАТМАЛАРИНИ ҚАБУЛ ҚИЛИШ УМУМИЙ ТАРТИБИ

Почта алоқаси операторлари юбориш тақиқланган нарсалар солинган ички почта жўнатмаларини улар аниқланган жойда ушлаб қолиш ҳуқуқига эга. Бундай почта жўнатмаларини вақтинча сақлаш почта алоқаси объектида аниқ ҳисоб ва сақлашни таъминлаш билан амалга оширилади. Уларга бегона шахсларнинг кира олиш имконияти истисно қилинади.

3-мавзу: ИЧКИ ҚИЙМАТИ ЭЪЛОН ҚИЛИНГАН ХАТЛАР ВА ҚИЙМАТИ ЭЪЛОН ҚИЛИНГАН БАНДЕРОЛЛАРНИ РАСМИЙЛАШТИРИШ

Қиймати эълон қилинган хатлар ва қиймати эълон қилинган бандероллар жисмоний шахслардан фақат очик ҳолда, жойланма текширилиб қабул қилинади.

4-мавзу: ОЛИНГАНЛИГИ ТЎҒРИСИДАГИ БИЛДИРИШНОМАЛИ ИЧКИ ПОЧТА ЖЎНАТМАЛАР

Рўйхатга олинган халқаро почта жўнатмалари ер усти ёки ҳаво транспорти билан жўнатилганда, олинганлиги тўғрисидаги СН 07 оддий билдиришномалари билан қабул қилинади.

5-мавзу: ХАЛҚАРО МАЙДА ПАКЕТЛАР

Халқаро майда пакетлар алоқа бўлимларидан суғурта қопларда бўйсунуви бўйича почта алоқаси объектлари (почтамтлар, почта алоқаси боғламалари)га жўнатилади, у ердан улар яна суғурта қопларда алмашинув пунктларига юборилади, улар майда пакетларни саралайди ва суғурта қопларда қиймати эълон қилинган халқаро хатлар билан бирга халқаро почта алмашинувининг тегишли жойига юборади. 17-шаклдаги ёрликқа «Халқаро» — «МеМдйҲаподмрн» белгиси қўйилади.

АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ

1-амалий машғулот:

**Миллий почта алоқаси номли буюмлари ва идиш(тара)нинг умумий
характерикаси**

2-амалий машғулот:

**Ички почта, курерлик жўнатмаларини қабул қилиш умумий
тартиби.**

3– амалий машғулот:

**Ички қиймати эълон қилинган хатлар ва қиймати эълон қилинган
бандеролларни расмийлаштириш**

4 – амалий машғулот:

**Олинганлиги тўғрисидаги билдиришномали ички почта
жўнатмалари.**

5 – амалий машғулот:

Халқаро майда пакетлар

ЎҚИТИШ ШАКЛЛАРИ

Мазкур модуль бўйича қуйидаги ўқитиш шаклларидан фойдаланилади:

- маърузалар, амалий машғулотлар (маълумотлар ва технологияларни англаб олиш, ақлий қизиқишни ривожлантириш, назарий билимларни мустаҳкамлаш);
- давра суҳбатлари (кўрилаётган лойиҳа ечимлари бўйича таклиф бериш қобилиятини ошириш, эшитиш, идрок қилиш ва мантиқий хулосалар чиқариш);
- баҳс ва мунозаралар (лойиҳалар ечими бўйича далиллар ва асосли аргументларни тақдим қилиш, эшитиш ва муаммолар ечимини топиш қобилиятини ривожлантириш).

БАҲОЛАШ МЕЗОНИ

№	Баҳолаш турлари	Максимал балл	Баллар
1	Кейс топшириқлари	2.5	1.2 балл
2	Мустақил иш топшириқлари		0.5 балл
3	Амалий топшириқлар		0.8 балл

II. БЎЛИМ

МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА
ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН
ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ
МЕТОДЛАРИ

II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ.

“SWOT-таҳлил” методи.

Методнинг мақсади: мавжуд назарий билимлар ва амалий тажрибаларни таҳлил қилиш, таққослаш орқали муаммони ҳал этиш йўлларни топишга, билимларни мустаҳкамлаш, такрорлаш, баҳолашга, мустақил, танқидий фикрлашни, ностандарт тафаккурни шакллантиришга хизмат қилади.

S – (strength)	• кучли томонлари
W – (weakness)	• заиф, кучсиз томонлари
O – (opportunity)	• имкониятлари
T – (threat)	• тўсиқлар

Намуна: Очiq кодли операцион тизимларининг SWOT таҳлилини ушбу жадвалга туширинг.

S	Ушбу лицензияга тегишли операцион тизимдан фойдаланишнинг кучли томонлари	Open source (очiq кодли), фойдаланувчилар сонининг кун сайин ошиб бориши...
W	Очiq кодли операцион тизимдан фойдаланишнинг кучсиз томонлари	График интерфейслари сони жихатдан кўплиги ва хилма хиллиги...
O	Очiq кодли операцион тизимдан фойдаланишнинг имкониятлари (ички)	Операцион тизим ядросига ўзгартиришлар киритиш имконияти
T	Тўсиқлар (ташқи)	Маълумотлар хавфсизлигининг тўлақонли таъминланмаганлиги...

Хулосалаш» (Резюме, Веер) методи

Методнинг мақсади: Бу метод мураккаб, кўптармоқли, мумкин қадар, муаммоли характеридаги мавзуларни ўрганишга қаратилган. Методнинг моҳияти шундан иборатки, бунда мавзунинг турли тармоқлари бўйича бир хил ахборот берилади ва айни пайтда, уларнинг ҳар бири алоҳида аспектларда муҳокама этилади. Масалан, муаммо ижобий ва салбий томонлари, афзаллик, фазилат ва камчиликлари, фойда ва зарарлари бўйича ўрганилади. Бу интерфаол метод танқидий, таҳлилий, аниқ мантикий фикрлашни муваффақиятли ривожлантиришга ҳамда ўқувчиларнинг мустақил ғоялари, фикрларини ёзма ва оғзаки шаклда тизимли баён этиш, ҳимоя қилишга имконият яратади. «Хулосалаш» методидан маъруза машғулотларида индивидуал ва жуфтликлардаги иш шаклида, амалий ва семинар машғулотларида кичик гуруҳлардаги иш шаклида мавзу юзасидан билимларни мустаҳкамлаш, таҳлили қилиш ва таққослаш мақсадида фойдаланиш мумкин.

Методни амалга ошириш тартиби:



тренер-ўқитувчи иштирокчиларни 5-6 кишидан иборат кичик гуруҳларга ажратади;



тренинг мақсади, шартлари ва тартиби билан иштирокчиларни таништиргач, ҳар бир гуруҳга умумий муаммони таҳлил қилиниши зарур бўлган қисмлари туширилган тарқатма материалларни тарқатади;



ҳар бир гуруҳ ўзига берилган муаммони атрофлича таҳлил қилиб, ўз мулоҳазаларини тавсия этилаётган схема бўйича тарқатмага ёзма баён қилади;



навбатдаги босқичда барча гуруҳлар ўз тақдимотларини ўтказадилар. Шундан сўнг, тренер томонидан таҳлиллар умумлаштирилади, зарурий ахборотлар билан тўлдирилади ва мавзу яқунланади.

Намуна:

операцион тизимлар оиласи					
Windows		Unix		Linux	
афзаллиги	камчилиги	афзаллиги	камчилиги	афзаллиги	камчилиги
Хулоса:					

“Кейс-стади” методи

«Кейс-стади» - инглизча сўз бўлиб, («case» – аниқ вазият, ҳодиса, «stadi» – ўрганмоқ, таҳлил қилмоқ) аниқ вазиятларни ўрганиш, таҳлил қилиш асосида ўқитишни амалга оширишга қаратилган метод ҳисобланади. Мазкур метод дастлаб 1921 йил Гарвард университетиде амалий вазиятлардан иқтисодий бошқарув фанларини ўрганишда фойдаланиш тартибиде қўлланилган. Кейсде очик ахборотлардан ёки аниқ воқеа-ҳодисадан вазият сифатида таҳлил учун фойдаланиш мумкин. Кейс ҳаракатлари ўз ичига қуйидагиларни қамраб олади: Ким (Who), Қачон (When), Қерде (Where), Нима учун (Why), Қандай/ Қанақа (How), Нима-натижа (What).

“Кейс методи” ни амалга ошириш босқичлари

Иш босқичлари	Фаолият шакли ва мазмуни
1-босқич: Кейс ва унинг ахборот таъминоти билан таништириш	<ul style="list-style-type: none"> ✓ якка тартибдаги аудио-визуал иш; ✓ кейс билан танишиш(матнли, аудио ёки медиа шаклда); ✓ ахборотни умумлаштириш; ✓ ахборот таҳлили; ✓ муаммоларни аниқлаш
2-босқич: Кейсни аниқлаштириш ва ўқув топшириғни белгилаш	<ul style="list-style-type: none"> ✓ индивидуал ва гуруҳда ишлаш; ✓ муаммоларни долзарблик иерархиясини аниқлаш; ✓ асосий муаммоли вазиятни белгилаш
3-босқич: Кейсдаги асосий муаммони таҳлил этиш орқали ўқув топшириғининг ечимини излаш, ҳал этиш йўлларини ишлаб чиқиш	<ul style="list-style-type: none"> ✓ индивидуал ва гуруҳда ишлаш; ✓ муқобил ечим йўлларини ишлаб чиқиш; ✓ ҳар бир ечимнинг имкониятлари ва тўсиқларни таҳлил қилиш; ✓ муқобил ечимларни танлаш
4-босқич: Кейс ечимини ечимини шакллантириш ва асослаш, тақдимот.	<ul style="list-style-type: none"> ✓ якка ва гуруҳда ишлаш; ✓ муқобил вариантларни амалда қўллаш имкониятларини асослаш; ✓ ижодий-лойиҳа тақдимотини тайёрлаш; ✓ якуний ҳулоса ва вазият ечимининг амалий аспектларини ёритиш

Кейс. 6 Гб тезкор хотирага эга бўлган компьютерга 32 битли операцион тизим ўрнатилди. Тезкор хотира 6 Гб ҳажмига қарамасдан операцион тизим 4

ГБ жойини бошқараолади. Ушбу ҳолат нимадан келиб чиқди?

Кейсни бажариш босқичлари ва топшириқлар:

- Кейсдаги муаммони келтириб чиқарган асосий сабабларни белгиланг (индивидуал ва кичик гуруҳда).
- Ушбу ҳолатни бартараф қилиш усуллари кетма-кетлигини белгиланг (жуфтликлардаги иш).

«ФСМУ» методи

Технологиянинг мақсади: Мазкур технология иштирокчилардаги умумий фикрлардан хусусий хулосалар чиқариш, таққослаш, қиёслаш орқали ахборотни ўзлаштириш, хулосалаш, шунингдек, мустақил ижодий фикрлаш кўникмаларини шакллантиришга хизмат қилади. Мазкур технологиядан маъруза машғулотларида, мустаҳкамлашда, ўтилган мавзунини сўрашда, уйга вазифа беришда ҳамда амалий машғулот натижаларини таҳлил этишда фойдаланиш тавсия этилади.

Технологияни амалга ошириш тартиби:

- қатнашчиларга мавзуга оид бўлган якуний хулоса ёки ғоя таклиф этилади;
- ҳар бир иштирокчига ФСМУ технологиясининг босқичлари ёзилган қоғозларни тарқатилади:

Ф	• фикрингизни баён этинг
С	• фикрингизни баёнига сабаб кўрсатинг
М	• кўрсатган сабабингизни исботлаб мисол келтиринг
У	• фикрингизни умумлаштиринг

- иштирокчиларнинг муносабатлари индивидуал ёки гуруҳий тартибда тақдимот қилинади.

ФСМУ таҳлили қатнашчиларда касбий-назарий билимларни амалий машқлар ва мавжуд тажрибалар асосида тезроқ ва муваффақиятли

ўзлаштирилишига асос бўлади.

Намуна.

Фикр: –Операцион тизим тизимли дастурий таъминот синфига киради”.

Топшириқ: Мазкур фикрга нисбатан муносабатингизни ФСМУ орқали таҳлил қилинг.

“Ассесмент” методи

Методнинг мақсади: мазкур метод таълим олувчиларнинг билим даражасини баҳолаш, назорат қилиш, ўзлаштириш кўрсаткичи ва амалий кўникмаларини текширишга йўналтирилган. Мазкур техника орқали таълим олувчиларнинг билиш фаолияти турли йўналишлар (тест, амалий кўникмалар, муаммоли вазиятлар машқи, қиёсий таҳлил, симптомларни аниқлаш) бўйича ташҳис қилинади ва баҳоланади.

Методни амалга ошириш тартиби:

–Ассесмент” лардан маъруза машғулотларида талабаларнинг ёки катнашчиларнинг мавжуд билим даражасини ўрганишда, янги маълумотларни баён қилишда, семинар, амалий машғулотларда эса мавзу ёки маълумотларни ўзлаштириш даражасини баҳолаш, шунингдек, ўз-ўзини баҳолаш мақсадида индивидуал шаклда фойдаланиш тавсия этилади. Шунингдек, ўқитувчининг ижодий ёндашуви ҳамда ўқув мақсадларидан келиб чиқиб, ассесментга қўшимча топшириқларни киритиш мумкин.

Намуна. Ҳар бир катакдаги тўғри жавоб 5 балл ёки 1-5 балгача баҳоланиши мумкин.



Тест

- Операцион тизимнинг асосий функциялари нечта?
- А) 2 та
- В) 5 та
- С) 3 та
- D) 1 та



Қиёсий таҳлил

- Linux операцион тизимлардан фойдаланиш кўрсаткичларини таҳлил қилинг?



Тушунча таҳлили

- MSDOS қисқармасини изоҳланг...



Амалий кўникма

- Маълумотларнинг хавфсизлигини таъминлаш мақсадида зарур бўлган дастурий таъминотни ўрнатинг?

“Инсерт” методи

Методнинг мақсади: Мазкур метод ўқувчиларда янги ахборотлар тизимини қабул қилиш ва билмларни ўзлаштирилишини енгиллаштириш мақсадида қўлланилади, шунингдек, бу метод ўқувчилар учун хотира машқи вазифасини ҳам ўтайди.

Методни амалга ошириш тартиби:

➤ ўқитувчи машғулотга қадар мавзунинг асосий тушунчалари мазмуни ёритилган инпут-матнни тарқатма ёки тақдимот кўринишида тайёрлайди;

➤ янги мавзу моҳиятини ёритувчи матн таълим олувчиларга тарқатилади ёки тақдимот кўринишида намойиш этилади;

➤ таълим олувчилар индивидуал тарзда матн билан танишиб чиқиб, ўз шахсий қарашларини махсус белгилар орқали ифодалайдилар. Матн билан ишлашда талабалар ёки қатнашчиларга қуйидаги махсус белгилардан фойдаланиш тавсия этилади:

Белгилар	1-матн	2-матн	3-матн
–√” – таниш маълумот.			
–?” – мазкур маълумотни тушунмадим, изоҳ керак.			
–+” бу маълумот мен учун янгилик.			
– ” бу фикр ёки мазкур маълумотга қаршиман?			

Белгиланган вақт якунлангач, таълим олувчилар учун нотаниш ва тушунарсиз бўлган маълумотлар ўқитувчи томонидан таҳлил қилиниб, изоҳланади, уларнинг моҳияти тўлиқ ёритилади. Саволларга жавоб берилади ва машғулот якунланади.

“Тушунчалар таҳлили” методи

Методнинг мақсади: мазкур метод талабалар ёки қатнашчиларни мавзу буйича таянч тушунчаларни ўзлаштириш даражасини аниқлаш, ўз билимларини мустақил равишда текшириш, баҳолаш, шунингдек, янги мавзу буйича дастлабки билимлар даражасини ташхис қилиш мақсадида қўлланилади.

Методни амалга ошириш тартиби:

- иштирокчилар машғулот қоидалари билан таништирилади;
- ўқувчиларга мавзуга ёки бобга тегишли бўлган сўзлар, тушунчалар номи туширилган тарқатмалар берилади (индивидуал ёки гуруҳли тартибда);
- ўқувчилар мазкур тушунчалар қандай маъно англатиши, қачон, қандай ҳолатларда қўлланилиши ҳақида ёзма маълумот берадилар;
- белгиланган вақт якунига етгач ўқитувчи берилган тушунчаларнинг тугри ва тулиқ изоҳини уқиб эшиттиради ёки слайд орқали намойиш этади;
- ҳар бир иштирокчи берилган тугри жавоблар билан узининг шахсий муносабатини таққослайди, фарқларини аниқлайди ва ўз билим даражасини текшириб, баҳолайди.

Намуна: –Модулдаги таянч тушунчалар таҳлили”

Тушунчалар	Сизнингча бу тушунча қандай маънони англатади?	Қўшимча маълумот
Операцион тизим	Компьютер ва фойдаланувчи ўртасидаги интерфейс	
Файл тизими	Маълумотларни хотирада сақлаш тизими	
Linux	Очиқ кодли операцион тизим	

Изоҳ: Иккинчи устунчага қатнашчилар томонидан фикр билдирилади. Мазкур тушунчалар ҳақида қўшимча маълумот глоссарийда келтирилган.

“Блиц-ўйин” методи

Методнинг мақсади: ўқувчиларда тезлик, ахборотлар тизмини таҳлил қилиш, режалаштириш, прогнозлаш кўникмаларини шакллантиришдан иборат. Мазкур методни баҳолаш ва мустаҳкамлаш мақсадида қўллаш самарали натижаларни беради.

Методни амалга ошириш босқичлари:

1. Дастлаб иштирокчиларга белгиланган мавзу юзасидан тайёрланган топшириқ, яъни тарқатма материалларни алоҳида-алоҳида берилади ва улардан материални синчиклаб ўрганиш талаб этилади. Шундан сўнг, иштирокчиларга тўғри жавоблар тарқатмадаги «якка баҳо» колонкасига белгилаш кераклиги тушунтирилади. Бу босқичда вазифа якка тартибда бажарилади.

2. Навбатдаги босқичда тренер-ўқитувчи иштирокчиларга уч кишидан иборат кичик гуруҳларга бирлаштиради ва гуруҳ аъзоларини ўз фикрлари

билан гуруҳдошларини таништириб, баҳслашиб, бир-бирига таъсир ўтказиб, ўз фикрларига ишонтириш, келишган ҳолда бир тўхтамга келиб, жавобларини «гуруҳ баҳоси» бўлимига рақамлар билан белгилаб чиқишни топширади. Бу вазифа учун 15 дақиқа вақт берилади.

3. Барча кичик гуруҳлар ўз ишларини тугатгач, тўғри ҳаракатлар кетма-кетлиги тренер-ўқитувчи томонидан ўқиб эшиттирилади, ва ўқувчилардан бу жавобларни «тўғри жавоб» бўлимига ёзиш сўралади.

4. «Тўғри жавоб» бўлимида берилган рақамлардан «якка баҳо» бўлимида берилган рақамлар таққосланиб, фарқ булса «0», мос келса «1» балл қуйиш сўралади. Шундан сўнг «якка хато» бўлимидаги фарқлар юқоридан пастга қараб қўшиб чиқилиб, умумий йиғинди ҳисобланади.

5. Худди шу тартибда «тўғри жавоб» ва «гуруҳ баҳоси» ўртасидаги фарқ чиқарилади ва баллар «гуруҳ хатоси» бўлимига ёзиб, юқоридан пастга қараб қўшилади ва умумий йиғинди келтириб чиқарилади.

6. Тренер-ўқитувчи якка ва гуруҳ хатоларини тўпланган умумий йиғинди бўйича алоҳида-алоҳида шарҳлаб беради.

7. Иштирокчиларга олган баҳоларига қараб, уларнинг мавзу бўйича ўзлаштириш даражалари аниқланади.

«Дастурий воситаларни ўрнатиш ва созлаш» кетма-кетлигини жойлаштиринг. Ўзингизни текшириб кўринг!

Ҳаракатлар мазмуни	Якка баҳо	Якка хато	Тўғри жавоб	Гуруҳ баҳоси	Гуруҳ хатоси
Операцион тизимини ўрнатиш					
Фойдаланувчи қайт ёзувини созлаш					
Файлларни шифрлаш					
Тармоқни созлаш					
Антивирус дастурини ўрнатиш ва созлаш					
Операцион тизимни оптимизациялаш					

“Брифинг” методи

–Брифинг”- (инг. briefing-қиска) бирор-бир масала ёки саволнинг муҳокамасига бағишланган қиска пресс-конференция.

Ўтказиш босқичлари:

1. Такдимот қисми.
2. Муҳокама жараёни (савол-жавоблар асосида).

Брифинглардан тренинг якунларини таҳлил қилишда фойдаланиш мумкин. Шунингдек, амалий ўйинларнинг бир шакли сифатида қатнашчилар билан бирга долзарб мавзу ёки муаммо муҳокамасига бағишланган брифинглар ташкил этиш мумкин бўлади. Талабалар ёки тингловчилар томонидан яратилган мобил иловаларнинг такдимотини ўтказишда ҳам фойдаланиш мумкин.

“Портфолио” методи

–Портфолио” – (итал. portfolio-портфель, ингл.хужжатлар учун папка) таълимий ва касбий фаолият натижаларини аутентик баҳолашга хизмат қилувчи замонавий таълим технологияларидан ҳисобланади. Портфолио мутахассиснинг сараланган ўқув-методик ишлари, касбий ютуқлари йиғиндиси сифатида акс этади. Жумладан, талаба ёки тингловчиларнинг модуль юзасидан ўзлаштириш натижасини электрон портфолиолар орқали текшириш мумкин бўлади. Олий таълим муассасаларида портфолионинг қуйидаги турлари мавжуд:

Фаолият тури	Иш шакли	
	Индивидуал	Гуруҳий
Таълимий фаолият	Талабалар портфолиоси, битирувчи, докторант, тингловчи портфолиоси ва бошқ.	Талабалар гуруҳи, тингловчилар гуруҳи портфолиоси ва бошқ.
Педагогик фаолият	Ўқитувчи портфолиоси, раҳбар ходим портфолиоси	Кафедра, факультет, марказ, ОТМ портфолиоси ва бошқ.

III. БЎЛИМ

НАЗАРИЙ
МАТЕРИАЛЛАР

1- МАВЗУ: МИЛЛИЙ ПОЧТА АЛОҚАСИ ОПЕРАТОРИНИНГ НОМЛИ БУЮМЛАРИ ВА ИДИШ (ТАРА) НИНГ УМУМИЙ ХАРАКТЕРИСТИКАЛАРИ

Режа:

1. *Миллий почта алоқаси операторининг номли буюмлари*
2. *Почта жўнатмаларини жўнатиш учун идиш (тара)*
3. *Почта идиш (тара)ларидан фойдаланиш тартиби*

Қуйидагилар почта алоқаси объектларининг номли буюмлари хисобланади: почта тақвим тамғаси, (бундан кейин матн бўйича-тақвим тамғалар), махсус тамғалари, суғурта мухри, пломбир паунсони, тасма изини тушириш мосламаси, термо пайвандлаш машина пластиналари, назорат - геральдди мухрлар, почта - касса аппаратлари мухри (номли модули).

Номли буюмлар почта алоқаси худудий ташкилотларининг буюртмалари бўйича Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг намуналари ва техник шартларига мувофиқ ҳолда тайёрланади.

Ҳар бир номли буюмга (пломбир паунсони, из тушириш мосламаси бундан мустасно), «Ўзбекистон» сўзи, почта алоқаси объектининг номи, шунингдек вилоятнинг номи (Қорақалпоғистон Республикасида - «Қорақалпоғистон» сўзи) ўйиб ёзилади. Почта алоқасининг рақамли объектлари мавжуд бўлган аҳоли пунктларидаги номли буюмларда аҳоли пунктларининг номидан ташқари почта алоқаси объектининг рақами ҳам бўлиши керак, масалан: *Самарқанд 13*. Бундан ташқари, почта алоқаси объектининг суғурта мухрида - тармоқ эмблемаси, «*Суғуртали*» сўзи; назорат - геральдди мухрида, почта-касса аппарати мухри (хос модули)да - тармоқ эмблемаси, етита рақамдан иборат рақамли белги ўйиб ёзилади.

Вилоят (Қорақалпоғистон Республикаси)да бир хил номдаги почта алоқаси объектлари мавжуд бўлса, туманнинг номи ҳам кўрсатилади.

Халқаро почтама т учун номни ифодалашда «*Тошкент XII П1-2*» шаклида ёзилади.

Почтама тлар ва почта алоқасининг шаҳар боғламалари билан бир қаторда почта алоқасининг туманлараро ёки туман боғламалари мавжуд бўлган шаҳарларнинг номли буюмларида шаҳар ва туман ифодаси кўрсатилади: масалан - «*Тошкент Чилонзор ТРАВ*».

Почта вагонлари, почта автомобиллари йўналишларининг тақвим тамғасида вагон, автомобил йўналишининг бошланғич ва охириги пунктлари кўрсатилади.

Тошкент, Нукус шаҳарлари, вилоятларнинг марказларида почта алоқаси объектларининг тасма изини тушириш мосламасига почта алоқаси объекти жойлашган жойнинг индекси ва шаҳарнинг номи ўйиб ёзилади, масалан: «*Тошкент 100115*».

Почта алоқаси объектининг номи ва манзили номли буюмларга ўзбек тилида латин алифбоси билан ўйиб ёзилади.

Почта алоқаси объектлари, почта вагонларида, иш шароити бўйича биттадан ортиқ тақвим тамға, суғурта мухри, пломбирга эга бўлиши керак бўлган жойларда, тайёрлаш вақтида уларга алифбо тартиби бўйича, тартиб харфи, зарур бўлган жойда эса-рақам ўйиб ёзилади.

Пул ўтказмаларига ишлов бериш ва назорат қилиш маркази (бундан кейин матн бўйича ПЎИНҚМ) ўз фаолиятларида почта алоқаси объектлари учун белгиланган намунадаги номли буюмлардан фойдаланадилар.

Корхона, ташкилот, муассасаларга Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш Агентлиги (бундан кейин - Агентлик) тизимига кирувчи почта алоқаси объектлари учун белгиланган намунадаги номли буюмларни қўллаш ман этилади.

Номли буюмлар, уларга зарурат қолмаганида ва уларни алмаштириш керак бўлган ҳолларда (назорат геральдди мухрлар ва почта-касса аппаратининг мухирлари бундан мустасно) почта алоқаси ҳудудий ташкилотининг комиссияси томонидан жойларда механик яроқсизлантириш йўли орқали йўқ қилинади, бу ҳақда номли буюмлар ва уларнинг йўқ қилиниш сабаблари кўрсатилиб далолатнома тузилади. Назорат-геральдди мухрлар ва почта-касса аппаратининг мухри ПЎИНҚМ га топширилиб, у эрда далолатнома бўйича йўқ қилинади.

Тақвим тамға почта маркаларини мухрлаш ва почта жўнатмалари, пул ўтказмалари бланкалари, квитанциялар ва ҳужжатларда почта жўнатмалари, пул ўтказмаларини қабул қилиш, жўнатиш, олиш Ёки элтиб бериш (топшириш) жойи ва сана изини тушириш учун мўлжалланган. Тақвим тамға изини истеъмолчиларнинг илтимосига кўра турли хилдаги филателистик ва бошқа материаллар (конвертлар, очик хатлар, маркалар ва х.к.)га босиш ман этилади.

Тақвим тамғалар почта алоқаси объектларига берилади ва почта алоқаси ҳудудий ташкилотлари, почта алоқа боғламалари, почта-тамт-ларда махсус дафтарларда тақвим тамға излари туширилиб, ҳисобга олинади ва уларни ишга тушириш санаси кўрсатилади. Тақвим тамғалар иш жойларига почта алоқаси объектининг раҳбари томонидан Ёзма равишда бириктирилади ва алоқа ходимларига тилхат билан берилади. Уларнинг кундалик ҳисоби почта алоқаси объектининг раҳбарлари томонидан юритилади.

Махсус тақвим тамғаси махсус ҳисобдан чиқариш тамға бўлиб, у муҳим давлат ходисалари, тарихий ва хотира жойлари ҳамда саналар, кўргазма ва шу кабиларга бағишланган тадбирларни ўтказишда почта маркаларини ҳисобдан чиқариш (мухрлаш) учун қўлланилади.

Бу тамғалар улардан фойдаланиш муддатлари тугаши билан почта алоқаси объектлари томонидан ҳисобга олиш ва сақлаш учун «Ўзбекистон маркаси» НашриЁт марказига таъминланган тартибда жўнатилади.

Суғурта мухри қиймати эълон қилинган хатлар ва қиймати эълон қилинган бандеролларни, посилкаларни, суғуртали қоғозлар, брезент сумкалар, контейнерлар, шунингдек қийматбаҳо жўнатмалар сақланадиган омборхоналарни сурғич билан муҳрлаш учун мўлжалланган.

Пломбир пуансони почта алоқаси объекти номининг изини пластмасса ёки қўрғошин пломбирларга тушириш учун мўлжалланган бўлиб, бу пломбалар билан ёпиқ почта жўнатмалари ва почта буюмлари, шунингдек қийматбаҳо жўнатмалар сақланадиган омборхоналар пломбаланади.

Из тушириш мосламаси посилкалар ва қиймати эълон қилинган бандеролларни ўраб жойлашда, шунингдек халқаро почта алмашуви жойларида келувчи майда пакетларни ўраб жойлашда ишлатиладиган қоғоз тасмаларига почта алоқаси объектининг номи ва почта индекси изини тушириш учун мўлжалланган.

Термопайвандлаш машинасининг пластинаси - почта алоқаси объектнинг номи ўйиб ёзилган металл пластина бўлиб, бандеролларни ўраб жойлашда термопайвандлаш машиналарида полиетилен плёнкаларни пайвандлаш учун, шунингдек келувчи майда пакетларни полиетилен пакетларга жойлаш билан бир вақтда уларга почта индекси изини ва почта алоқаси объектининг номини тушириш учун мўлжалланган.

Назорат-геральдли муҳр - пул ўтказмалари, 5-шаклдаги дафтарлар, 10-шаклдаги реестрлар ва пул ўтказмалари бўйича хизматга оид Ёзишмалари ҳамда алоҳида Ўйрикномаларга мувофиқ бошқа ҳужжатларни расмийлаштириш учун мўлжалланган. Назорат геральдли муҳр учта пастки тўғри бурчакда - эттита рақамдан иборат рақамли белгига эга бўлиши керак. Дастлабки учта рақам почта алоқаси ҳудудий ташкилотига берилган шартли рақамни, кейинги иккита рақам эса почта алоқа боғламасига берилган рақамни, охириги иккитаси алоқа бўлимининг рақамини англатади. Почта алоқаси объектларига рақамли белгини ПЎИНҚМ беради.

Почта-касса аппаратининг мухри (номли модули) пул ўтказмалари бланкаларини ва посилкалар бланкаларини расмийлаштириш учун мўлжалланган.

Зарур бўлган ҳолларда муҳрида вилоят ва туман номи ифодаланади.

Почта алоқаси объектида назорат-геральдли муҳр, почта-касса аппарати мухри (номли модули) алмаштирилганда Ёки муомаладан олиб ташланганда почта алоқаси объекти (алоқа бўлими)нинг бошлиғи биринчи жўнатилаётган почта билан уларни таъминланган тартибда ўз тобелиги бўйича почта алоқаси объекти (почта алоқа боғламаси, почта алоқа)га, у эса таъминланган тартибда почта алоқаси ҳудудий ташкилотига, охирида эса - ПЎИНҚМ га жўнатади.

Назорат-геральдли муҳр Ёки почта-касса аппаратининг мухри (номли модули) Ўйқотилганда Ёки ўғирлатилганда почта алоқаси объекти (алоқа бўлими)нинг бошлиғи бу ҳақда дархол телеграф (телефон) Ёки ўз қўли билан почта алоқаси объекти (почта алоқа боғламаси)нинг

рахбарига хабар беради, у эса дархол текширув ўтказди ва юз берган ходиса тўғрисида ўз тобелигига кўра почта алоқаси худудий ташкилотига Ёзма равишда нусхаси билан «Ўзбекистон почтаси» ДАК ва ПЎИНҚМ га юборилади.


ПЎИНҚМ ушбу почта алоқаси объектига янги рақамли белги беради, почта алоқаси худудий ташкилоти эса, унинг учун янги назорат-геральдли мухрни Ёки почта-касса аппаратининг мухри (номли модули)ни буюртма беради.

Номли буюмлар озода тугилиши ва таъминланган тартибда сақланиши керак.

Суғуртали ва назорат-геральдли мухр, почта-касса аппарати мухри (номли модули), пломбир, тасма изини тушириш мосламаси, термопайвандлаш машинасининг пластинасидан почта алоқаси объекти, почта вагонларининг бошлиқлари, уларнинг ўринбосарлари ва почта алоқаси худудий ташкилоти, почта алоқаси объекти бўйича буйруқ билан расмийлаштирилган шахслар фойдаланиш ҳуқуқига эгадирлар. Шунингдек, номли буюмларнинг бутлигига ва тўғри фойдаланишига масъул бўлган шахслар ҳам буйруқ билан тайинланадилар.

Иш куни (навбатчилик) бошланганда алоқа ходими назорат-геральдли ва суғурта мухрлари, тақвим тамғаси, тасма изини тушириш мосламаси, пломбирни қабул қилиб олиши ва иш тугаши билан пул ўтказмага ишлов бериш (суғурта почта) почта алоқа объектинингсчеҳи участкаси)нинг бошлиғи (ўринбосарлари)га топшириши шарт. Қабул қилиш-топшириш махсус дафтарга қабул қилинган, топширилган сана, ой ва вақтини махсус дафтарга қайд қилган холда қабул қилувчи ва топширувчи алоқа ходимининг имзоси билан амалга оширилади.

Номли буюмлар излари намуналари 1—8-расмларда келтирилган.



1-расм. Тақвим штемпеллари изларининг намуналари: *a* — шаҳар почта алоқаси объектлари учун; *b* — қишлоқ почта алоқаси объектлари учун; *d* —

Қорақалпоғистон Республикаси почта алоқаси объектлари учун; э — Халқаро почта учун; ф — почта вагонлари учун.




2-расм. Махсус хотира штемпели изининг намунаси.




1

3-расм. Суғурта мухрлари изларининг намуналари: а — шаҳар почта алоқаси объектлари; б — қишлоқ почта алоқаси объектлари.



4-расм. Пломбир изининг намунаси.



5-расм. Из тушириш мосламаси изининг намунаси.

ЎЗБЕКИСТОН ТОШКЕНТ	*а*	100000	ЎЗБЕКИСТОН *а*	ТОШКЕНТ
-----------------------	-----	--------	-------------------	---------

6-расм. Термопайвандлаш машина пластинаси изининг намунаси.



7-расм. Назорат-гералдли мухр изининг намунаси.



8-расм. Франкирлаш машинаси тамға изининг намунаси.

2. Почта жўнатмаларини жўнатиш учун идиш (тара)

Почта идиш (тара)ларига қоплар, контейнерлар киради. Почта идишлари Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг техник шартлари бўйича тайёрланиб, уларда «*Ўзбекистон почтаси*» деган трафаретли Ёзув бўлиши керак. «қопга қоп» алмашувига тааллуқли бўлмаган қопларнинг Ёзувида бундан ташқари уларга қарашли бўлган почта алоқаси худудий ташклоти, Халқаро почтампт, ПЎИНҚМ, «Ўзбекистон маркаси» нашриёт марказининг номи Ёзилган бўлиши керак.

Контейнерларга 1 рақамдан бошлаб (чексиз) тартиб бўйича рақам берилади, брезент қопларга эса 1001 дан 9999 гача бўлган тартиб рақами берилади. Қопларнинг тартиб рақамлари бир йўла трафаретли Ёзув билан Ёзилади. Зиғир, каноп жун толали ва бўз қопларга тартиб рақами Ёзилмайди.

Халқаро тезкор почта жўнатмаларини жўнатишда лотин алифбосида «ЭМС», «*Ўзбекистон Постес*» трафарет Ёзувли тўқ сариқ рангдаги қоплардан фойдаланилади.

Почта жўнатмаларини хорижга эр усти транспорти билан жўнатишда ишлатиладиган қоплар исталган (оч жигарранг, жигарранг, оқ ва ш.к) рангда бўлиб, «*Ўзбекистон Постес Тачкент*» деган трафаретли Ёзуви бўлиши керак. Халқаро авиа почталарни жўнатиш учун тўлиқ хаво рангдаги қоплар Ёки икки Ён томонида кенг хаво ранг чизиғи, «*Постес Пар авион Тачкент*» деган трафаретли Ёзуви бўлган қоплардан фойдаланилади.

Халқаро хат-хабарларни жўнатиш учун қоплар 10000 гача бўлган сонлар билан рақамланади.

Почта жўнатмаларини яроқсиз холга келган Ёки белгиланган трафаретга эга бўлмаган идишларда, хошияланмаган ва ўлчами бўйича стандартга тўғри келмайдиган қопларда, шунингдек рақамланмаган брезент қопларда жўнатишга йўл қўйилмайди.

Почта вагонларида, шунингдек почта автомобил йўналишлари бўйича зиғир, каноп жун толали ва бўз қопларда почта ташиганда «қопга қоп» тартибида алмаштирилади.

Почтани поездлар, автобуслар, шунингдек хаво кемаларида багаж билан жўнатишда, қоп-идишлар бўйича ҳисоб-китоб ушбу жўнатишлар тўғридан-тўғри улар ўртасида амалга ошириладиган почта алоқаси худудий ташкилотлари, почта алоқаси объектлари томонидан олиб борилади.

Почтани хаво кемаларидан эр усти транспортида жўнатиш учун оралик аэропортларда почтани тушириб олинганда жўнатиш пунктлари билан қоплар учун ҳисоб-китоб шундай почтани хаво кемасидан олган почта алоқаси объектлари томонидан амалга оширилади. Бундай холларда, почта идишлари қайтариладиган 16-шаклнинг ички Юкхатларида қуйидаги белги қайд қилинади: «... -сон рейсдаги хаво кемасида ...га (умумий Юкхат қаерга манзилланганлиги кўрсатилиши керак) жўнатилган (жўнатиш санаси) почта қоплари учун ҳисоб-китоб».

хаво кемасидан бошқа қўниш пунктига манзилланган почтани тушириб олинганлиги тўғрисида уни қайта жўнатишни амалга оширувчи почта алоқаси объекти дастлабки жўнатиш пунктига тезкор (телеграф) хабарномани Йўллайди.

Агар хаво транспорти орқали жўнатилган почтали қоплар бундан кейин почта вагонидан жўнатиладиган бўлса, унда вагон бригадаси уларнинг эвазига Юк ортиш пунктидаги почта алоқаси объектига тегишли миқдорда бўш қопларни топширади.

Ўз навбатида, бу бригада ушбу қопларни топширишда, улар учун шунча миқдорда бўш қопларни олади.

Контейнерлар бўйича ўзаро ҳисоб-китоблар почтани контейнерларда ташиш тизимида киритилган почта алоқаси объектлари ўртасида почтани контейнерларда ташиш режаси бўйича, лекин алмаштириш вақтида 10 кеча-кундуздан кечиктирмай ўтказилади.

Халқаро почтаamt, ПЎИНҚМ, «Ўзбекистон маркаси» Нашриёт марказдан, вилоятлар (Қорақалпағистон Республикаси)нинг шартли бойликлар участкалари томонидан жўнатиладиган қоплар, халқаро почтали қоплар, шунингдек «матбуот» деган трафарет ёзувли қоплар «қопга қоп» бўйича алмаштиришга тааллуқли эмас.

«Қопга қоп» алмашувига тааллуқли бўлмаган қоплар почта алоқаси худудий ташкилотлари, Халқаро почтаamt, ПЎИНҚМ, «Ўзбекистон маркаси» Нашриёт маркази томонидан 17-шаклдаги варақчалар бўйича Ёки манзилига қоплар жўнатиладиган Ёки олина-диган барча почта алоқаси объектлари учун тузиладиган худди шу шакл дафтаридаги шахсий ҳисоб рақамлари бўйича ҳисобга олинади.

«Қопга қоп» алмашувига тааллуқли бўлган қоплар бўйича қарздорлик, шунингдек 16-шакл Юкхатидаги белгилар асосида 17-шаклдаги варақча бўйича ҳисобга олинади.

Брезент қоплар 16-шакл Юкхати тузилган уларнинг рақамлари ва санаси бўйича, зиғир, каноп жун толали ва бўз қоплар эса умумий сони бўйича ҳисобга олинади.

Контейнерларни ҳисобга олиш ва почтани контейнерлар билан ташиш тизимида киритилган почта алоқаси объектлари ўртасидаги ўзаро ҳисоб-китоблар 17-шаклдаги варақчалар бўйича олиб борилади

3. Почта идиш (тара)ларидан фойдаланиш тартиби

Почта алоқаси объектлари бўйича контейнерларнинг ўтишини тезкор ҳисобга олиш ва назорат қилиш учун контейнерларни бирламчи ҳисобга олиш учун махсус дафтарлар юритилади.

Бирламчи ҳисобга олиш контейнерларда олиб келинган почта жўнатмаларининг турлари бўйича сонини аниқ ҳисоблаш имкониятини таъминлаши керак.

«Қопга қоп» алмашувига тааллуқли бўлмаган қабул қилинган қоплар ишловдан ўтказилгандан кейин ҳар бир почта алоқаси объекти биринчи қайтувчи транспорт орқали қопларни қайси объектдан жўнатиш бўлса, ўша эрга қайтаришга мажбур.

«Қопга қоп» алмашувига тегишли бўлган қопларнинг тўлиқ алмашилмаганлиги тўғрисида белги қўйилган 16-шакл Юкхатининг нусхаси олиниши билан қоплар бўйича қарздорлик дархол тўланади. Бўш қоплар тегишли почта алоқаси объектларига жўнатилади, жўнатиш санаси эса 17-шаклдаги варақчаларда белгиланади.

Ҳисобот оyi тугаши билан варақча (шахсий ҳисоб рақами)да жўнатиш қопларнинг турлари бўйича сони, ҳисобот оyi тугагандан сўнг 15 кундан кейин қайтарилган қоплар сонига яқун ясалади. Ана шу якуний маълумотлар асосида почта алоқасининг ҳар бир объектида узил-кесил ҳисоб-китоб учун тегишли почта идишларининг зарур сонини жўнатиш йўли билан почта идиши бўйича ўзаро ҳисоб-китоблари тўлиқ ёпилади.

Қайтариладиган бўш қоплар, шу қоплардан бирортасига жойланади, унга 16-шаклдаги Юкхат ҳам солиб қўйилади. Зиғир, канош жун толали ҳамда бўз қоплар Юкхатга ҳисоби (сони) бўйича, брезент қоплар эса, идиш турини кўрсатган ҳолда рақамлари бўйича кўрсатилади. Юкхатга Ёзишдан олдин уларга «*Бўш идиш (тара)лар*» деган белги қўйилади. Қоплардаги Ёзув қаршисига «. . . *оyi учун қарз ҳисобига*» деб белги қўйилади.

Қайтариладиган бўш идишли қопларга 10-шаклдаги манзил Ёрлиғи бириктирилади, шундан кейин қоплар суғурта муҳри билан муҳрланади Ёки пломбланади ва 16-шаклдаги Юкхатга Ёзилиб, жўнатилади. Агар фақат битта қоп қайтариладиган бўлса, унга ҳам шу ҳилдаги Юкхат илова қилинади ва у юқоридаги тартибда Ёзилади, лекин у муҳрланмаган (пломбаланмаган) ҳолда жўнатилади. Бўш қопларнинг манзил Ёрлиқларида ва 16-шаклдаги Юкхатда умумий белгиланган маълумотлардан ташқари «*Бо...и*» Ёки «*Бо...и қоплар билан*» белгиси қўйилади. Почта билан олинган брезент қоплар уларни жўнатган почта алоқаси объектининг манзилига почтани беркитиш учун фойдаланишга руҳсат этилади. Бунда 16-шаклдаги Юкхатда, албатта «. . . *оyi учун қарз ҳисобига*» белгиси қўйилади. Юкхат нусхалари почта алоқаси объектида қолади.

Мунтазам равишда қатнаб турадиган эр усти транспортига эга бўлмаган почта алоқаси объектлари бўш қопларни ҳаво транспорти орқали хизматга

оид посилкаларида оддиЙўраб жойланган холда жўнатадилар. Бундай посилкалар худди авиа хат-хабарли қоплардек беркитилади. Уларга Ёрлик бириктирилиб, унинг бир томонига манзил Ёрлиғи, иккинчи томонига эса 2-шаклдаги Ёрлик Ёпиштирилади. Посилканинг боғлови мухрланади, манзил томондаги Ёрлиғига ва илова Ёрлиғига эса «*Бўш қоплар билан*» белгиси қўйилади.

Бўш қоплардан иборат посилкаларнинг оғирлиги 10 кг дан ошиб кетмаслиги керак. Бундай послкалар, уларнинг сонидан қатъи назар, бутун босиб ўтадиган Йўли давомида 16-шаклдаги алохида Юкхатларга Ёзилган холда жўнатилади.

Оралиқ пунктлари ва почта вагонлари томонидан жўнатилаётган бўш қоплардан хат-хабарларни жўнатиш ҳамда бошқа мақсадларда фойдаланишга Йўл қўйилмайди.

Агар почта алоқаси худудий ташкилоти, Халқаро почтаamt, ПЎИНҚМ, «Ўзбекистон маркаси» Нашриёт маркази томонидан ўтказилган текширишларда уларга тегишли бўлган қоплар жўнатиш учун зарур бўлган (тўғридан-тўғри ва қайта юборилган) вақтдан ошириб юборилиб, ўз муддатида қайтарилмаганлиги аниқланган холларда, улар қопларнинг ўзлари мустақил равишда белгилаган қийматини тўлашларини талаб қилиш ҳуқуқига эгадирлар. Почта алоқаси худудий ташкилоти, ўзининг манзилига Йўлланган қопларнинг ўрнини тўлаш тўғрисидаги талаби, этишмайдиган қопларни қайтариб бериш тўғрисидаги далилни исботлаб бера олган холдагина тўловдан бош тортиши мумкин. Тўлов ундириладиган холларда қопларни алмаштириш нархини ҳисобга олиш керак.

Техник талабларга жавоб бермайдиган (ифлос, йиртиқ, хошияланмаган, трафарет Ёзуви бўлмаган) қоп қарзни тўлаш ҳисобига қабул қилинмайди ва жўнатувчига 51-шаклдаги далолатнома тузилиб қайтарилиши керак.қиймати

Матбуот нашрларидан бўшаган зиғир толали қоплар почта алоқасининг тегишли объектлари манзилига қайтариб юборилади. Бундай қоплар бошқа турдаги қоплардан алохида холда жўнатилади. Уларда ҳеч қандай почта жўнатмаларини жўнатиш мумкин эмас.

Матбуотдан бўшаган зиғир толали қопларни ҳисобга олиш ва қайтариб жўнатиш зиғир толали қопларда почта жўнатмаларини жўнатиш тартиби бўйича амалга оширилади.

Матбуот нашрларини ўраб жойлаш ва жўнатиш учун қоғоз (полиетилен) қоплардан фойдаланиш, ҳамда уларни қайтариш тартиби алохида кўрсатмалар орқали белгиланади.

Халқаро почта идиши (тара)дан фойдаланиш ва уни хорижий почта хизматига қайтариш тартиби Бутунжаҳон почта конвенсияси қоидалари ва унинг ижро регламенти томонидан маълум тартиб ва қоидаларга бўйсундирилади.

2-МАВЗУ: ИЧКИ ПОЧТА, КУРЕРЛИК ЖЎНАТМАЛАРИНИ ҚАБУЛ ҚИЛИШ УМУМИЙ ТАРТИБИ

Режа:

- 1. Ички почта, курерлик жўнатмаларини қабул қилиш*
- 2. Ички хатлар, почта варақчалари, бандероллар, майда пакетлар, секограммалар, тегишли ўровдаги босма наирларни қабул қилиш, ишлов бериш ва топшириш*
- 3. Ички оддий ва буюртма хатлар, почта варақчалари, бандероллар, майда пакетлар, секограммалар, тегишли ўровдаги босма наирлар*
- 4. Хатлар, почта варақчалари, бандероллар, майда пакетлар, секограммалар, тегишли ўровдаги босма наирларни қабул қилиш*
- 5. Жўнатиловчи ва транзит хатлар, почта варақчалари, бандероллар, майда пакетлар, секограммалар, тегишли ўровдаги босма наирларга ишлов бериш*

1. Ички почта, курерлик жўнатмаларини қабул қилиш

Қуйидагилар ички ва халқаро почта жўнатмаларида юбориш тақиқланади:

а) ўқ отадиган, сигналли, пневматик, газли қурооллар, ўқ-дорилар, совук қурооллар (жумладан ирђитиладиган), электрошок қурилмалари ва учқунли разрядниклар, шунингдек ўқ отиш қуроолларининг асосий қисмлари;

б) гиЁхванг моддалар, психотроп, кучли таъсир қиладиган, радиоактив, портловчи, захарловчи, ўювчи, тез алангаланувчи ва бошқа хавфли моддалар;

в) захарли хайвонлар ва ўсимликлар;

г) Ўзбекистон Республикасининг пул белгилари ва чет эл валютаси (республика Марказий банки ва унинг муассасалари томонидан юбориладиганлардан ташқари);

д) сифати тез бузиладиган озиқ-овқат махсулотлари;

э) ўз тавсифи Ёки ўрови туфайли почта ходимларига хавф туђдириши, бошқа почта жўнатмалари ва почта ускуналарини ифлослантириши Ёки бузиши (шикастлаши) мумкин бўлган нарсалар ва буюмлар.

Почта алоқаси операторлари юбориш тақиқланган нарсалар солинган ички почта жўнатмаларини улар аниқланган жойда ушлаб қолиш ҳуқуқига эга.

Бундай почта жўнатмаларини вақтинча сақлаш почта алоқаси объектида аниқ ҳисоб ва сақлашни таъминлаш билан амалга оширилади. Уларга бегона шахсларнинг кира олиш имконияти истисно қилинади.

Почта алоқаси ҳудудий ташкилот раҳбарлари почта жўнатмалари ушлаб қолинганлиги ҳақида, ички ишлар Ёки миллий хавфсизлик хизмати органларига дархол хабар қиладилар. Кўрсатилган органларнинг ходимлари почта алоқаси объектларининг раҳбарлари (уларнинг ўринбосарлари) иштироқида далолатнома тузиб, ман этилган нарса ва буюмларни олиб кўядилар, далолатноманинг бир нусхаси жўнатувчига юборилади.

Почта жўнатмаларида аниқланган захарли жониворлар ва ўсимликлар ветеринария органлари ва фитосанитария назорати органларига мос равишда далолатномалар бўйича топширилади.

Ўзбекистон Республикасининг пул белгилари борлиги аниқланганда жўнатувчига қайтарилади Ёки пул воситаларининг почта ўтказмаси орқали адресатга юборилади, бунда аниқланган суммадан юбориш учун тўлов миқдорида пул олинади. Почта жўнатмаларидан олинган чет эл валютаси устама тўлов билан қиймати эълон қилинган хатда адресат Ёки жўнатувчига бир вақтнинг ўзида тегишли терговни ўтказиш учун ички ишлар органларига ҳамда адресатга хабар қилиб юборилади. Устама тўлов суммаси белгиланган тариф бўйича жўнатиш учун ҳисобланган тўловга мос келиши керак.

Тез бузилувчи озиқ-овқат маҳсулотлари, шунингдек ўзининг хусусияти Ёки ўровланиши билан почта ходимлари Ёки учинчи шахсларнинг ҳаёти ва саломатлиги учун хавф туҳдирадиган, почта ускуналари ва бошқа почта жўнатмаларини ифлос қиладиган, бузадиган (шикаст этказадиган) нарсалар, агар бу хавфни бошқа йўллар билан бартараф этиш мумкин бўлмаса, почта алоқаси операторлари томонидан олиб қўйилади ва йўқ қилинади. Шу муносабат билан далолатнома тузилади ва бир нусхаси жўнатувчига юборилади.

Почта алоқаси ҳудудий ташкилотининг раҳбарлари юбориш ман қилинган буюм ва нарсаларнинг олиб қўйилганлиги Ёки йўқ қилинганлиги ҳақида жўнатувчи Ёки адресатга 10 кунлик муддатда Ёзма равишда хабар беради, кўрсатилган буюм ва нарсалар аниқлангани далили бўйича ички ишлар Ёки миллий хавфсизлик хизматларининг органлари тезкор-қидирув тадбирларини ўтказиш бўйича қарор қабул қилинган ҳоллар бундан мустасно.

Почта жўнатмаларининг ўрови жойланманинг хусусиятига, юбориладиган нарсанинг турига, жўнатиш шароитларига ва йўлнинг давомийлигига мос келиши, жойланмага ишлов беришда ва юборишда унинг шикастланишини истисно қилиши, ундаги ўров материаллар, муҳрлар,

пломбалар, боҳламлар, тасмалар ва ш.к.ларни бузмасдан ичига киришни, бошқа почта жўнатмаларининг бузилишини ва почта алоқаси ходимларига бирор-бир зарар этказилиш имкониятини истисно қилиши керак.

Бандеролларни ўрвлаш учун почта конвертлари, ғилофлар, картон кутилар, ёғоч(фанера) кутилар қўлланилади. Бандеролларни ўрвлаш учун материаллар сифатида пишиқ қоғоз, полиетилен плёнка, оч рангдаги сидиржа газламадан ва бошқа сертификатлаштирилган ўрвлаш материалларидан фойдаланиш мумкин.

Агар бандеролда бир нечта буюм юбориладиган бўлса, бу буюмлар ўров материалларига ўрвландан олдин каноп билан боҳланади. 500 граммдан ортиқ вазндаги оддий ва буюртма бандероллар, бундан ташқари, ўров материали устидан каноп билан хоч шаклида боҳланади.

Бандероль жойланмаси най шаклида ўралиши ва қўшимча равишда қоғоз ёки бошқа тасма билан маҳкамланиши мумкин, узунлиги 45 см дан ортиқ бўлган жойланмалар қаттиқ асосга қўйиб ўралади.

Почта жўнатмаларида, посилкаларга илова қилинган бланкаларда, шунингдек пул маблағларининг почта ўтказмалари бланкаларида жўнатувчи ва адресатнинг манзиллари жўнатувчи томонидан ёзилади. Манзилда қисқартма номлар, манзилга тааллуқли бўлмаган белгилар бўлмаслиги керак.

Манзил реквизитлари қуйидаги тартибда ёзилади:

адресатнинг номи (фуқаролар учун - фамилияси, исми, отасининг исми);

кўчанинг номи, уй рақами, хонадон рақами;

аҳоли пунктининг (шахар, поселка ва ш.к.) номи;

туманнинг номи;

республика, вилоятнинг номи;

мамлакатнинг номи (халқаро почта жўнатмалари учун);

почта индекси.

Олувчининг манзили почта конверти, почта пакети, почта варақчаси ёки почта жўнатмаси ўров материалининг пастки ўнг қисмида, жўнатувчининг манзили эса юқори чап бурчакда ёзилади.

Ўзбекистон Республикаси ҳудуди доирасида жўнатиладиган пул маблағларининг почта ўтказмалари бланкаларидаги ва почта жўнатмаларидаги манзиллар давлат тилида ёки фуқароларнинг истагига кўра маълум халқаро тилда расмийлаштирилади.

Рўйхатга олинadиган почта жўнатмаси ёки пул маблағларининг почта ўтказмаларини қабул қилишда жўнатувчига назорат-касса машинаси клишеси изи туширилган квитанция ёки квитанция дафтарчасидан квитанция берилади. Квитанция дафтарчасидан квитанция берилган холда унинг орқа томонига таквим тамжа изи туширилади. Рўйхат бўйича қабул қилинган почта жўнатмалари ва пул маблағларининг почта ўтказмаларига битта квитанция берилади.

Ички хатлар, посилкаларнинг эълон қилинган қиймат суммаси чекланмайди ва жўнатувчи томонидан жойланманинг ҳақиқий қиймати

бўйича тўлиқ сўмларда белгиланади. Эълон қилинган қиймати энг кам иш хақининг уч баробаридан ошмайдиган жойланма бандероль тарзида жўнатилиши мумкин.

2. Ички хатлар, почта варақчалари, бандероллар, майда пакетлар, секограммалар, тегишли ўровдаги босма нашрларни қабул қилиш, ишлов бериш ва топшириш

Почта алоқаси ҳудудий ташкилот раҳбарлари ушбу Қоидаларнинг 55 - банди "а" ва "б" кичик бандида кўрсатилган нарса ва буюмлар почта жўнатмаларида борлиги аниқланганлиги ва бу почта жўнатмалари ушлаб қолинганлиги ҳақида, ички ишлар Ёки миллий хавфсизлик хизмати органларига дархол хабар қиладилар. Кўрсатилган органларнинг ходимлари почта алоқаси объектларининг раҳбарлари (уларнинг ўринбосарлари) иштирокида далолатнома тузиб, ман этилган нарса ва буюмларни олиб кўядилар, далолатноманинг бир нусхаси жўнатувчига юборилади.

Почта жўнатмаларида аниқланган захарли жониворлар ва ўсимликлар ветеринария органлари ва фитосанитария назорати органларига мос равишда далолатномалар бўйича топширилади.

Рўйхатга олинадиган почта жўнатмаси, пул ўтказмасини қабул қилишда бериладиган квитанция алоқа ходими томонидан тўлдирилади ва имзоланади. Квитанциянинг орқа томонига почта алоқаси объектининг тақвим тамғаси аниқ қилиб туширилади. Буюртмали почта жўнатмаларини қабул қилишда қабул қилиш санаси элтиб бериш участкасини айланиб чиқиш вақтида почтальон томонидан, шунингдек штатдан ташқари бўлган алоқа ходими томонидан квитанция қўлда ёзилади.

Агар почта жўнатмаларининг манзили Тошкент, Нукус шаҳарлари ёки вилоят маркази бўлмаса, у ҳолда квитанцияларда Қорақалпоғистон Республикаси ёки вилоятнинг номи ҳамда почта алоқаси объектининг номи кўрсатилади.

Рўйхатга олинадиган почта жўнатмаларини қабул қилиш квитанцияларига рақам қўйиш ой давомида олиб борилади. Қиймати эълон қилинган хатлар, қиймати эълон қилинган бандероллар ва посилкалар бир кеча-кундузда 1000 тагача қабул қилинадиган почта алоқаси объектларида квитанцияларга рақам қўйиш кеча-кундуз давомида амалга оширилади.

Ички почта ва курерлик жўнатмаларининг размери ва чекланган оғирлиги

Жўнатма тури	Чекланган оғирлиги (кг)	Ўровдаги ўлчам
1	2	3
1. Хат	2	110x220 мм; 114x162 мм; 162x229 мм; 229x324 мм
2. Почта варақчаси	-	105x148 мм
3. Бандероль, шу жумладан, битта китоб (боғланган жилд) жойлаб	2 3	Энг кўпи: Уч ўлчамнинг (узунлиги, эни, қалинлиги) бири 600мм, уччала ўлчамнинг йиғиндиси 990 мм дан ошмаслиги керак. Най шаклида ўралган бандероллар учун - узунлиги ва диаметрининг йиғиндиси 1040 мм. Жойланмалар (хариталар, схемалар ва бошқалар)нинг букилиши мумкин бўлмаган айрим ҳолларда, най шаклида ўралган, диаметри 900 мм гача бўлган бандеролларни ҳам бўлиши мумкин Энг ками: 90 x 140 мм. Най шаклида ўралган бандероллар учун 170 мм ошмаслиги керак, айрим ҳолларда энг катта размери 100 мм бўлган бандеролларни ҳам бўлиши мумкин.
4. Секограмма	7	
5. Посилка а) бўлинадиган жойланмаси билан б) бўлинмайдиган жойланмаси билан	10 15	Уч ўлчамнинг (узунлиги, эни, қалинлиги) бири 150 см, уччала ўлчамнинг йиғиндиси 300см дан ошмаслиги керак. Энг ками: 114x162 мм.
6. Экспресс-почта жўнатмалари	31,5	Ҳар қандай ўлчами 150 см дан ошмаслиги керак. Узунлигининг йиғиндиси энг катта кўндаланг кесимининг периметри – 300 см. дан

		ортиқ бўлмаслиги керак
--	--	------------------------

Қиймати эълон қилинган ички хатлар, посилкаларнинг суммаси чекланмайди ва у жўнатувчи томонидан жойланманинг хақиқий нархига кўра тўлиқ сўмларда белгиланади.

Қоғозга ўраб жойланган қиймати эълон қилинган бандероллар ва посилкаларнинг суммаси Ўзбекистон Республикасида ўрнатилган энг кам иш хақининг уч баробаридан кўп бўлмаслиги керак (бундан кейин матн бўйича энг кам иш хақи).

Арилар, ўсимликлар (институтлар ва тажриба намуна хўжаликларидан алоҳида фуқаролар номига устама хақ тўлови билан жўнатиладиган кўчатлардан ташқари), янги чиққан хўл мева ва сабзавотлар, аниқ (маиший техника буюмлари ва маиший асбоб-ускуналардан ташқари, ойнали Ёки тез шикастланувчи қисмлари бўлган ўлчов, назорат ва бошқа) асбоблар солинган посилкаларни жўнатиш учун қиймати эълон қилинмаган ҳолда қабул қилинади.

Халқаро почта жўнатмаларининг эълон қилинган қиймати жўнатувчи томонидан ичидаги жойланманинг хақиқий нархига қараб белгиланади, лекин у халқаро почта жўнатмаларининг айрим тур ва тоифаларини қабул қилишда рухсат этилган мамлакатлар ва ҳудудлар рўйхатида (бундан кейин матн бўйича - Мамлакатлар рўйхати) ҳамда Халқаро почта жўнатмаларини қабул қилиш бўйича Қўлланмада (бундан кейин матн бўйича - Қўлланма) кўрсатилган қийматли-ликнинг чегаравий суммасидан ошиб кетмаслиги керак.

Почта жўнатмаларининг қиймати эълон қилинган суммаси унинг ўровида ва посилканинг бланкасидаги рақамларда ҳамда қавс ичида сўзлар билан тўлиқ сўмларда кўрсатилади.

Қуйидагилар элтиб бериш шарти билан қабул қилинмайди:

- энг кам иш хақининг ўн баробаридан ортиқ бўлган суммадаги пул ўтказмалари (пенсия ва нафақаларни тўлашга мўлжалланган пул ўтказмаларидан ташқари);

- энг кам иш хақининг ўн баробаридан кўп бўлган суммадаги қиймати эълон қилинган хатлар;

корхона, муассаса ва ташклотлар манзилига;

- қиймати эълон қилинган хатлар ва қиймати эълон қилинган бандероллар;

- посилкалар;

- устама тўловли почта жўнатмалари;

- «Йўқлаб олинadиган» почта жўнатмалари ва пул ўтказмалари;

- харбий қисмларга манзилланган почта жўнатмалари ва пул ўтказмалари;

- фойдаланувчининг қутисига манзилланган почта жўнатмалари ва пул ўтказмалари.

Корхона, муассаса ва ташкилотлар томонидан Қоидаларга риоя қилинмаган ҳолда расмийлаштирилган почта жўнатмалари ҳамда пул ўтказмалари жўнатиш учун қабул қилинмайди ва жўнатувчига қайтарилади.

3. Ички оддий ва буюртма хатлар, почта варақчалари, бандероллар, майда пакетлар, секограммалар, тегишли ўровдаги босма нашрлар

Ички почта жўнатмалари ва пул маблағларининг почта ўтказмаларига қуйидаги турдаги жўнатмалар киради:

- а) хатлар (оддий, буюртма, қийммати эълон қилинган);
- б) почта варақчалари (оддий, буюртма);
- в) бандероллар (оддий, буюртма, қийммати эълон қилинган);
- г) секограммалар (оддий, буюртма);
- д) посилкалар (оддий, қийммати эълон қилинган);
- э) пул маблағларининг почта ўтказмалари (оддий, тезкор);
- ж) ички экспресс-почта жўнатмалари;
- з) электрон почта жўнатмалари.

Жисмоний шахслар томонидан жўнатиладиган ички ва халқаро посилкалар, майда пакетлар жойланмалари почта алоқаси ходими томонидан текшириб кўрилиши билан очиқ тарзда қабул қилинади.

Юридик шахслар томонидан жўнатилган ички ва халқаро посилкалар пломбаланган ёки жўнатувчининг мухри билан берк ҳолда қабул қилинади.

Почта жўнатмаларида, посилкаларга илова қилинган бланкаларда, шунингдек пул маблағларининг почта ўтказмалари бланкаларида жўнатувчи ва адресатнинг манзиллари жўнатувчи томонидан ёзилади. Манзилда қисқартма номлар, манзилга тааллуқли бўлмаган белгилар бўлмаслиги керак.

Манзил реквизитлари қуйидаги тартибда ёзилади:

- адресатнинг номи (фуқаролар учун - фамилияси, исми, отасининг исми);
- кўчанинг номи, уй рақами, хонадон рақами;
- аҳоли пунктининг (шахар, поселка ва ш.к.) номи;
- туманнинг номи;
- республика, вилоятнинг номи;
- мамлакатнинг номи (халқаро почта жўнатмалари учун);
- почта индекси.

Олувчининг манзили почта конверти, почта пакети, почта варақчаси ёки почта жўнатмаси ўров материалининг пастки ўнг қисмида, жўнатувчининг манзили эса юқори чап бурчакда ёзилади.

Юридик шахсларга пул маблағларининг почта ўтказмасини жўнатишда бланкадаги жўнатувчининг манзилида юридик шахснинг номи ва унинг банк реквизитлари кўрсатилади.

Почта жўнатмалари яроқли ўровда, жўнатувчи ва олувчининг тўлик ҳамда аниқ манзиллари билан, шунингдек почта жўнатмаларининг манзили ёзиладиган томонида, посилкаларни қабул қилишда эса бланкада ҳам зарур бўлган қўшимча ёзувлар билан қабул қилинади.

Агар жўнатма манзили этарли даражада тўлик ёзилмаган ёки манзили алоқа ходими учун ноаниқ бўлса, у Ўзбекистон Республикаси почта алоқаси объектларининг Алифбо рўйхати бўйича тегишли маълумотни суриштиради ва жўнатувчидан этишмаётган маълумотлар билан манзилни тўлдиришини сўрайди.

Почта жўнатмалари, посилкаларга илова қилиб юбориладиган бланкалардаги, шунингдек пул маблағларининг почта ўтказмалари бланкалардаги барча манзил маълумотлари сиёҳ билан аниқ қилиб ёзилади ёки босма усулда, ёзув машинкасида ёхуд бошқа лозим бўлган аниқликдаги босма техникасидан фойдаланиб ёзилади.

Пул маблағларининг почта ўтказмаси бланкасида тузатиш, тўғрилаш ва харфлар ҳамда рақамларни такрор устидан бўяшларга йўл қўйилмайди.

Пул маблағларининг почта ўтказмалари, посилкаларга илова қилинувчи манзиллар бланкаларида улар келиб тушганлиги тўғрисида хабар бериш учун адресатларнинг телефон рақамларини кўрсатиш тавсия этилади.

Пул маблағларининг почта ўтказмаларини белгиланмаган шаклдаги бланкаларда қабул қилиш қатъий тақиқланади.

Почта жўнатмаларига босма усулда, ёзув машинкасида (йирик шрифт билан) ёхуд бошқа босма техникасидан фойдаланиб босилган ёки қўлда ёзилган манзил ёрлиқларини ёпиштириш мумкин. ёрлиқлар учун оқ қоғоз ёки оч рангдаги қоғоздан фойдаланилади.

Ўзбекистон Республикаси ҳудуди доирасида жўнатиладиган пул маблағларининг почта ўтказмалари бланкаларидаги ва почта жўнатмаларидаги манзиллар давлат тилида Ёки фуқароларнинг истагига кўра маълум халқаро тилда расмийлаштирилади.

Халқаро почта жўнатмаларида манзил лотин харфлари ва араб рақамлари билан ёзилади. Мўлжалланган мамлакат ва аҳоли пункти номи, давлат ёки фуқароларнинг истагига кўра, маълум халқаро тилда такрорланиш шарти билан, манзилни белгиланган мамлакат тилида ёзишга ҳам рухсат этилади.

Почта жўнатмалари ва пул маблағларининг почта ўтказмаларида адресатнинг фамилияси, исми, отасининг исми кўрсатилиб, йўқлаб олинандиганга ёки адресатнинг фамилияси, исми ва отасининг исми кўрсатилиб, ё юридик шахснинг тўлик номини кўрсатиб, абонемент кутисига манзилланиши мумкин.

Жўнатувчи ички почта жўнатмаси ёки пул маблағларининг почта ўтказмасини битта манзилда яшовчи икки адресатга манзиллаши мумкин, йўқлаб олинадиганга ёки абонентлик қутисига манзилланганлар бундан мустасно. Бундай холларда почта жўнатмаси ёки пул маблағларининг почта ўтказмаси адресатлардан бирига топширилади.

Жўнатувчи ички почта жўнатмалари ва пул маблағларининг почта ўтказмаларининг манзилли томонида, уларнинг тури, тоифаси ва туркумига боғлиқ холда қуйидаги белгиларни кўяди:

а) буюртма хатларда (почта варақчаларида)- *«Буюртма»*;

б) оддий (буюртма) бандеролларда - *«Оддий (буюртма) бандерол»*, қиймати эълон қилинган бандеролларда - *«Қиймати ...сўм деб эълон қилинган бандерол»*, жойланмаларнинг рўйхати бўлган қиймати эълон қилинган бандеролларда, бундан ташқари - *«Ройхат билан»*;

в) оддий (буюртма) секограммаларда - *«Оддий (буюртма) секограмма. Бепул»*;

г) қиймати эълон қилинган хатларда - *«Қиймати ...сўм деб эълон қилинган»* жойланмаларнинг рўйхати бўлган, қиймати эълон қилинган хатларда, бундан ташқари - *«Рўйхат билан»*.

Агар қиймати эълон қилинган хатларда даволаш муассасаларига йўлланмалар, темир йўл, авиатсия ва бошқа йўлда юриш чипталари, ўқув юрти муассасалари манзилига хужжатлар жўнатилаётган бўлса, у холда кўшимча равишда: *«Йўлланма билан»*, *«Чипта билан»* - *«Чипта билан»* ёки *«Хужжатлар билан»* белгиси қўйилади;

д) устама тўлов билан жўнатиладиган почта жўнатмаларида - *«Қиймати ... сўм деб эълон қилинган. Устама тўлов ...сўм ...»*. Бу белги, шунингдек, посилкаларга илова қилинадиган бланкаларда ҳам қўйилади;

э) олганлиги тўғрисидаги хабарнома билан қабул қилинган пул маблағларининг оддий почта ўтказмалари бланкаларида ва почта жўнатмаларида - *«Оддий (буюртма) хабарнома билан»*. Бу белги посилкаларга илова қилинадиган бланкаларга ҳам қўйилади;

ж) олганлиги тўғрисидаги хабарнома билан қабул қилинган пул маблағларининг тезкор почта ўтказмалари бланкаларида - *«Оддий (буюртма, тезкор) хабарнома билан»*;

з) савдо тушумларидан келган пул маблағларининг почта ўтказмалари бланкаларида - *«Тушум»*;

и) почта жўнатмаларида ва элтиб бериш хақи тўланган пул маблағларининг почта ўтказмалари бланкаларида - *«Элтиб бериш билан»*;

к) экспресс-почта билан жўнатиладиган почта жўнатмалари – *«Экспресс-почта»*;

л) адресатга шахсан топшириш учун қабул қилинган почта жўнатмаларида - *«Ўз қўлига топширилсин. Буюртма хабарнома билан»*;

м) нозик буюмлар, шу жумладан аниқ асбоблар ва радиолампарлар солинган почта жўнатмаларида, шунингдек шундай буюмлар солинган посилкаларга илова бланкаларида - *«Эҳтиёт қилинг»*;

н) танлов комиссиясига манзилланаётган почта жўнатмаларида - *“Танловга”*;

о) посилкаларда ва уларга тегишли илова бланкаларида:

вазни 10 кг дан ортиқ бўлган - *“Оғир вазнли”*;

50x50x40 см дан ортиқ ўлчамли - *“Йирик габаритли”*;

қиймати эълон қилинган - *“Қиймати . . . сўм деб эълон қилинган”*;

бундан ташқари, жойланмаларининг рўйхати берилган қиймати эълон қилинган - *“Рўйхат билан”*;

кўчатли - *“Кўчат”*;

асаларили - *“Эҳтиёт қилинг. Асаларилар. Қуёшда тутиб турилмасин. Ветеринария гувоҳномаси билан”*;

мўйна ва кемирувчилар териси билан - *“Мўйна. Ветеринария гувоҳномаси билан”*.

жун, тук, соч, пат, пар билан - *“Ветеринария гувоҳномаси билан”*;

янги мевалар ва сабзавотлар билан - мос равишда *“Мевалар”*, *“Сабзавотлар”*;

п) хаво транспорти билан жўнатиладиган посилкалар, уларга илова бланкалари ва бандеролларда - *“Авиа”*. Эр усти транспорти ва хаво транспорти билан бирга жўнатиладиган посилкалар, уларга илова қилинган бланкалар ва бандеролларда улар қайси пунктдан жўнатилаётгани кўрсатилади: *“. . . дан авиа”*;

р) ҳукуматга оид почта жўнатмаларида ва посилкаларга илова бланкаларида - *“Ҳукуматга оид”*;

с) чақирув қоғози, билдиришномали буюртма хатларда - мос равишда *“Шақирув қоғози”*, *“Буюртма хабарнома билан”*.

Почта жўнатмаларида реклама жойлаштирилиши мумкин. Почта жўнатмаларида рекламани жойлаштиришга рухсат Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги томондан берилади.

Рўйхатга олинадиган почта жўнатмалари, бундан *“Танловга”* белгиси қўйилган почта жўнатмалари мустасно, ва пул маблағларининг почта ўтказмалари почта алоқаси объектларига фақат жўнатувчининг манзили кўрсатилган холда топширилади.

Қуйидагилар ички ва халқаро почта жўнатмаларида юбориш тақиқланади:

а) ўқ отадиган, сигналли, пневматик, газли қуроллар, ўқ-дорилар, совуқ қуроллар (жумладан ирғитиладиган), электрошок қурилмалари ва учқунли разрядниклар, шунингдек ўқ отиш қуролларининг асосий қисмлари;

б) гиёҳванд моддалар, психотроп, кучли таъсир қиладиган, радиоактив, портловчи, захарловчи, ўювчи, тез алангаланувчи ва бошқа хавфли моддалар

(ушбу Қоидаларнинг 54-банди 3 «д» кичик бандида келтирилганлардан ташқари);

в) захарли хайвонлар ва ўсимликлар;

г) Ўзбекистон Республикасининг пул белгилари ва чет эл валютаси (республика Марказий банки ва унинг муассасалари томонидан юбориладиганлардан ташқари);

д) сифати тез бузиладиган озиқ-овқат махсулотлари;

э) ўз тавсифи ёки ўрови туфайли почта ходимларига хавф туғдириши, бошқа почта жўнатмалари ва почта ускуналарини ифлослантириши ёки бузиши (шикастлаши) мумкин бўлган нарсалар ва буюмлар.

Почта алоқаси операторлари юбориш тақиқланган нарсалар солинган ички почта жўнатмаларини улар аниқланган жойда ушлаб қолиш ҳуқуқига эга.

Бундай почта жўнатмаларини вақтинча сақлаш почта алоқаси объектида аниқ ҳисоб ва сақлашни таъминлаш билан амалга оширилади. Уларга бегона шахсларнинг кира олиш имконияти истисно қилинади.

4. Хатлар, почта варақчалари, бандероллар, майда пакетлар, секограммалар, тегишли ўровдаги босма нашрларни қабул қилиш

Ташқи почта қутисига фақат 114x162 мм ва 110x220 мм ўлчамдаги конвертга жойланган оддий хатлар ва 105x148 мм ўлчамдаги почта варақчалари ташланиши мумкин. Бошқа ўлчамдаги стандарт конвертларга жойланган хатлар, бандероллар, шунингдек франкирлаш машиналарида расмийлаштирилган хатлар ва барча буюртмали почта жўнатмалари почта алоқаси объектларига топширилади.

Фуқаролардан буюртмали хатларни қабул қилишда алоқа ходими жойланманинг хусусиятини текшириши ва жойланмада пул, хужжатлар ва қийматли қоғозлар жўнатилаётган бўлса, уларни пул ўтказмалари, қиймати эълон қилинган хатларда жўнатишни тавсия этиши керак.

Бандероллар алоқа ходими томонидан очиқ холда, ичидаги жойланмани текшириб қабул қилинади. Бандеролларда жўнатиш мумкин бўлмаган жойланмалар борлиги аниқланганда, улар қабул қилинмайди.

Буюртмали почта жўнатмаларини қабул қилишда жўнатувчига 3-шаклдаги дафтарга нусха кўчирувчи қоғоз Ёрдамида Ёзилган квитанция берилади. Қабул қилинган почта жўнатмасининг тури (хат, бандерол) квитанцияда кераксизини ўчириш Йўли билан кўрсатилади.

Фуқаролардан бир вақтнинг ўзида бешта ва ундан ортиқ буюртмали хат ва буюртмали бандероллар қабул қилинганда, жўнатувчи томонидан тартиб бўйича олувчининг манзили, номи рақамлари кўрсатилган 103-шаклдаги рўйхат икки нусхада тузилади. Алоқа ходими буюртмали хат ва буюртмали бандеролларни рўйхатдаги Ёзувлар билан номма-ном солиштириб текширади, ҳар бир почта жўнатмасининг оғирлиги, уни жўнатиш ҳақи, 3-

шакл дафтари бўйича рақамларини қўйиб чиқиб, яқун ясайди, рўйхатни имзолайди ва унга қабул қилиш санасининг тақвим тамға изини туширади.

Қабул қилинган буюртмали хат ва буюртмали бандеролларга 3-шаклдаги дафтардан битта умумий квитанция тўлдирилиб, унда почта жўнатмаларининг рақамлари (... -сондан ... -сонгача) қўйилади, «Қаерга» сатрида рўйхат бўйича қабул қилинган буюртмали хат ва буюртмали бандеролларнинг сони, «Кимга» сатрида 103-шаклдаги дафтарга «*Рўйхат бўйича*» белгиси қўйилади «оғирлиги» сатрида - қабул қилинган буюртмали хат ва буюртмали бандеролларнинг умумий оғирлиги, «жўнатиш учун тўлов» сатрида жўнатиш учун тўловларнинг умумий суммаси Ёзилади.

Қабул қилинаётган буюртмали почта жўнатмаларига Ёпиштирилган почта маркалари тақвим тамғаси билан ҳисобдан чиқарилади. Почта жўнатмаси манзил томонининг чап қисмидаги бўш жойга алоқа ходими почта жўнатмасини қабул қилиб олган почта алоқаси объектининг номи, 3-шаклдаги дафтарнинг квитанция рақамига мос келувчи почта жўнатмасининг тартиб рақами қўйилган 3-шаклдаги Ёрлик ва тартиб рақами Ёнига штрихкодни Ёпиштиради. Штрихкоднинг икинчи нушаси жўнатувчига берилган 3-шаклдаги дафтарнинг квитанциясига Ёпиштирилади. Ёрлик ўрнига унинг ўрнини босувчи тамға изи туширилиши мумкин. Штрихкоднинг икинчи нушаси жўнатувчига берилган 3-шаклдаги дафтарнинг квитанциясига Ёпиштирилади. Штрихкодда кўрсатилган тартиб рақами қабул қилинган буюртмали почта жўнатмасининг рақами деб ҳисобланади.

5. Жўнатиш учун ва транзит хатлар, почта варақчалари, бандероллар, майда пакетлар, секограммалар, тегишли ўровдаги босма нашрларга ишлов бериш

Почта алоқаси объектларида жадвалда белгиланган муддатларда қабул қилинган буюртмали почта жўнатмалари номма-ном текширилиб, ишлов бериш ва жўнатишга ва 3-шаклдаги дафтарга имзо қўйилиб топширилади. 3-шаклдаги дафтарнинг охириги квитанция нусхасининг бўш жойида топшириш санаси, топшириладиган хатлар (почта варақчалари, бандероллар, хабарномалари)нинг сони, қайси рақамдан қайси рақамгача бўлган почта жўнатмаларининг топширилганлиги, масалан, «*8 дан 17 гача 10 та хат*» деб кўрсатилади.

Буюртмали почта жўнатмаларини қабул қилиш ва уларга ишлов бериш турли хоналарда ўтказиладиган почта алоқаси объектларида буюртмали хатлар (почта варақчалари, бандероллар, хабарнома-лари)га ишлов бериш учун бир нусхада Ёзилдиган 11-шаклдаги реестрнинг 3-шаклдаги дафтарига имзо қўйилиб билан топширилади. Реестрда уларнинг рақамлари ва умумий сони сўз билан Ёзилади.

Буюртмали хатлар (почта варақчалари, бандероллар, хабарномалари)ни қабул қилувчи алоқа ходими унга имзо қўйишидан аввал, жўнатмаларнинг ташқи ҳолатини кўздан кечириши, бунда айниқса ташқи ўрови нинг бутунлигига аҳамият бериши зарур.

Почта қутиларидан чиқариб олинган, почта алоқа объектлари ва почтальонлар томонидан қабул қилинган хат-хабарлар манзиллари бўйича танланади, турлари бўйича (хатлар, почта варақчалари, бандероллар) ажратилади ҳамда маҳаллий, шаҳардан ташқари, халқаро, харбий, махсус тақвим тамға излари мавжуд бўлган гуруҳларга ажратилади.

Агар почта қутиларидан олинган Ёки саралаш машинасидан ўтган хат ва бандероллар орасида ўрови шикастланган почта жўнатмаси бўлса, у эҳтиётлик билан Ёпиштирилади (устидан ўраб жойланади). Бундай почта жўнатмасининг орқа томонига (манзили Ёзилмайдиган томонига), шунингдек ғижимланган Ёки ифлосланган почта жўнатмасининг ўровига аниқ қилиб *«Почта қутисидан шикастланган (ғижимланган Ёки ифлосланган) ҳолда олинди»* Ёхуд *«Қайта ишлаш вақтида шикастланган»* деган белги қўйилади. Бу белги почта жўнатмаларига ишлов берувчи алоқа ходими томонидан имзоланади ва тақвим тамғасининг изи туширилиб тасдиқланади.

Барча жўнатиловчи хат-хабарлар тахловдан ўтгандан сўнг дарҳол тамғаланади. Маркалар эса улардан иккинчи марта фойдалана олмайдиган қилиб тақвим тамға изи билан ҳисобдан чиқарилади.

Хат-хабарлар тамғалангандан кейин саралаш учун топширилади.

Хат-хабарларни саралаш, жўнатишга тайёрлаш ва йўллашнинг умумий тартиби ёзма хат-хабарлар, посилкали ва суғуртали почтани саралаш ва йўллаш тартиби тўғрисидаги йўриқномага мувофиқ белгиланади.

Маҳаллий хат-хабарларни элтиб берувчи алоқа бўлими ёки элтиб бериш участкаси бўйича сараланади.

Сараланган ёзма хат-хабарлар ва пул ўтказмаларининг бланкалари жўнатма йигиндиларга жойланади. Бунда хатлар шундай жойланиши керакки, йигиндиларга ўраб жойлашда улар шикастланмасликлари керак. Қуйидагилар алоҳида йигиндиларга ажартилади:

- катта ўлчамдаги почта жўнатмалари;
- буюртмали хатлар (почта варақчалари, хабарномалари);
- пул ўтказмаларининг бланкалари.

Почта жўнатмалари, пул ўтказмаларининг бланкалари ва йигиндиларини 11-шаклдаги реестрга қуйидаги тартибда Ёзилади:

а) жўнатиладиган пул ўтказмалари - рақами, суммаси ва манзилланган почта алоқаси объектларини кўрсатиб, транзитли пул ўтказмалари - рақами, суммаси, уларни қабул қилиш жойи ва манзилланган почта алоқаси объектларини кўрсатиб;

б) жўнатиладиган буюртмали хатлар (почта варақчалари, хабарномалари, бандероллар) – штрихкод бўйича рақами ва манзиллини

кўрсатиб, транзитли - штрихкод бўйича рақами, уларни қабул қилиш жойи ва манзилланган почта алоқаси объектларини кўрсатиб;

в) почта алоқаси транзит объектлари ўртасидаги пул ўтказмалари ва буюртмали хати бўлган йигиндилар алоҳида турлари бўйича рақами ва беркитиш жойининг почта алоқаси объектини кўрсатиб амалга оширилади.

11-шаклдаги реестрлар нусха кўчирувчи қоғоз Ёрдамида икки нусхада тузилади ва ой давомида тартиб рақами билан рақамланади. Реестр уни тузган алоқа ходими томонидан, лавозимини кўрсатган холда, (аниқ) имзоланади. Реестрнинг иккала нусхасига тақвим тамға изи туширилади. Биринчи нусхаси буюртмали йигинди ичига солиб қўйилади.

Оддий йигинди боғичи остига 9-шаклдаги манзил Ёрлиғи, буюртмали (пул ўтказмалари ва буюртмали почта жўнатмалари) йигинди боғичлари остига 11-шаклдаги манзил Ёрлиғи солинади.

Ёрлиқларда йигиндиларнинг мўлжалланган ва беркитиш жойлари, саралаган ходимнинг фамилияси кўрсатилади ҳамда уларга йигиндини жойлаш санасини акс эттирувчи тақвим тамға изи босилади.

11-шаклдаги Ёрлиққа, бундан ташқари, йигинди ичига солинадиган 11-шаклдаги реестр рақамига мос келадиган тартиб рақами Ёзилади.

Буюртмали хатлар йигиндиси жойланган ҳар бир қопга 11-шаклдаги йиғма реестр солиб қўйилади.

Хат-хабарлар жойланган ҳар бир қопга 10-шаклдаги манзил Ёрлиғи Ёпиштирилиб, унда қоп қаердан ва қаерга жўнатилаётганлиги, шунингдек унга берилган рақам кўрсатилади.

Ёрлиқлар ой давомида тартиб рақамлари билан рақамлаб борилади ва қопларни беркитган алоқа ходими томонидан имзоланади. ҳар бир Ёрлиққа тақвим тамға изи босилади.

3-МАВЗУ: ИЧКИ ҚИЙМАТИ ЭЪЛОН ҚИЛИНГАН ХАТЛАР ВА ҚИЙМАТИ ЭЪЛОН ҚИЛИНГАН БАНДЕРОЛЛАРНИ РАСМИЙЛАШТИРИШ

Режа:

- 1. Ички қиймати эълон қилинган хатлар ва қиймати эълон қилинган бандеролларни қабул қилиш, ишлов бериш, ва топшириш*
- 2. Қиймати эълон қилинган хатлар ва қиймати эълон қилинган бандеролларни қабул қилиш*
- 3. Жўнатилувчи ва транзит қиймати эълон қилинган хатлар ва қиймати эълон қилинган бандеролларга ишлов бериш*
- 4. Келувчи қиймати эълон қилинган хатлар ва қиймати эълон қилинган бандеролларга ишлов бериш*
- 5. Қиймати эълон қилинган хатлар ва қиймати эълон қилинган бандеролларни етказиб бериш (топшириш)*

Қиймати эълон қилинган хатлар ва қиймати эълон қилинган бандероллар жисмоний шахслардан фақат очик ҳолда, жойланма текширилиб қабул қилинади.

Юридик шахслар томонидан жўнатиладиган, қиймати эълон қилинган хатлар ва қиймати эълон қилинган бандероллар юбориш учун жўнатувчининг муҳри ёки пломбаси остида ҳам очик, ҳам ёпиқ ҳолда топширилиши мумкин. Почта жўнатмасида жўнатилиши тақиқланган предметлар ёки моддалар борлиги тўғрисида шубҳа пайдо бўлганда, почта алоқаси ходимига жўнатувчи иштирокида кўрсатилган жўнатмаларни жойланмани текшириш учун очиш ҳуқуқи берилади. Жўнатилиши тақиқланган жойланмалар аниқланганда, улар қабул қилинмайди. Агар жойланма хусусияти уни почта жўнатмасининг ушбу тури (тоифаси)да жўнатишга мос келмаса, алоқа ходими уни почта жўнатмасининг бошқа тури (тоифаси) билан жўнатишни тавсия қилади.

Қиймати эълон қилинган хатлар ёки қиймати эълон қилинган бандеролларни қабул қилишда алоқа ходими жойланма асосида 107-шаклдаги тўлдирилган рўйхат билан, жойланманинг эълон қилинган қиймат суммаси, шунингдек, почта жўнатмаси ва рўйхатнинг иккала нусхасида кўрсатилган белгиланган жойнинг айнан ўхшашлиги, адресатнинг номи, эълон қилинган қиймат суммаси ҳамда алоҳида белгиларини солиштиради. Алоқа ходими 107-шаклдаги рўйхатнинг иккала нусхасига имзо қўяди ва почта жўнатмаси қабул қилинган санаси бўлган тақвим штемпели изини туширади. 107- шаклдаги расмийлаштирилган рўйхатнинг биринчи нусхаси

қиймати эълон қилинган хат ва қиймати эълон қилинган бандерол ичига солинади, иккинчи нусхаси эса жўнатувчига берилади.

Қиймати эълон қилинган хатлар ва қиймати эълон қилинган бандероллар жўнатувчининг иштирокида ўраб жойланади, ёпиштирилади ва суғурта муҳри билан шундай муҳрланадики, бунда хатнинг барча қопқоқлари ёки бандеролнинг барча ўровлари жойланма сақланишини таъминлайдиган қилиб, суғурта муҳрининг сурғуч излари билан сурғучлаб беркитилади.

Ўлчами 114x162 мм, 110x220 мм бўлган стандарт конвертларда жўнатиладиган, энг кам иш ҳақининг бир бараваригача қиймати эълон қилинган хатларни конвертнинг барча қопқоқларини бирлаштирган ҳолда суғурта муҳрини бир марта босиш билан муҳрлашга рухсат этилади. Баҳоси юқори бўлган ёки ўлчами 162x229 мм ва 229x324 мм бўлган стандарт конвертларда жўнатиладиган хатларда туширилган муҳр изининг сони бештадан кам бўлмаслиги керак.

2. Қиймати эълон қилинган хатлар ва қиймати эълон қилинган бандеролларни қабул қилиш

Қиймати эълон қилинган хат ёки қиймати эълон қилинган бандерол расмийлаштирилгандан ва муҳрлангандан кейин тарозида тортилади ҳамда жўнатувчидан белгиланган тўлов ундирилади. Хат ёки бандерол ўрови олд томонининг бўш жойига рақамлар билан унинг оғирлиги ва алоқа ходимининг имзоси билан тасдиқланган олинган тўловнинг умумий суммаси ёзиб қўйилади. Бандеролни шаффоф полиетилен ўровда жўнатиш учун қабул қилишда унинг ичига расмийлаштирилган манзил ёрлиғи ёпиштирилиб, ўраб жойланган жойланма солинади. Полиетилен ўровнинг очиқ томонлари жўнатувчининг иштирокида термопайвандлаш машинасида пайвандланади. Бандеролни қабул қилиб олган жойидаги почта алоқаси обектининг почта индекси ва номи чокка туширилади.

Бандеролнинг қопқоқларига жўнатувчилар томонидан тўлдирилган манзил ёрлиқларини ёпиштиришга рухсат этилади.

Манзил ёрлиқлари алоқа ходими томонидан бандеролга ёпиштирилгунга қадар расмийлаштирилади.

Маҳаллий қиймати эълон қилинган хат ёки қиймати эълон қилинган бандеролни қабул қилишда, манзил томонининг юқори чап қисмига алоқа ходими, почта жўнатмасини қабул қилган почта алоқаси обектининг номи ва 1-шаклдаги дафтар бўйича жўнатманинг рақами кўрсатилган 1-шаклдаги ёрлиқни (33-расм) ёпиштиради ва унга почта жўнатмасининг 1-шаклдаги дафтар бўйича

Q	Toshkent 52 № _____
---	------------------------

квитанция сининг тартиб рақамини ёзиб қўяди. 1-шаклдаги ёрлик ўрнига унга мувофиқ келадиган штамп изини тушириши ҳам мумкин.

Шаҳардан ташқарига юбориладиган қиймати эълон қилинган хат ёки қиймати эълон қилинган бандеролни қабул қилишда 1-шаклдаги дафтар бўйича рақам ўрнига штрихкод ёпиштирилади.

Хат, бандерол манзил томонининг юқори ўнг бурчагига ёки манзил ёрлиғига қабул қилиш санаси бўлган таквим штемпели изи туширилади.

Мўрт предметлар жойланган қиймати эълон қилинган бандерол-ларни қабул қилишда унга «**Эҳтиёт қилинг**» белгили 8-шаклдаги ёрлик (34-расм) ёпиштирилади. Қиймати эълон қилинган «**Эҳтиёт қилинг**» белгили бандероллар ҳаво кемаларида жўнатиш учун жўнатувчининг жавобгарлиги остида қабул қилинади.

Агар манзил маълумотлари бандеролга тўғридан тўғри ёзилган бўлса, у ҳолда унга таквим штемпели изи туширилмайди, қабул қилиш санаси қўлда ёзиб кўрсатилади.

Қиймати эълон қилинган хат ёки қиймати эълон қилинган бандеролни қабул қилишда 1-шаклдаги дафтардан (35-расм) нусха кўчирувчи қоғоз орқали квитанция ёзилади ва жўнатувчига берилади.

1-шаклдаги дафтардан ёзилган квитанцияда қабул қилинган почта жўнатмасининг тури (хат, бандерол), жўнатманинг белгиланган жойи, адресат номи, почта жўнатмасининг оғирлиги, жўнатиш учун тўлов суммаси кўрсатилади. Алоҳида сатрда қўшимча хизматлар учун олинган тўлов суммаси кўрсатилади.

Ehtiyot qiling

8-шаклдаги «Эҳтиёт қилинг» ёрлигининг намунаси.

1-sh.



«O'zbekiston pochta» aksiyadorlik jamiyati

34-son KVITANSIYA


VA108977561UZ

p/kart. q.e.q. band. | ro'yxat bilan qabul qilishda
(jo'natma turi) | (alohida belgisi)

E'lon qilingan summasi so'mda O'n ming besh yuz so'm
(so'zlar bilan)

E'lon qilingan qiymati MO'Hda _____
(raqamlar bilan)

Ustama to'lov _____
(raqamlar bilan)

Qaerga Qo'qon, Farg'ona

Kimga Jo'rayeva

Og'irlik — kg <u>300 g</u>	To'lov	Og'irlik uchun	550	Qabul qildi <u>Shoyusupov</u> (imzo)
		E'l.qil.qiymati uchun	525	
		Ro'yxati tuzish uchun	200	
Jami		<u>Bir ming ikki yuz yetmish besh so'm</u> <u>00 tiyin</u> (so'mlar so'zlar, tiyin raqamlar bilan)		

Олинганлиги тўғрисидаги билдиришномали, уйга етказиб бериш билан, «ХУКУМАТГА ОИД» белгили жўнатиладиган, жойланма рўйхати билан, «Эҳтиёт қилинг» — «Осторожно» белгили қиймати эълон қилинган хатлар ёки қиймати эълон қилинган бандеролларни, шунингдек, «Ўз қўлига топширилсин. Буюртма билдиришнома билан» — «Вручить лично. С заказным уведомлением», «Йўлланмалар билан» — «С пўтёвками», «Чипталар билан» — «С билетами», «Хўжжатлар билан» — «С документами» белгили қиймати эълон қилинган хатларни, қиймати эълон қилинган авиабандеролларни қабул қилишда 1- шаклдаги дафтар квитанциясининг «Алоҳида белгиси» сатрига тегишли ёзувлар ёзиб кўйилади.

Юқорида келтирилган ёзувлардан ташқари, 1-шаклдаги дафтарлардан квитанцияларда алоқа ходими томонидан хизматлар тўловининг шакли: нақд пуллар «нақд», нақд пулсиз «нақдсиз», пластик карточка билан «p/kart.» кўрсатилиши керак.

Қиймати эълон қилинган хатлар ёки қиймати эълон қилинган бандеролларни қабул қилишни ШКда расмийлаштириш вақтида жўнатувчига белгиланган намунадаги квитанция берилади (36- расм).


Шаҳардан ташқарига юбориладиган қиймати эълон қилинган хат ёки қиймати эълон қилинган бандеролни қабул қилишда 1-шаклдаги дафтар квитанциясининг (ШК) бўш жойига штрихкод ёпиштирилади. 1-шаклдаги дафтардаги квитанциянинг нусхасига штрихкод рақами қўлда ёзилади.

Қабул қилувчи алоқа ходими 1-шаклдаги дафтардан квитанцияга имзо қўяди ва қабул қилиш санаси бўлган тақвим штемпели изини туширади.

3. Жўнатиловчи ва транзит қиймати эълон қилинган хатлар ва қиймати эълон қилинган бандеролларга ишлов бериш

Почта алоқаси объектларида қабул қилинган қиймати эълон қилинган хатлар ва қиймати эълон қилинган бандероллар жадвалда белгиланган муддатларда қабул қилувчи томонидан икки нусхада тузиладиган 16-шаклдаги юкхатга имзо қўйилиб, номма-ном текширилиб, унга ишлов бериш ва жўнатишга берилади. АИЖда 16-шаклдаги юкхат тузилади ва ШКда босиб чиқарилади. 16-шаклдаги юкхатда 1-шаклдаги дафтар ёки штрихкод бўйича уларнинг рақамлари,

белгиланган

		16-sh.
<p>Pochta jo'natildi ___ soat ___ daqiqada kuzatuvda (familiya) _____ - son guvohnoma Almashinishi kerak _____ qop Jo'natilgan pochta uchun YUKXAT <u>Namangan I</u> dan <u>Namangan</u> manziliga OP</p> <p>1356-son qop konteynerda</p> <div style="text-align: center;">  <p>(jo'natma joyining taqvim shtempeli izi)</p> </div>	<p>Pochta, kuryerlik jo'natmalari va buyumlarining nomi</p> <p>Konteyner.....</p> <p>«HUKUMATGA OID» belgili qoplar.....</p> <p>Ustuvor pochta jo'natmalari joylangan qoplar.....</p> <p>Kuryerlik jo'natmalari joylangan qoplar.....</p> <p>Tezkor pochta jo'natmalari joylangan qoplar.....</p> <p>Sug'urta qoplar.....</p> <p>Xalqaro jo'natmalar joylangan qoplar.....</p> <p>Yozma xat-xabarlar joylangan qoplar.....</p> <p>Davriy nashrlar joylangan qop va bog'lamlar.....</p> <p>Qiymati e'lon qilingan xatlar va qiymati e'lon qilingan banderollar.....</p> <p>Mayda paketlar.....</p> <p>«Ehtiyot qiling» belgili posilkalar.....</p> <p>E'lon qilingan qiymati eng kam ish haqining besh barobaridan ortiq baholangan posilkalar.....</p> <p>Odatdagi va e'lon qilingan qiymati eng kam ish haqining besh barobarigacha baholangan posikalar.....</p> <p>Bo'sh buyumlar.....</p> <p>Jami.....</p>	<p>Miqdor</p> <p>6</p> <p>6</p>

T/r	Pochta jo'natmalari va buyumlari nomi	1-shakldagi daftar bo'yicha yoki shtrixli pochta identifikatori bo'yicha raqam	E'lon qilingan qiymati, so'm	Ustama to'lov summasi, so'm	Qayerga, qayerdan	Alohi-da bel-gisi	Pochta jo'natmalarining keluvchi tartib raqami
1	<i>Q.e.q. band.</i>	<i>VA165125313UZ</i>	<i>5000</i>		<i>Toshkent 97</i>		
2	- -	<i>VA165125323UZ</i>	<i>7500</i>		<i>Qiziltepa 2</i>		
3	- -	<i>VA165125333UZ</i>	<i>15000</i>	<i>14950</i>	<i>Taxiatosh 3</i>		
4	- -	<i>VA165125423UZ</i>	<i>11500</i>	<i>14950</i>	<i>Qarshi 6</i>	<i>b/bild</i>	
5	<i>Q.e.q. xat</i>	<i>VA165125473UZ</i>	<i>7000</i>		<i>Olmazor</i>		
6	- -	<i>VA165125383UZ</i>	<i>10000</i>		<i>Nukus 13</i>	<i>b/bild</i>	
		<i>Oltita</i>					
					<i>ABB Rahimov</i>		
					<i>Opr Aliyeva</i>		

жойи ва умумий миқдори сўзлар билан кўрсатилади. Эълон қилинган қиймати энг кам иш ҳақининг бир баробаридан ортиқ бўлган хатлар 16-шаклдаги юкхатда 1-шаклдаги daftar ёки штрихкод бўйича рақамлари, эълон қилинган қиймат суммасини кўрсатган ҳолда ёзилади. Устама тўлови қиймати эълон қилинган хатлар ва қиймати эълон қилинган бандероллар 16-шаклдаги юкхатга рақами, эълон қилинган қиймати ва устама тўлов суммасини кўрсатган ҳолда ёзилади.

16-шаклдаги юкхатнинг нусхасига имзо қўйилганда қабул қилинган қиймати эълон қилинган хатлар ва қиймати эълон қилинган бандеролларнинг умумий сони сўз билан ва қабул қилиш вақти ёзилади. Пochта жўнатмаларини қабул қилган алоқа ходимининг имзоси қўйилган 16-шаклдаги юкхатнинг бир нусхаси қабул қилиш кассасида қолади.

Қиймати эълон қилинган хатлар ва қиймати эълон қилинган бандеролларни қабул қилувчи алоқа ходими имзо қўйишдан аввал, ўровлар, муҳрлар, пломбалар, боғичлар, тасмаларнинг бутлигига аҳамият берган ҳолда, уларнинг ташқи ҳолатини кўздан кечириши керак.

Қиймати эълон қилинган хатлар ва қиймати эълон қилинган бандероллар сараланади ва бутун ўтиш йўлида суғурта қоқларда жўнатилади.

Автоматлаштирилмаган алоқа бўлимларида қиймати эълон қилинган хатлар ва қиймати эълон қилинган бандеролларни суғурта қоқларга жойлашдан аввал нусха кўчирувчи қоғоз орқали икки нусхада тузиладиган 16-шаклдаги (37-расм) алоҳида юкхатларда ёзилади.

Автоматлаштирилган алоқа бўлимларида қиймати эълон қилинган хатлар ёки қиймати эълон қилинган бандеролларга ёпиштирилган

штрихкодларни сканерлаш жараёнида 16-шаклдаги юкхатлар автоматик равишда тузилади. Сканер бўлмаганда қиймати эълон қилинган хатлар ёки қиймати эълон қилинган бандеролларнинг рақамлари, шунингдек, барча зарур маълумотлар ШКга киритилади, 16-шаклдаги юкхатга алоқа ходими томонидан қўлда ёзилади.

Қиймати эълон қилинган хатлар ва қиймати эълон қилинган бандеролларни 16-шаклдаги юкхатга ёзишда уларнинг рақамлари

шаклдаги дафтар (ШК) бўйича ёки штрихкод бўйича, эълон қилинган қиймат суммаси ва белгиланган жойи ёзиб қўйилади. Агар қиймати эълон қилинган хат ёки қиймати эълон қилинган бандерол устама тўлов билан қабул қилинган бўлса, унда 16-шаклдаги юкхатга устама тўлов суммаси ҳам ёзиб қўйилади. Транзит қиймати эълон қилинган хатлар ва қиймати эълон қилинган бандеролларга, бундан ташқари, қабул қилиш жойи ҳам қўшиб ёзилади.

16-шаклдаги юкхатларда қиймати эълон қилинган хатлар ва қиймати эълон қилинган бандероллар сонининг якуни сўзлар билан ёзилади, улар ишлов беришда иштирок этган иккита алоқа ходими томонидан имзоланади. Штатида битта ходими бўлган (етказиб беришни амалга оширувчи алоқа ходимларини ҳисобга олмаганда) почта алоқаси объектларида юкхат фақат ўша ходим томонидан имзоланади. Бундан ташқари, қиймати эълон қилинган хатлар ва қиймати эълон қилинган бандеролларнинг якуни «Почта жўнатмалари ва буюмларининг номи» устунидаги тегишли қаторга рақамлар билан ёзиб қўйилади.

16-шаклдаги ҳар бир юкхат ва унинг нусхаларига, юкхат тузилган санаси бўлган таквим штемпели изи туширилади. Автоматлаштирилган ишлов беришда юкхатни тузишдаги санаси ШКда босиб чиқарилади.

16-шаклдаги юкхатнинг асл нусхалари қоп ичига солинади, нусхалари эса, почта алоқаси объектида қолади.

Иш ҳажми катта бўлмаган алоқа бўлимларидан почта алоқаси объекти (почтамт, почта алоқаси боғламаси, алмашинув пункти)гача қиймати эълон қилинган хатлар ва қиймати эълон қилинган бандероллар 16-шаклдаги юкхатга ёзилган ҳолда кичик посилкалар билан бирга жўнатилиши мумкин.

Агар қопда икки ва ундан ортиқ қиймати эълон қилинган хат жўнатилаётган бўлса, у ҳолда улар каноп ип билан хочсимон қилиб боғланади.

«СугУртали» — «Страховой» ёзуви қайд қилинган 17-шаклдаги манзил ёрлиқ (38-расм) қопнинг оғзига қўйилади. 17-шаклдаги манзил ёрлиқда суғурта қопини жўнатадиган почта алоқаси объектининг номи, белгиланган жой почта алоқаси объектининг номи, суғурта қопи оғирлиги ва унга бириктирилган рақам кўрсатилади. 17-шаклдаги манзил ёрлиқда суғурта қопини жўнатиш санаси бўлган таквим штемпели изи туширилади.

4. Келувчи қиймати эълон қилинган хатлар ва қиймати эълон қилинган бандеролларга ишлов бериш

Келувчи қиймати эълон қилинган хатлар ва қиймати эълон қилинган бандероллар келган жойларида тузилган 16-шаклдаги юкхатга имзо қўйилиб, иш жойлари (омборхона)га ўтказилади. Агар суғурта қопларни очиш ва қиймати эълон қилинган хатлар ҳамда қиймати эълон қилинган бандеролларни бериш иш жойлари бир хонада бўлмаса ҳамда бу ишлар турли алоқа ходимлари томонидан бажарилса, қиймати эълон қилинган почта жўнатмаларини узатиш учун 16-шаклдаги юкхат тўлиқ маълумотлар ва қўшимча белгиларни кўрсатган ҳолда икки нусхада тузилади.

Қиймати эълон қилинган хатлар ва қиймати эълон қилинган бандеролларни қабул қилувчи алоқа ходими уларни 16-шаклдаги юкхатдаги ёзувлар билан номма-ном солиштиради, ўровларнинг, муҳрлар, пломбалар, боғламлар, тасмалар бутунлигини, шаффоф полиетилен ўровни термопайвандлаш машинаси ёрдамида пайвандлашда қабул қилиш жойининг почта алоқаси объекти номи туширилган изларнинг мавжудлигини текширади.

Қиймати эълон қилинган хатлар ва қиймати эълон қилинган бандероллар қабул қилингандан кейин алоқа ходими почта хавфсизлиги юзасидан уларнинг назоратини Почта, курерлик жўнатмалари почта хавфсизлиги юзасидан назоратни амалга ошириш тартиби тўғрисидаги йўриқномага мувофиқ амалга оширади.

Қайтарилган почта жўнатмаси келганда 16-шаклдаги юкхатга (қиймати эълон қилинган хат ва қиймати эълон қилинган бандерол ёзиб қўйилган сатрга) «К» ҳарфи ёзиб қўйилади ва остига чизилади ҳамда қабул қилиш жойи ва почта жўнатмаси қаердан қайтарилганлиги кўрсатилади.

16-шаклдаги юкхатнинг олд томонида ҳар бир қиймати эълон қилинган хат ва қиймати эълон қилинган бандеролнинг ёзуви қаршисидаги тегишли қаторда келувчи тартиб рақамлари ёзиб қўйилади. Ушбу рақамлар 16-шаклдаги юкхатнинг орқа томонига махсус ажратилган жойда рақамдан рақамгача ёзиб кўрсатилади. Қиймати эълон қилинган хатлар ва қиймати эълон қилинган бандеролларни тартиб билан рақамлаш бир ой давомида юритилади.

(sug'urta muhri izi)

Toshkent 57 dan

(taqvim shtempeli izi)

Qayerga «Toshkent pochтамti PSAU»

Og'irlik 3 kg 500 g
1202 - son

Berkitishdi ABB Aliveva
(lavozim, imzo)
Opr Xo'javeva
(lavozim, imzo)

SUG'URTALI

Қиймати эълон қилинган хатнинг орқа томонига келиб тушган санаси бўлган таквим штемпели изи туширилади, қиймати эълон қилинган бандеролда эса, келган санаси қўлда ёзиб кўрсатилади. Ўша ернинг ўзида, 16-шаклдаги юкхат бўйича келувчи тартиб рақамлари ёзиб қўйилади.

Текширув вақтида аниқланган қиймати эълон қилинган хатлар ва қиймати эълон қилинган бандеролларни ўраб жойлаш ва расмийлаштиришда йўл қўйилган нуқсонлар 30-шаклдаги хабарнома ёки 51-шаклдаги далолатнома билан расмийлаштирилади.

Ҳар бир қиймати эълон қилинган хат ёки қиймати эълон қилинган бандеролга 22-шаклдаги хабарнома тузилади, унга почта жўнатмасининг келувчи тартиб рақами, адресатнинг манзили (фамилияси, исми, отасининг исми ёки юридик шахснинг тўлиқ номи), почта жўнатмасининг тури, эълон қилинган қиймат суммаси (зарур ҳолларда устама тўлов суммаси), қабул қилиш жойи ва

шаклдаги дафтар бўйича ёки штрихкод бўйича рақам ёзиб қўйилади. Агар қиймати эълон қилинган хатларда «**Ўз қўлига топширилсин. Буюртма**

билдиришнома билан» — «Вручить лично. С заказным уведомлением», «Йўлланмалар билан» — «С путёвками», «Чипталар билан» — «С билетами», «Хужжатлар билан» — «С документами», «Билдиришнома билан» — «С уведомлением» ва айнан қайсиниси билан, «Етказиб бериш билан» — «С доставкой» белгилари бўлса, у ҳолда бундай белгилар хабарнома олд томонининг юқори қисмига ҳам қўйилади, шунингдек, бериш амалга ошириладиган манзил ва почта алоқаси обектининг иш вақти ҳам кўрсатилади. Ёзилган 22-шаклдаги хабарномалар етказиб беришга, «Йўқлаб олинадиган» картотекага, абонемент почта жавонлари қутичаларига қўйиш учун берилади.

5. Қиймати эълон қилинган хатлар ва қиймати эълон қилинган бандеролларни етказиб бериш (топшириш)

Етказиб бериш тўлови тўланган қиймати эълон қилинган хатлар ва қиймати эълон қилинган бандероллар 22-шаклдаги хабарномалар билан бирга етказиб бериш учун алоқа ходимларига турлари ва келувчи тартиб рақамлари бўйича ёзилган 55-шаклдаги дафтарга имзо қўйдирилиб топширилади (29-расм).

Алоқа ходимларга етказиб бериш учун топшириладиган хатлар ва бандероллар эълон қилинган қийматининг умумий суммаси почта алоқаси обекти (почтамт, почта алоқаси боғламаси)нинг раҳбари томонидан белгиланади.

Қиймати эълон қилинган хатлар ва қиймати эълон қилинган бандеролларни етказиб бериш учун қабул қилишда алоқа ходими уларнинг ўрови, муҳри, пломбаси, боғлами, тасмасини диққат билан кўриб чиқади, оғирлигининг тўғрилигини текширади ва 55-шаклдаги дафтарга қабул қилинган почта жўнатмаларининг сонини кўрсатиб имзо қўяди.

«Йўлланмалар билан» — «С путёвками», «Чипталар билан» — «С билетами», «Хужжатлар билан» — «С документами» белгили қиймати эълон қилинган хатларга 22-шаклдаги бирламчи хабарномалар адресатга 8-шаклдаги дафтарга имзо қўйдирилиб, топширилади.

Адресат ёки оиланинг катта ёшдаги аъзолари бўлмаганда *«Йўлланмалар билан» — «С путёвками», «Чипталар билан» — «С билетами», «Хужжатлар билан» — «С документами» белгили қиймати эълон қилинган хатлар учун 22-шаклдаги бирламчи хабарномалар ва барча 22-шаклдаги иккиламчи хабарномалар адресатнинг ёзма равишдаги розилиги билан қўшниларига топширилади ёки абонент почта жавони қутичасига, ёки бўлмаса абонент почта қутисига туширилади.*

Қиймати эълон қилинган хатлар ва қиймати эълон қилинган бандероллар адресатларга 22-шаклдаги хабарноманинг орқа томонига тақдим этилган хужжатларнинг маълумотлари кўрсатилиши билан, имзо қўйдирилиб, берилади. 22-шаклдаги хабарномага имзо қўйишдан ташқари,

адресат фамилиясини бош ҳарфларда ёзиши ёки имзо қўйган шахсни хатосиз аниқлаб олиш имконини берадиган ҳар қандай аниқ ва тушунарли ёзувни қўшимча тарзда ёзиб қўйиши керак.

Қиймати эълон қилинган хатлар ва қиймати эълон қилинган бандеролларни топширишдан аввал, алоқа ходими, 22-шакл хабарно- масида кўрсатилган маълумотларни, тақдим этилган ҳужжат билан солиштириши керак. Қиймати эълон қилинган хатлар ва қиймати эълон қилинган бандеролларнинг топширилганлигини алоқа ходими ўз имзоси билан тасдиқлайди.

Жойланмаларнинг рўйхати билан қабул қилинган қиймати эълон қилинган хатлар ва қиймати эълон қилинган бандеролларни адресатларга уйларида топширилганда, улар очилади. Жўнатма ўрови шундай кесиладики, бунда унинг муҳри ва ичидаги жойланма шикастланмаслиги керак.

Агар қиймати эълон қилинган хатлар ёки қиймати эълон қилинган бандеролларни очишда ичидаги жойланманинг камомади аниқланса, бунда 107-шаклдаги рўйхатга айнан нима йўқлиги ҳақида ёзиб қўйилади, 107-шаклдаги рўйхат мавжуд бўлмаганда эса, жойланманинг мавжудлиги 22-шаклдаги хабарноманинг орқа томонида кўрсатилади ва бу ёзув адресат ҳамда алоқа ходими томонидан имзоланади. Бундай қиймати эълон қилинган хат ёки қиймати эълон қилинган бандерол почта алоқасининг етказиб бериш объектига 51-шаклдаги далолатнома тузиш учун қайтарилади ва жойланма почта алоқасининг етказиб бериш объектида тузилган далолатноманинг нусхаси билан бирга адресатга топширилади.

Қиймати эълон қилинган хат ёки қиймати эълон қилинган бандерол топшириш вақтида олувчининг хоҳишига кўра, очилмаслиги мумкин, лекин бу ҳақда 22-шаклдаги хабарномага олувчининг имзоси билан сана кўрсатилган ҳолда, тасдиқланган **«Очишдан бош тортаман. Даъвойим ё ьқ»** деб ёзиб қўйилиши керак. Ушбу ёзув жойланманинг етишмаслиги ёки бузилиши (шикастланиши) тўғриси- даги даъвони қаноатлантиришни рад этиш учун асос бўлиб ҳисоб- ланади, бу ҳақда алоқа ходими томонидан олувчига зарур тушунтиришлар берилади.

Етказиб беришдан қайтиб келган алоқа ходими эгаларига топширилмаган почта жўнатмаларига 20-шаклдаги маълумот- номаларни тузади ва уларга бириктириб қўяди, топширилган қиймати эълон қилинган хатлар, қиймати эълон қилинган бандероллар ва топ- ширилмаган почта жўнатмалари учун 20-шаклдаги хабарномаларни топширади.

Ҳисоботни қабул қилувчи алоқа ходими топширилмаган почта жўнатмаларининг ўрови, муҳрлари, пломбалари, боғламлари, тасмалари бутунлигини, зарур бўлганда эса, оғирлигини ҳам текширади. 55-шаклдаги дафтарда топширилмаган қиймати эълон қилинган хатлар ва қиймати эълон қилинган бандеролларнинг рақамларини кўрсатади ва ҳисоботни қабул қилиб олганлиги ҳақида имзо қўяди.

Почта алоқаси объектларида қиймати эълон қилинган хатлар ва қиймати эълон қилинган бандероллар худди уйга етказиб берилган тартибда, лекин почта жўнатмаларининг ўровида кўрсатилган ҳақиқий оғирлигига мувофиқ келишини текшириб топширилади. Зарур ҳолатларда уларни сақлаганлик учун тўлов ундирилади.

Юридик шахсларга қиймати эълон қилинган хатлар ва қиймати эълон қилинган бандеролларни битта 22-шаклдаги хабарнома бўйича топширишда кўрсатилган ҳужжат тўғрисидаги маълумотлар, олинган почта жўнатмаларининг сони (сўзлар билан) 22-шаклдаги хабарноманинг орқа томонида юридик шахсларнинг ваколатланган вакиллари томонидан кўрсатилади ва имзоланади. Қиймати эълон қилинган хатлар ва қиймати эълон қилинган бандероллар юридик шахснинг ваколат-ланган вакилига берилишини алоқа ходими ўз имзоси билан тасдиқлайди.

Автоматлаштирилмаган алоқа бўлимлари бошлиқлари келувчи 16-шаклдаги юкхатлар бўйича қиймати эълон қилинган хатлар ва қиймати эълон қилинган бандероллар етказиб берилган (топширилган) санасини ҳар куни белгилайдилар ва ушбу маълумотларни АТга киритиш учун ахборотни почта алоқаси объекти (почтамт, почта алоқаси боғламаси)га берадилар.

Автоматлаштирилган алоқа бўлимлари бошлиқлари (ўринбосарлари) қиймати эълон қилинган хатлар ва қиймати эълон қилинган бандероллар етказиб берилганлиги (топширилганлиги) тўғрисидаги ахборотни ҳар куни АТга белгиланган тартибда киритадилар.

4-МАВЗУ: ОЛИНГАНЛИГИ ТЎҒРИСИДАГИ БИЛДИРИШНОМАЛИ ИЧКИ ПОЧТА ЖЎНАТМАЛАР

Режа:

- 1. Олинганлиги тўғрисидаги билдиришномали расмийлаштириш.*
- 2. Олинганлиги тўғрисидаги билдиришнома бўлган ички почта жўнатмаларини қабул қилиш*
- 3. Олинганлиги тўғрисидаги билдиришномали почта жўнатмаларини топшириш. Почта жўнатмаларини берган почта алоқаси объектларида 119-шаклдаги билдиришномаларни расмийлаштириш*
- 4. Олинганлиги тўғрисидаги билдиришномаларга ишлов бериш ва топшириш*

Рўйхатга олинадиган халқаро почта жўнатмалари ер усти ёки ҳаво транспорти билан жўнатишганда, олинганлиги тўғрисидаги СН 07 оддий билдиришномалари билан қабул қилинади.

Почта алоқаси ҳудудий ташкилоти ёки почта алоқаси объектига рўйхатга олинадиган олинганлиги тўғрисидаги билдиришномали халқаро почта жўнатмасини топширишда жўнатувчи СН 07 олинганлиги тўғрисидаги билдиришнома бланкасини тўлдирди. Билдиришнома бланкасида жўнатувчининг манзили ўзбек ёки рус тилларида, латин ҳарфлари ва араб рақамларида кўрсатилади. Почта жўнатмасида (посилкаларни қабул қилишда ва бланкада) алоқа ходими «АР» тамғаси изини туширади ва билдиришномани почта жўнатмасига (ёки бланкага) мустаҳкам қилиб бириктирилади. Буюртмали почта жўнатмасининг оғирлиги СН 07 олинганлиги тўғрисидаги билдиришнома бланкаси билан бирга аниқланади.

119-шаклдаги олинганлиги тўғрисидаги билдиришнома бланкаларини СН 07 бланкалари ўрнида фойдаланишга руҳсат этилмайди. ташкилотлари ёки почта алоқаси объектларидан жўнатилаётган халқаро оддий хат-хабарлар билан бирга жўнатилади.

Агар СН 07 бланкаси халқаро почта жўнатмаси билан бирга олинмаган бўлса, манзилланган жой почта алоқаси ҳудудий ташкилоти ёки почта алоқаси объекти хизматга оид тартибда янги СН 07 олинганлиги тўғрисидаги билдиришномани тузади.

Халқаро почта жўнатмалари «Эхпресс» - «Шахсан кўлига топширилсин» белгиси билан, буюртмали почта жўнатмалари ва қиймати эълон қилинган хатлар эса, бундан ташқари, «А реметре эн маин пропре» - «Шахсан топширилсин» белгиси билан қабул қилиниши мумкин. «А реметре эн маин пропре» - «Шахсан топширилсин» белгилари почта жўнатмалари мамлакатлар

Рўйхатига мувофиқ фақат олинганлиги тўғрисидаги билдиришнома билан қабул қилинади.

«Эхпресс» - «Шахсан қўлига топширилсин» ва «А реметре эн маин пропре» - «Шахсан топширилсин» почта жўнатмаларининг ўлчами, оғирлиги ва ўровига умумий белгиланган талаблар қўйилади. «Эхпресс» - «Шахсан қўлига топширилсин» белгиси бўлган хатлар, бандероллар ва майда пакетларни, «А реметре эн маин пропре» - «Шахсан топширилсин» белгиси бўлган буюртмали почта жўнатмалари ва қиймати эълон қилинган хатларни қабул қилишдан олдин алоқа ходими ушбу мамлакат билан бундай почта жўнатмалари алмашуви ўрнатилган ёки ўрнатилмаганини Мамлакатлар рўйхати бўйича, «Эхпресс» - «Шахсан қўлига топширилсин» белгиси қўйилган посилкаларни эса - Қўлланма бўйича текшириши керак.

«Эхпресс» - «Шахсан қўлига топширилсин» ва «А реметре эн маин пропре» - «Шахсан топширилсин» белгилари бўлган буюртмали хатлар ва буюртмали бандеролларни юбориш учун ҳақ ундирилади, бу суммага қўшимча почта маркалари ёпиштирилади. Посилка, қиймати эълон қилинган хатлар ва майда пакетларни қабул қилишда жўнатиш учун тўловнинг умумий суммасига қўшимча тўлов қўшиб ҳисобланади.

«Эхпресс» - «Шахсан қўлига топширилсин» белгиси бўлган почта жўнатмаларига «Эхпресс» - «Шахсан қўлига топширилсин» ёзуви бўлган кизил рангдаги ёрлиқ ёпиштирилади. «А реметре эн маин пропре»

«Шахсан топширилсин» белгисини жўнатувчи буюртмали почта жўнатмаси, қиймати эълон қилинган хатнинг манзил томони юқори қисмига ёзади. «Эхпресс» - «Шахсан қўлига топширилсин» ва «А реметре эн маин пропре» - «Шахсан топширилсин» белгиси бўлган почта жўнатмаларини қабул қилишда 1,3-шакллардаги дафтарлар квитанцияларининг «Алоҳида белгилари» сатрига тегишли ёзув ёзилади.

Авиажўнатмаларга уларнинг ўлчами, оғирлиги ва ўровига умумий белгиланган талаблар қўйилади. Авиажўнатмаларни қабул қилишда 1,3-шакллардаги квитанцияларга қўшимча равишда «Авиа» деб ёзилади. Ҳар бир жўнатилаётган авиажўнатмага мовий рангдаги ёрлиқ ёпиштирилади ёки «Пар авион» - «Авиа» ёзувли тамға изи туширилади.

Халқаро почта алмашуви жойидан хорижга йўлланадиган почта солинган қопларнинг оғирлиги 30 кг дан ошмаслиги керак.

2. Олинганлиги тўғрисидаги билдиришнома бўлган ички почта жўнатмаларини қабул қилиш

Жўнатувчи адресатга жўнатган почта жўнатмаси топширилганлиги тўғрисидаги билдиришнома олишни хоҳлаганда, жўнатувчи 119-шаклдаги билдиришнома бланкини (47-расм) тўлдиради. 119-шаклдаги билдиришнома бланкининг олд томонида жўнатувчи қуйидагиларни кўрсатади:

билдиришноманинг тоифаси (оддий, буюртма);

олинганлиги тўғрисидаги билдиришнома юборилган шахснинг фамилияси, исми, отасининг исми (юримдик шахс учун — тўлик номи);

билдиришнома юборилиши керак бўлган манзил. Билдиришнома бланкининг орқа томонида жўнатувчи қуйидаги-ларни кўрсатади:

Bu tomonga o'z manzilingizni yozing	119-sh.
	Pochta jo'natmasi, pul o'tkazmasi olinganligi to'g'risidagi oddiy, buyurtma bildirishnoma (keraklisi chizilsin)
	Kimga <i>Izzatilla Mo'minovich Abrorovga</i>
	Qayerga <i>Mustaqillik ko'chasi, 3-uy, 26-xonadon</i> <i>Andijon, 170118</i>
	<div style="border: 1px solid black; width: 100px; height: 100px; margin: 0 auto;"></div> <p>(bildirishnoma kelib tushgan sanasi bo'lgan taqvim shtempeli izi)</p>

юборилаётган почта жўнатмасининг тури;

жўнатиш санаси;

почта жўнатмаси юборилаётган манзил ҳамда олувчининг номи.

Зарур бўлган ҳолатларда эълон қилинган қиймат ва устама тўлов суммаси кўрсатилади.

Олинганлиги тўғрисидаги билдиришномали почта жўнатмаларини қабул қилишда алоқа ходими қуйидагиларни бажариши керак:

почта жўнатмасининг (116-шаклдаги илова қилинадиган манзил бланкида) манзил томонида **«Билдиришнома билан»** — **«С уведомлением»** ёзувининг ва айнан қайси турининг мавжудлигини текшириши (49-расм). Ёзув бўлмаган ҳолатда тегишли штамп изини тушириши;

119-шаклдаги билдиришнома бланklarининг олд ва орқа томонидаги ёзувлар жўнатувчи томонидан тўғри ёзилганлигини текшириши;

маҳаллий почта жўнатмасини қабул қилишда билдиришно- манинг орқа томонига почта жўнатмасининг рақамини 1, 3-шаклдаги дафтарлар бўйича қўйиши, шаҳардан ташқарига юбориладиган почта жўнатмаларини қабул қилишда — рақам штрихкод бўйича қўйиши;

тўловнинг тўғрилигини текшириши ва 119-шаклдаги билдириш- номадаги маркаларни тақвим штемпели изи билан ҳисобдан чиқариши;

(119-shaklning orqa tomoni)

<p>Andijon dan q.e.q.band. (jo'natma turi)</p>	<p>_____ - son (pochta jo'natmasi, pul o'tkazmasi raqami)</p>
<p>e'lon qilingan qiymati 100000 so'm, ustama to'lovi __ so'm __ tiyin, 2016-yil 6-may da (yil, sana, oy)</p>	
<p style="text-align: center;">Asqarov Alisher Po'latovichga nomiga</p>	
<p style="text-align: center;">G'afur G'ulom ko'chasi, 2-uy, 152-xonadon</p>	
<p style="text-align: center;">Toshkent sh., 100109 manzili bo'yicha jo'natilgan</p>	



Topshirildi _____ 20__ y. shaxsan _____
ishonchnoma bo'yicha (kimga)

	<p>Pochta aloqasi obyekti (sex, uchastka) rahbarining imzosi</p> <p>_____</p> <p>(imzo)</p>	
<p>(pochta jo'natmasi, pul o'tkazmasi kelib tushgan sanasi bo'lgan taqvim shtempeli izi)</p>	<p>Qora yo'g'on chiziq bilan ajratilgan joyni jo'natuvchi to'ldiradi</p>	<p>(bildirishnoma jo'natilgan sanasi bo'lgan taqvim shtempeli izi)</p>

48-rasm. Jo'natuvchi tomonidan 119-shakldagi olinganligi to'g'risidagi bildirishnomaning orqa tomonini to'ldirish namunasi.

119-shakldagi bildirishnoma blanki pochta j'natmasi (116- shakldagi ilova qilinaidigan manzil blanki)ning manzil e'zilmaidigan tomoniga shunday biriktilishi kerakki, pochta j'natmalariga ishlov

 *RB105823057UZ*	
V	Toshkent 23 № 318
<i>Buyurtmali</i> <i>Buyurtma bildirishnoma bilan</i>	
Aloqa korxonasi indeksi	va jo'natuvchi manzili
<i>Prokuratura</i>	
<i>Yakkasaroy tumani</i>	
<i>Usmon Nosir ko'ch., 142a-uy</i>	
<i>Toshkent sh. 100100</i>	
<i>Islomova Ra'no G'aniyevna</i>	
<i>Oybek ko'ch., 33-uy, 16-xonadon</i>	
<i>Toshkent sh.</i>	
<i>100023</i>	

бериш босқичларида 119-шаклдаги билдиришнома бланки йўқолиш эҳтимолига имкон бермаслиги керак. Агар олинганлиги тўғрисидаги билдиришномали бандерол ёки секограмма шаффоф полиетилен ўровда қабул қилинса, 119-шаклдаги билдиришнома бланки ўровининг ичига жойланади;

119-шаклдаги билдиришноманинг бириктирилган бланки билан почта жўнатмаси (хат, бандерол, секограмма, майда пакет)ни тарозида тортиб кўриши;

почта жўнатмасини жўнатиш учун тўлов суммасини белги-лаши;

1, 3-шакллардаги дафтарлардан қвитанцияни ёзиши ёки уни ШКда расмийлаштириши. «Оддий билдиришнома билан» — «С простым уведомлением», «Буюртма билдиришнома билан» — «С заказным уведомлением», «Ўз кўлига топширилсин. Буюртма билдиришнома билан» — «Вручить лично. С заказным уведомлением» **белгили почта жўнатмаларини ёки « Чақирув қоғози. Буюртма билдиришнома билан» — «Повестка. С заказным уведомлением» белгили буюртма хатларни қабул қилишда 1, 3-шаклдаги дафтарлардан қвитанциянинг «Алоҳида белгиси»**

қаторида алоқа ходими «о/билд», «б/билд», «ўз қ/топ.» ёки «Чак/қ» ёзувларни мос равишда қўрсатиши керак;

ж) жўнатувчидан тўловни ундириши ва унга 1, 3-шаклдаги дафтарлардан квитанцияни бериши.

Агар почта жўнатмалари 103-шаклдаги рўйхат бўйича қабул қилинса, рўйхат сарлавҳасига **«Билдиришнома билан» — «С уведомлением»** сўзлари ва айнан қайси бин билан қўшиб ёзилади. Олинганлиги тўғрисидаги билдиришнома учун тўловнинг умумий суммаси 103- шаклдаги рўйхатда алоҳида қаторда акс эттирилади.

Иш жойларида қабул қилинган олинганлиги тўғрисидаги билдиришномали почта жўнатмалари автоматлаштирилмаган алоқа бўлимларида икки нусхада тузиладиган 16-шаклдаги юкхат, 11-шаклдаги реестрларга номмано ёзиб қўйилади ва кейинги ишлов беришга узатилади. Почта жўнатмаларини 16-шаклдаги юкхатлар, 11-шаклдаги реестрларга ёзишда **«о/билд», «б/билд», «о ўз қ/топ.»** ёки **«Чак/қ»** тегишли ёзувлар ёзилади.

Автоматлаштирилган алоқа бўлимларида 16-шаклдаги юкхатлар, шаклдаги реестрлар почта жўнатмаларига ёпиштирилган штрихкодларни сканерлашда автоматик равишда тузилади. Сканер 92 бўлмаганда почта жўнатмаларининг штрихкод бўйича рақамлари, шунингдек, барча зарурий маълумотлар ва тегишли белгилар алоқа ходими томонидан ШКга 16-шаклдаги юкхат, 11-шаклдаги реестрга қўлда киритилади.

3. Олинганлиги тўғрисидаги билдиришномали почта жўнатмаларини топшириш. Почта жўнатмаларини берган почта алоқаси объектларида 119-шаклдаги билдиришномаларни расмийлаштириш

Белгиланган жойдаги почта алоқаси объектларида олинганлиги тўғрисидаги билдиришномали келиб тушган буюртма почта жўнатмаларини 8-шаклдаги дафтарга ёзишда **«о/билд», «б/билд», «о ўз қ/ топ.»** ёки **«Чак/қ»** тегишли ёзувлар ёзилади. 119-шаклдаги билдиришнома бланкининг орқа томонидаги пастки чап бурчагида почта жўнатмаси келиб тушган санаси бўлган тақвим штемпели изи туширилади.

«Ўз қўлига топширилсин. Буюртма билдиришнома билан» — «Вручить лично. С заказным уведомлением» белгилари ҳар бир қиймати эълон қилинган хатга 22-шаклдаги хабарнома ёзилади, унинг олд томонидаги юқори қисмига худди шундай ёзув ёзилади.

Ўровида (116-шаклдаги илова қилинадиган манзил бланки) **«Билдиришнома билан» — «С уведомлением»** белгиси бўлган ва айнан қайси бири билан, лекин 119-шаклдаги билдиришнома бланкисиз, шунингдек, етишмаётган маълумотлар бўлган почта жўнатмаларини қабул қилиш жойидаги почта алоқаси объекти томонидан расмийлаштирилган 119-шаклдаги билдиришнома бланки билан почта жўнатмаси келиб тушганда

келувчи почта жўнатмаларига ишлов берувчи алоқа ходими почта жўнатмасида мавжуд бўлган маълумотлар бўйича «*Хизматга оид*» — «*Служебное*» белгили 119- шаклдаги билдиришномага дубликат (асли билан тенг ҳуқуқли нусха) тузилади ёки почта жўнатмаларида кўрсатилган маълумотларга асосан 119-шаклдаги билдиришнома бланкига етишмаётган маълумотлар киритилади. Бунда йўл қўйилган бузилишлар кўрсатиладиган 30-шаклдаги хабарнома (2 нусхада) ёзилади. 30-шаклдаги хабарноманинг биринчи нусхаси бузилишлар йўл қўйилган почта алоқаси объектининг манзилига юборилади, иккинчи нусхаси келиб тушган почта жўнатмаларининг 11-шаклдаги реестрига ёки 16-шаклдаги юкхатига тикиб қўйилади.

119-шаклдаги билдиришноманинг бланклари етказиб бериш учун топширилмайди. Шаффоф полиетилен ўровларидаги бандероллар ва секограммаларга жойланган 119-шаклдаги билдиришномалар ҳамда буюртма хатлар, почта варақчалари, бандероллар, майда пакетлар ва «*Ўз қо ʻлига топширилсин. Буюртма билдиришнома билан*» — «*Вручить лично. С заказным уведомлением*» белгили қиймати эълон қилинган хатлар, «*Чақирув қозози. Буюртма билдиришнома билан*» — «*Повестка. С заказным уведомлением*» белгили буюртма хатлар олинганлиги тўғрисидаги билдиришномалар бундан мустасно.

«*Ўз қўлига топширилсин. Буюртмали билдиришнома билан*» — «*Вручить лично. С заказным уведомлением*» белгили почта жўнатмалари «*Чақирув қозози. Буюртмали билдиришнома билан*» — «*Повестка. С заказным уведомлением*» белгили буюртма хатлар олинганлиги тўғрисидаги буюртма билдиришномага адресатга шахсан имзо қўйдирилиб берилади. Агар адресат уйда бўлмаган ҳолатда, абонент почта жавонининг қутчаси, абонент почта қутисида почта алоқасининг етказиб бериш объектида почта жўнатмасини олиш учун адресат таклиф этилганлиги тўғрисидаги билдиришнома қолдирилади.

Адресат бўлмаганда «*Чақирув қозози. Буюртма билдиришнома билан*» — «*Повестка. С заказным уведомлением*» белгили буюртма хатлар оиланинг вояга етган бирга истиқомат қилувчи аъзосидан бирига, улар бўлмаганда фуқароларнинг ўз-ўзини бошқариш органига ёки иш берувчига (ўқув муассаса маъму- риятига) топширилади. Бунда билдиришномада тегишли ёзувлар билан буюртма хат топширилган шахс кўрсатилади.

«*Ўз қўлига топширилсин. Буюртма билдиришнома билан*» — «*Вручить лично. С заказным уведомлением*» белгили почта жўнат- малари ва «*Чақирув қозози. Буюртма билдиришнома билан*» — «*Повестка. С заказным уведомлением*» белгили буюртма хатларни олишда адресат 8-шаклдаги дафтарга ва алоқа ходими почта алоқасининг етказиб бериш объектига қайтариб берадиган 119-шаклдаги билдиришнома бланкига имзо қўяди. 119-шаклдаги билдиришнома бланкида имзога қўшимча тарзда

адресат фамилиясини кўрсатиши ёки имзо қўйган шахсни хатосиз аниқлаш имконини берадиган аниқ ёки тушунарли ёзувни ёзиши керак.

Шаффоф полиетилен ўровда келиб тушган бандероллар ёки секограммаларни топширишда 119-шаклдаги билдиришнома бланки адресат иштирокида улар очилгандан кейин олиб қўйилади. Бунда 119-шаклдаги билдиришнома бланки алоқа ходими томонидан расмийлаштирилади, у бланкнинг орқа томонида бандероллар ёки секограммалар берилган санани ва кимга берилганлигини кўрсатади.

Алоқа ходими етказиб беришдан қайтгандан кейин 119- шаклдаги билдиришнома бланklarини текшириш ва имзолаш учун алоқа бўлимнинг бошлиғи (ўринбосари) ёки почта алоқаси объекти (почтамт, почта алоқаси боғламаси)нинг назорат қилувчи шахсига топширади.

Белгиланган жойдаги почта алоқаси объектларида почта жўнатмаси топширилгандан кейин алоқа бўлими бошлиғи (ўрин- босари) ёки почта алоқаси объекти (почтамт, почта алоқаси боғламаси)нинг назорат қилувчи шахси қуйидагиларни амалга ошириши керак:

119-шаклдаги билдиришнома бланкларида адресатлар тилхат- ларининг мавжудлиги ва тўғри расмийлаштирилганлигини текшириши;

119-шаклдаги билдиришнома бланкининг орқа томонидаги махсус ажратилган жойларда почта жўнатмаси кимга ва қачон берилганини белгилаши керак. Агар почта жўнатмаси ишончнома бўйича берилган бўлса, 119-шаклдаги билдиришномада ишонч билдирилган шахснинг фамилияси, зарур ҳолларда эса, унинг лавозими кўрсатилади;

119-шаклдаги билдиришнома бланкининг орқа томонидаги ўнг пастки бурчагида ушбу билдиришномани (50-расм) жўнатиш санаси бўлган тақвим штемпели изини тушириши;

олинганлиги тўғрисида маҳаллий буюртма билдиришнома юборилган ҳолда, 119-шаклдаги билдиришнома бланки чап олд томонининг юқори қисмидаги бўш жойга почта жўнатмасини топширган почта алоқаси объектининг номи ёзилган 3-шаклдаги ёрлиқ ёпиштириши ёки унинг ўрнини босувчи штамп изи қўйиши, 30-шаклдаги дафтар бўйича рақамини кўрсатиши. Шаҳардан ташқарига юбориладиган олинганлиги тўғрисидаги буюртма хабарномани расмийлаштиришда — штрихкод ёпиштириши;

8-шаклдаги дафтарнинг охириги устунда, буюртма почта жўнатмаси ёзиладиган тегишли каторнинг тўғрисида почта жўнатмасини бериш учун 22-шаклдаги хабарноманинг орқа томонидаги бўш жойга 3-шаклдаги дафтар бўйича билдириш номанинг рақамини кўрсатиши ёки штрихкоднинг иккинчи нусхасини ёпиштириши, шунингдек, билдиришнома жўнатилганлиги тўғрисида — **«Билд. « » й. да жо ън.»** ёзувини ёзиши ва имзолаши.



Расмийлаштирилган 119-шаклдаги билдиришнома, унда кўрса- тилган манзил бўйича юборилади.

Олинганлиги тўғрисидаги буюртма билдиришномалар 11-шакл- даги реестрга буюртма почта жўнатмалари учун белгиланган тартибда номма-ном ёзилиб жўнатиш учун берилади.

(119-shaklning orqa tomoni)

<p><u>Andijon dan q.e.q.band.</u> (jo'natma turi)</p>	<p><u>VAI74567125UZ</u> - son (pochta jo'natmasi, pul o'tkazmasi raqami)</p>
<p>e'lon qilingan qiymati <u>100000</u> so'm, ustama to'lovi <u>—</u> so'm <u>—</u> tiyin, <u>2016-yil 6-may</u> da (yil, sana, oy)</p>	
<p><u>Asqarov Alisher Po'latovichga</u> nomiga</p>	
<p><u>G'afur G'ulom ko'chasi, 2-uy, 152-xonadon</u></p>	
<p><u>Toshkent sh., 100109</u> manzili bo'yicha jo'natilgan</p>	

Topshirildi 14-may 20 16-y. shaxsan Asqarovga
ishonchnoma bo'yicha

	<p>(kinga)</p> <p>Pochta aloqasi obykti (sex, uchastka) rahbarining imzosi</p> <p><u>G'oirpova</u> (imzo)</p>	
<p>(pochta jo'natmasi, pul o'tkazmasi kelib tushgan sanasi bo'lgan taqvim shtempeli izi)</p>	<p>Qora yo'g'on chiziq bilan ajratilgan joyni jo'naturvchi to'ldiradi</p>	<p>(bildirishnoma jo'natilgan sanasi bo'lgan taqvim shtempeli izi)</p>

4. Олинганлиги тўғрисидаги билдиришномаларга ишлов бериш ва топшириш

119-шаклдаги билдиришномалар (оддий, буюртма) почта алоқаси обектига келиб тушганда 119-шаклдаги билдиришнома бланки олд томонининг ўнг пастки бурчагида уларнинг келган санаси бўлган тақвим штемпели изи туширилади. Олинганлиги тўғрисидаги буюртма билдиришномалар 11-шаклдаги реестрлар бўйича ном- ма-ном текширилади.

Етказиб бериш учун беришдан аввал алоқа бўлими бошлиғи (ўринбосари) ёки почта алоқаси обекти (почтамт, почта алоқаси боғламаси)нинг назорат қилувчи шахси ёки алоқа бўлимининг бошлиғи (ўринбосари) 119-шаклдаги билдиришнома бланки тўғри расмийлаштирилганлигини синчиклаб текшириши керак. Расмийлаштирилмаган ёки нотўғри расмийлаштирилган 119-шаклдаги билдиришнома бланклари бўйича билдиришнома бланкига киритиладиган зарур маълумотларни аниқлаштириш учун сўров энг тезкор усулда зудлик билан юборилади.

Расмийлаштирилмаган ёки нотўғри расмийлаштирилган 119- шаклдаги билдиришнома бланklarини жўнатувчиларга топшириш ман этилади.

Олинганлиги тўғрисидаги оддий билдиришномалар, уларда кўрсатилган манзилларга мувофиқ абонент почта жавонларининг қутичалари, абонент почта қутичалари, абонемент жавон қутичалари, таянч пунктлар жавонларига туширилади.

Олинганлиги тўғрисидаги буюртма билдиришномалар адресатларга буюртма почта жўнатмалари учун белгиланган тартибда топширилади.

Жўнатувчи почта жўнатмасини қабул қилган почта алоқаси обектига билдиришномани олмаганлиги тўғрисидаги ариза билан мурожаат қилганда, почта алоқаси обекти почта жўнатмаси ва 119- шаклдаги билдиришнома ўтишининг назорат муддатлари тугагандан сўнг, почта жўнатмаси топширилган санани зудлик билан аниқлаши ва натижасини ариза берувчига маълум қилиш чораларини кўриши керак.

5-МАВЗУ: ХАЛҚАРО МАЙДА ПАКЕТЛАР

Режа:

1. *Халқаро майда пакетлар*
2. *Халқаро майда пакетларни қабул қилиш*
3. *Халқаро майда пакетларга ишлов бериш*
4. *Халқаро майда пакетларни топшириш*

Халқаро майда пакетлар алоқа бўлимларидан суғурта қопларда бўйсунуви бўйича почта алоқаси объектлари (почтамтлар, почта алоқаси боғламалари)га жўнатилади, у ердан улар яна суғурта қопларда алмашинув пунктларига юборилади, улар майда пакетларни саралайди ва суғурта қопларда қиймати эълон қилинган халқаро хатлар билан бирга халқаро почта алмашинувининг тегишли жойига юборади. 17-шаклдаги ёрлиққа «Халқаро» — «МеМдйҲаподмрн» белгиси қўйилади.

Автоматлаштирилмаган алоқа бўлимларида халқаро майда пакетлар қопга беркитилишидан аввал икки нусхада тузиладиган 16-шаклдаги юкхатга қўлда ёзилади. 16-шаклдаги юкхатда штрихкод бўйича рақами ва белгиланган мамлакат, транзитда эса, бундан ташқари, қабул қилинган жойи кўрсатилади. 16-шаклдаги юкхатни халқаро майда пакетларни ёзган алоқа ходими ва алоқа бўлими бошлиғи (ўринбосари) имзолайди.

Автоматлаштирилган алоқа бўлимларида 16-шаклдаги юкхатлар халқаро майда пакетларга ёпиштирилган штрихкодларни сканерлашда автоматик равишда тузилади. Сканер бўлмаганда, халқаро майда пакетларнинг штрихкод бўйича, шунингдек, барча зарур маълумотлар алоқа ходими томонидан ШКда 16-шаклдаги юкхатга қўлда киритилади.

Халқаро майда пакетларни беришда олувчидан божхона расмиятчиликлари учун белгиланган тарифлар бўйича тўлов ундирилиб, унга 47-шаклдаги дафтардан (ШК) квитанция берилади.

Автоматлаштирилмаган алоқа бўлимлари бошлиқлари (ўринбо- сарлари) кирувчи 16-шаклдаги юкхатлар бўйича халқаро майда пакетлар етказиб берилган (топширилган) санани ҳар куни белгилай- дилар ва ушбу маълумотларни АТга киритиш учун почта алоқаси объекти (почтамт, почта алоқаси боғламаси)га ахборот берадилар.

Автоматлаштирилган алоқа бўлимлари бошлиқлари (ўринбосарлари) халқаро майда пакетлар етказиб берилганлиги (топширилганлиги) тўғрисидаги маълумотни ҳар куни АТга белгиланган тартибда киритадилар.

2. Халқаро майда пакетларни қабул қилиш

Халқаро майда пакетларнинг ўрови жойланманинг хусусиятига мос келиши ва ташишда шикастланиш эҳтимолига имкон бермаслиги керак.

Ҳар бир халқаро майда пакет СН 22 божхона декларациясига (5-расм) ёки худди шундай шаклдаги йиртиб олинмаган ёрликка эга бўлиши керак. СН 22 божхона декларацияси халқаро майда пакетнинг манзил томонининг юқори чап бурчагида, штрихкоди бўлган СН 04 ёрликдан пастроққа жойлаштирилади.

СН 22 божхона декларацияси орқа томонда келтирилган йўриқномаларга мувофиқ тўлдирилади. Халқаро майда пакет жойланмаси СН 22 божхона декларациясида тўлиқ кўрсатилган бўлиши керак. «Хужжатлар», «намуналар» деган умумий характердаги кўрсатма-ларга йўл қўйилмайди.



Божхона декларациялари ўзбек ёки рус тилларида халқаро тиллар — француз ёки инглиз тилларидан бирига сатрма-сатр таржима қилинган ҳолда тўлдирилади.

СН 22 божхона декларацияларини тузиш учун жавобгарлик фақат жўнатувчига юклатилади.

Халқаро майда пакетни қабул қилишда алоқа ходими қуйида- гиларни бажариши керак:

- a) майда пакетнинг манзили тўғри ёзилганлигини текшириши;
- b) майда пакетни тарозида тортиб кўриши ва агар унинг оғирлиги 500 г дан ортиқ бўлса, бундай майда пакетлар кўрсатилган мамлакатда қабул қилиш рухсат берилганлигини текшириши;
- d) майда пакет ичидаги жойланманинг СН 22 божхона декларациясидаги ёзувларга мувофиқлигини солиштириши;
- e) жойланмани ўраши, майда пакетнинг ўровини ёпиштириши ва уни муҳрлаши, уни каноп ип билан боғлаши ёки қоғозли, ёки қабул қилган почта алоқаси обектининг номи ёинки жўна- тувчининг номи ва индекси туширилган синтетик елимли тасмани ёпиштириши, жўнатувчи томонидан тузилган манзил ёрликни тасманинг бирлашган жойига ёпиштириши;
- f) агар жўнатувчи ёзмаган бўлса, манзил юқорисига «*Petit paquet*» (Майда пакет), «*Ресомманде*» (Буюртмали) ёзувларини кўрсатиши;
- g) штрихкод бўлган СН 04 ёрликни пакетнинг манзил томони- даги юқори чап бурчагига ёпиштириб, ушбу ёрликдан паст- роққа СН 22 божхона декларациясини ёпиштиради. Манзил томонининг юқори ўнг қисмида, жўнатиш учун тўлов суммаси рақамлар билан кўрсатилган «ТП» (Йиғим ундирилган) штамп изини туширади. Ушбу штамп изидан пастроқда қабул қилиш санаси бўлган тақвим штемпели изи туширилади (6-расм);
- h) қабул қилинган майда пакетни 1-шаклдаги дафтарга ёзиши ёки ШҚда белгиланган мамлакатни қўшимча равишда, божхона расмиятчилиги учун тўловни алоҳида кўрсатган ҳолда, қиймати эълон қилинган ички хатлар учун

белгиланган тартибда расмий- лаштириши;

R RP102545645UZ 	PETIT PAQUET RECOMMANDE
CN 22-shakldagi bojxona deklaratsiyasi va ushbu shaklning yirtib olinadigan yorlig'i uchun joy	<i>TP 13100 so'm 00 tiyin</i>
Aloqa korxonasi indeksi va jo'natuvchi manzili L' adresse de l'expediteur	
<i>Soliyev K.M.</i> <i>O'rikzor m-si, 65-uy, 92-xonadon</i> <i>Toshkent, O'zbekiston, 100068</i> <i>Tashkent, Ouzbekistan, 100068</i>	<i>Marco Rossi</i> <i>Piano 4</i> <i>Roma, 00144, Italy</i> <i>Rim, Italiya</i>
<u>420 g</u> (og'irligi) (Poids)	

д)жўнатувчидан тўловни олиши, 1-шаклдаги дафтардан (ШК) квитанцияни, унга штрихкодни олдиндан ёпиштирган ҳолда бериши.

Халқаро майда пакетга барча зарур маълумотлари бўлган махсус манзил ёрлиғини ёпиштиришга рухсат этилади.

3. Халқаро майда пакетларга ишлов бериш

Келувчи халқаро майда пакетлар, жойланмаси учун божхона томонидан бож солинган, божли ва божхона божларидан озод қилинган, божсиз турларига ажратилади.

Майда пакетлар белгиланган жойидаги почта алоқаси объектларига почта алоқаси объектлари (почтамтлар, почта алоқаси боғла- малари)дан 16-шаклдаги юкхатга жўнатиш мамлакатини, штрихкод бўйича рақами, тегишли ҳолларда божхона тўлов суммаси кўрсатилган ҳолда, қўшиб ёзилган суғурта қопларда келиб тушади. Почта алоқаси объектларида халқаро майда пакетлар жойланган суғурта қопларга ишлов беришнинг барча босқичларида уларнинг ҳақиқий оғирлиги 17-шаклдаги ёрлиқларда кўрсатилган оғирликка мослиги, қоплар очилганда эса, шунингдек, ҳар бир майда пакетнинг оғирлиги текширилади.

Халқаро майда пакетлар, «Экспресс» (Ўз кўли билан топши- рилсин)

белгили пакетлардан ташқари, адресатларга почта алоқаси объектлари (почтамтлар, почта алоқаси боғламалари, алоқа бўлимлари)да берилади.

Келувчи халқаро майда пакетлар 16-шаклдаги юкхат бўйича ҳисобга олинади, ички қиймати эълон қилинган бандероллар сингари ишлов берилади ва адресатга топширилади, бунда қуйидаги ўзига хос хусусиятлар ҳисобга олинади:

а) 22-шаклдаги хабарномаларда зарур бўлган ҳолатларда ҳисоблаб чиқилган ҳисобланган божхона тўлови ва божхона расмийтчиликлари учун тўловлар суммаси кўрсатилади, оғирлиги 500 г дан ортиқ бўлган халқаро майда пакетларга эса, ушбу почта жўнатмасининг оғирлиги ва уларни бериш учун белгиланган тарифларга асосан қўшимча тўлов суммаси ҳам ёзиб кўйилади;

б) агар халқаро майда пакетлар божхона кўригидан ўтган бўлса, у ҳолда уларни беришда адресатлардан халқаро майда пакет ўровида кўрсатилган божхона расмийтчилиги учун тўлов ундирилади. Божхона тўлови ҳисобланган халқаро майда пакетлар учун, шунингдек, пакет ўровида, 114-шаклдаги пул ўтказмаси бланкида ва 16-шаклдаги юкхатда кўрсатилган бож тўлови ундирилади. Оғирлиги 500 г дан ортиқ бўлган халқаро майда пакетлар учун, бундан ташқари, белгиланган тарифларга асосан уларни берганлик учун қўшимча тўлов ундирилиб олувчига 47-шаклдаги дафтардан (ШК) квитанция берилади. 22-шаклдаги хабарномада олинган тўлов тўғрисида 47-шаклдаги дафтардан квитанциянинг санаси ва рақами кўрсатилади.

Адресатдан олинган бож тўлови устама тўлов суммасини жўнатиш учун белгиланган тартибда белгиланиши бўйича дарҳол жўнатилади.

4. Халқаро майда пакетларни топшириш

Келувчи халқаро майда пакетлар, жойланмаси учун божхона томонидан бож солинган, божли ва божхона божларидан озод қилинган, божсиз турларига ажратилади.

Майда пакетлар белгиланган жойидаги почта алоқаси объектларига почта алоқаси объектлари (почтамтлар, почта алоқаси боғламалари)дан 16-шаклдаги юкхатга жўнатиш мамлакатини, штрихкод бўйича рақами, тегишли ҳолларда божхона тўлов суммаси кўрсатилган ҳолда, қўшиб ёзилган суғурта қопларда келиб тушади. Почта алоқаси объектларида халқаро майда пакетлар жойланган суғурта қопларга ишлов беришнинг барча босқичларида уларнинг ҳақиқий оғирлиги 17-шаклдаги ёрликларда кўрсатилган оғирликка мослиги, қоплар очилганда эса, шунингдек, ҳар бир майда пакетнинг оғирлиги текширилади.

Халқаро майда пакетлар, «Экспрес» (Ўз қўли билан топширилсин) белгили пакетлардан ташқари, адресатларга почта алоқаси объектлари (почтамтлар, почта алоқаси боғламалари, алоқа бўлимлари)да берилади.

Келувчи халқаро майда пакетлар 16-шаклдаги юкхат бўйича ҳисобга олинади, ички қиймати эълон қилинган бандероллар сингари ишлов берилади ва адресатга топширилади, бунда қуйидаги ўзига хос хусусиятлар ҳисобга олинади:

с) 22-шаклдаги хабарномаларда зарур бўлган ҳолатларда ҳисоблаб чиқилган ҳисобланган божхона тўлови ва божхона расмийтчиликлари учун тўловлар суммаси кўрсатилади, оғирлиги 500 г дан ортиқ бўлган халқаро майда пакетларга эса, ушбу почта жўнатмасининг оғирлиги ва уларни бериш учун белгиланган тарифларга асосан қўшимча тўлов суммаси ҳам ёзиб қўйилади;

д) агар халқаро майда пакетлар божхона кўригидан ўтган бўлса, у ҳолда уларни беришда адресатлардан халқаро майда пакет ўровида кўрсатилган божхона расмийтчилиги учун тўлов ундирилади. Божхона тўлови ҳисобланган халқаро майда пакетлар учун, шунингдек, пакет ўровида, 114-шаклдаги пул ўтказмаси бланкида ва 16-шаклдаги юкхатда кўрсатилган бож тўлови ундирилади. Оғирлиги 500 г дан ортиқ бўлган халқаро майда пакетлар учун, бундан ташқари, белгиланган тарифларга асосан уларни берганлик учун қўшимча тўлов ундирилиб олувчига 47-шаклдаги дафтардан (ШК) квитанция берилади. 22-шаклдаги хабарномада олинган тўлов тўғрисида 47-шаклдаги дафтардан квитанциянинг санаси ва рақами кўрсатилади.

Адресатдан олинган бож тўлови устама тўлов суммасини жўнатиш учун белгиланган тартибда белгиланиши бўйича дарҳол жўнатилади.

Назорат саволлари

1. Ички почта, курерлик жўнатмаларини қабул қилиш қандай амалга оширилади?
2. Қиймати эълон қилинган хатлар ва қиймати эълон қилинган бандеролларни қабул қилиш?
3. Олинганлиги тўғрисидаги билдиришнома бўлган ички почта жўнатмаларини қабул қилиш?
4. Халқаро майда пакетларни қабул қилиш?
5. Қиймати эълон қилинган хатлар ва қиймати эълон қилинган бандеролларни етказиб бериш (топшириш)?

IV. БЎЛИМ

АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ
МАТЕРИАЛЛАРИ

IV. АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАТЕРИАЛЛАРИ

1-амалий машғулот:

Миллий почта алоқаси номли буюмлари ва идиш(тара)нинг умумий характерикаси

Корхона, ташкилот, муассасаларга Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш Агентлиги (бундан кейин - Агентлик) тизимига кирувчи почта алоқаси объектлари учун белгиланган намунадаги номли буюмларни қўллаш ман этилади.

Номли буюмлар, уларга зарурат қолмаганида ва уларни алмаштириш керак бўлган ҳолларда (назорат геральдли мухрлар ва почта-касса аппаратининг мухирлари бундан мустасно) почта алоқаси ҳудудий ташкилотининг комиссияси томонидан жойларда механик яроқсизлантириш йўли орқали йўқ қилинади, бу ҳақда номли буюмлар ва уларнинг йўқ қилиниш сабаблари кўрсатилиб далолатнома тузилади. Назорат-геральдли мухрлар ва почта-касса аппаратининг мухри ПЎИНҚМ га топширилиб, у эрда далолатнома бўйича йўқ қилинади.

Таквим тамға почта маркаларини мухрлаш ва почта жўнатмалари, пул ўтказмалари бланкалари, квитанциялар ва ҳужжатларда почта жўнатмалари, пул ўтказмаларини қабул қилиш, жўнатиш, олиш Ёки элтиб бериш (топшириш) жойи ва сана изини тушириш учун мўлжалланган. Таквим тамға изини истеъмолчиларнинг илтимосига кўра турли хилдаги филателистик ва бошқа материаллар (конвертлар, очик хатлар, маркалар ва х.к.)га босиш ман этилади.

Таквим тамғалар почта алоқаси объектларига берилади ва почта алоқаси ҳудудий ташкилотлари, почта алоқа боғламалари, почта-тамт-ларда махсус дафтарларда таквим тамға излари туширилиб, ҳисобга олинади ва уларни ишга тушириш санаси кўрсатилади. Таквим тамғалар иш жойларига почта алоқаси объектининг раҳбари томонидан Ёзма равишда бириктирилади ва алоқа ходимларига тилхат билан берилади. Уларнинг кундалик ҳисоби почта алоқаси объектининг раҳбарлари томонидан юритилади.

Махсус таквим тамғаси махсус ҳисобдан чиқариш тамға бўлиб, у муҳим давлат ходисалари, тарихий ва хотира жойлари ҳамда саналар, кўргазма ва шу кабиларга бағишланган тадбирларни ўтказишда почта маркаларини ҳисобдан чиқариш (мухрлаш) учун қўлланилади.

Бу тамғалар улардан фойдаланиш муддатлари тугаши билан почта алоқаси объектлари томонидан ҳисобга олиш ва сақлаш учун «Ўзбекистон маркаси» НашриЁт марказига таъминланган тартибда жўнатилади.

Суғурта мухри қиймати эълон қилинган хатлар ва қиймати эълон қилинган бандеролларни, посилкаларни, суғуртали қоғозлар, брезент сумкалар, контейнерлар, шунингдек қийматбаҳо жўнатмалар сақланадиган омборхоналарни сурғич билан мухрлаш учун мўлжалланган.

Пломбир пуансони почта алоқаси объекти номининг изини пластмасса ёки кўрғошин пломбирларга тушириш учун мўлжалланган бўлиб, бу пломбалар билан ёпиқ почта жўнатмалари ва почта буюмлари, шунингдек қийматбаҳо жўнатмалар сақланадиган омборхоналар пломбаланади.

Из тушириш мосламаси посилкалар ва қиймати эълон қилинган бандеролларни ўраб жойлашда, шунингдек халқаро почта алмашуви жойларида келувчи майда пакетларни ўраб жойлашда ишлатиладиган қоғоз тасмаларига почта алоқаси объектининг номи ва почта индекси изини тушириш учун мўлжалланган.

Термопайвандлаш машинасининг пластинаси - почта алоқаси объектнинг номи ўйиб ёзилган металл пластина бўлиб, бандеролларни ўраб жойлашда термопайвандлаш машиналарида полиетилен плёнкаларни пайвандлаш учун, шунингдек келувчи майда пакетларни полиетилен пакетларга жойлаш билан бир вақтда уларга почта индекси изини ва почта алоқаси объектининг номини тушириш учун мўлжалланган.

Назорат-геральдли мухр - пул ўтказмалари, 5-шаклдаги дафтарлар, 10-шаклдаги реестрлар ва пул ўтказмалари бўйича хизматга оид Ёзишмалари ҳамда алоҳида Ёўрикномаларга мувофиқ бошқа хужжатларни расмийлаштириш учун мўлжалланган. Назорат геральдли мухр учта пастки тўғри бурчакда - эттита рақамдан иборат рақамли белгига эга бўлиши керак. Дастлабки учта рақам почта алоқаси худудий ташкилотига берилган шартли рақамни, кейинги иккита рақам эса почтаamt Ёки почта алоқа боғламасига берилган рақамни, охириги иккитаси алоқа бўлимининг рақамини англатади. Почта алоқаси объектига рақамли белгини ПЎИНҚМ беради.

Почта-касса аппаратининг мухри (номли модули) пул ўтказмалари бланкаларини ва посилкалар бланкаларини расмийлаштириш учун мўлжалланган.

Зарур бўлган холларда мухрида вилоят ва туман номи ифодаланади.

Почта алоқаси объектида назорат-геральдли мухр, почта-касса аппарати мухри (номли модули) алмаштирилганда Ёки муомаладан олиб ташланганда почта алоқаси объекти (алоқа бўлими)нинг бошлиғи биринчи жўнатиладиган почта билан уларни таъминланган тартибда ўз тобелиги бўйича почта алоқаси объекти (почта алоқа боғламаси, почтаamt)га, у эса таъминланган тартибда почта алоқаси худудий ташкилотига, охирида эса - ПЎИНҚМ га жўнатади.

Назорат-геральдли мухр Ёки почта-касса аппаратининг мухри (номли модули) Ёўқотилганда Ёки ўғирлатилганда почта алоқаси объекти (алоқа бўлими)нинг бошлиғи бу ҳақда дархол телеграф (телефон) Ёки ўз қўли билан почта алоқаси объекти (почтаamt, почта алоқа боғламаси)нинг раҳбарига хабар беради, у эса дархол текширув ўтказиши ва юз берган ходиса тўғрисида ўз тобелигига кўра почта алоқаси худудий ташкилотига Ёзма равишда нусхаси билан «Ўзбекистон почтаси» ДАК ва ПЎИНҚМ га юборилади.

ПЎИНҚМ ушбу почта алоқаси объектига янги рақамли белги беради, почта алоқаси худудий ташкилоти эса, унинг учун янги назорат-геральдли мухрни Ёки почта-касса аппаратининг мухри (номли модули)ни буюртма беради.

Номли буюмлар озода тутилиши ва таъминланган тартибда сақланиши керак.

Суғуртали ва назорат-геральдли мухр, почта-касса аппарати мухри (номли модули), пломбир, тасма изини тушириш мосламаси, термопайвандлаш машинасининг пластинасидан почта алоқаси объекти, почта вагонларининг бошлиқлари, уларнинг ўринбосарлари ва почта алоқаси худудий ташкилоти, почта алоқаси объекти бўйича буйруқ билан расмийлаштирилган шахслар фойдаланиш ҳуқуқига эгадирлар. Шунингдек, номли буюмларнинг бутлигига ва тўғри фойдаланишига масъул бўлган шахслар ҳам буйруқ билан тайинланадилар.

Иш куни (навбатчилик) бошланганда алоқа ходими назорат-геральдли ва суғурта мухрлари, тақвим тамғаси, тасма изини тушириш мосламаси, пломбирни қабул қилиб олиши ва иш тугаши билан пул ўтказмага ишлов бериш (суғурта почта) почта алоқа объектинингсеҳи участкаси)нинг бошлиғи (ўринбосарлари)га топшириши шарт. Қабул қилиш-топшириш махсус дафтарга қабул қилинган, топширилган сана, ой ва вақтини махсус дафтарга қайд қилган ҳолда қабул қилувчи ва топширувчи алоқа ходимининг имзоси билан амалга оширилади.

Номли буюмлар излари намуналари 1—8-расмларда келтирилган.



1-расм. Тақвим штемпеллари изларининг намуналари: *a* — шаҳар почта алоқаси объектлари учун; *b* — қишлоқ почта алоқаси объектлари учун; *d* — Қорақалпоғистон Республикаси почта алоқаси объектлари учун; *э* — Халқаро почта учун; *ф* — почта вагонлари учун.




2-расм. Махсус хотира штемпели изининг намунаси.




1

3-расм. Суғурта мухрлари изларининг намуналари: *a* — шаҳар почта алоқаси объектлари; *b* — қишлоқ почта алоқаси объектлари.



4-расм. Пломбир изининг намунаси.



5-расм. Из тушириш мосламаси изининг намунаси.

ЎЗБЕКИСТОН ТОШКЕНТ	*а*	100000	ЎЗБЕКИСТОН *а*	ТОШКЕНТ
-----------------------	-----	--------	-------------------	---------

6-расм. Термопайвандлаш машина пластинаси изининг намунаси.



7-расм. Назорат-гералдли муҳр изининг намунаси.



8-расм. Франкирлаш машинаси тамға изининг намунаси.

2-амалий машғулот:

Ички почта, курерлик жўнатмаларини қабул қилиш умумий тартиби.

Ички почта жўнатмалари ва пул маблағларининг почта ўтказмаларига қуйидаги турдаги жўнатмалар киради:

- а) хатлар (оддий, буюртма, қийммати эълон қилинган);
- б) почта варақчалари (оддий, буюртма);
- в) бандероллар (оддий, буюртма, қийммати эълон қилинган);
- г) секограммалар (оддий, буюртма);
- д) посилкалар (оддий, қийммати эълон қилинган);
- э) пул маблағларининг почта ўтказмалари (оддий, тезкор);
- ж) ички экспресс-почта жўнатмалари;
- з) электрон почта жўнатмалари.

Жисмоний шахслар томонидан жўнатиладиган ички ва халқаро посилкалар, майда пакетлар жойланмалари почта алоқаси ходими томонидан текшириб кўрилиши билан очик тарзда қабул қилинади.

Юридик шахслар томонидан жўнатилган ички ва халқаро посилкалар пломбаланган ёки жўнатувчининг мухри билан берк холда қабул қилинади.

Почта жўнатмаларида, посилкаларга илова қилинган бланкаларда, шунингдек пул маблағларининг почта ўтказмалари бланкаларида жўнатувчи ва адресатнинг манзиллари жўнатувчи томонидан ёзилади. Манзилда қисқартма номлар, манзилга тааллуқли бўлмаган белгилар бўлмаслиги керак.

Манзил реквизитлари қуйидаги тартибда ёзилади:

- адресатнинг номи (фуқаролар учун - фамилияси, исми, отасининг исми);
- кўчанинг номи, уй рақами, хонадон рақами;
- аҳоли пунктининг (шахар, поселка ва ш.к.) номи;
- туманнинг номи;
- республика, вилоятнинг номи;
- мамлакатнинг номи (халқаро почта жўнатмалари учун);
- почта индекси.

Олувчининг манзили почта конверти, почта пакети, почта варақчаси ёки почта жўнатмаси ўров материалнинг пастки ўнг қисмида, жўнатувчининг манзили эса юқори чап бурчакда ёзилади.

Юридик шахсларга пул маблағларининг почта ўтказмасини жўнатишда бланкадаги жўнатувчининг манзилида юридик шахснинг номи ва унинг банк реквизитлари кўрсатилади.

Почта жўнатмалари яроқли ўровда, жўнатувчи ва олувчининг тўлиқ хамда аниқ манзиллари билан, шунингдек почта жўнатмаларининг манзили ёзиладиган томонида, посилкаларни қабул қилишда эса бланкада хам зарур бўлган қўшимча ёзувлар билан қабул қилинади.

Агар жўнатма манзили этарли даражада тўлиқ ёзилмаган ёки манзили алоқа ходими учун ноаниқ бўлса, у Ўзбекистон Республикаси почта алоқаси объектларининг Алифбо рўйхати бўйича тегишли маълумотни суриштиради

ва жўнатувчидан этишмаётган маълумотлар билан манзилни тўлдиришини сўрайди.

Почта жўнатмалари, посилкаларга илова қилиб юбориладиган бланкалардаги, шунингдек пул маблағларининг почта ўтказмалари бланкалардаги барча манзил маълумотлари сиёҳ билан аниқ қилиб ёзилади ёки босма усулда, ёзув машинкасида ёхуд бошқа лозим бўлган аниқликдаги босма техникасидан фойдаланиб ёзилади.

Пул маблағларининг почта ўтказмаси бланкасида тузатиш, тўғрилаш ва харфлар ҳамда рақамларни такрор устидан бўяшларга йўл қўйилмайди.

Пул маблағларининг почта ўтказмалари, посилкаларга илова қилинувчи манзиллар бланкаларида улар келиб тушганлиги тўғрисида хабар бериш учун адресатларнинг телефон рақамларини кўрсатиш тавсия этилади.

Пул маблағларининг почта ўтказмаларини белгиланмаган шаклдаги бланкаларда қабул қилиш қатъий тақиқланади.

Почта жўнатмаларига босма усулда, ёзув машинкасида (йирик шрифт билан) ёхуд бошқа босма техникасидан фойдаланиб босилган ёки қўлда ёзилган манзил ёрлиқларини ёпиштириш мумкин. ёрлиқлар учун оқ қоғоз ёки оч рангдаги қоғоздан фойдаланилади.

Ўзбекистон Республикаси ҳудуди доирасида жўнатиладиган пул маблағларининг почта ўтказмалари бланкаларидаги ва почта жўнатмаларидаги манзиллар давлат тилида Ёки фуқароларнинг истагига кўра маълум халқаро тилда расмийлаштирилади.

Халқаро почта жўнатмаларида манзил лотин харфлари ва араб рақамлари билан ёзилади. Мўлжалланган мамлакат ва аҳоли пункти номи, давлат ёки фуқароларнинг истагига кўра, маълум халқаро тилда такрорланиш шarti билан, манзилни белгиланган мамлакат тилида ёзишга ҳам рухсат этилади.

Почта жўнатмалари ва пул маблағларининг почта ўтказмаларида адресатнинг фамилияси, исми, отасининг исми кўрсатилиб, йўқлаб олинadиганга ёки адресатнинг фамилияси, исми ва отасининг исми кўрсатилиб, ё юридик шахснинг тўлиқ номини кўрсатиб, абонемент қутисига манзилланиши мумкин.

Жўнатувчи ички почта жўнатмаси ёки пул маблағларининг почта ўтказмасини битта манзилда яшовчи икки адресатга манзиллаши мумкин, йўқлаб олинadиганга ёки абонентлик қутисига манзилланганлар бундан мустасно. Бундай ҳолларда почта жўнатмаси ёки пул маблағларининг почта ўтказмаси адресатлардан бирига топширилади.

Жўнатувчи ички почта жўнатмалари ва пул маблағларининг почта ўтказмаларининг манзилли томонида, уларнинг тури, тоифаси ва туркумига боғлиқ ҳолда қуйидаги белгиларни кўяди:

а) буюртма хатларда (почта варақчаларида)- *«Буюртма»*;

б) оддий (буюртма) бандеролларда - *«Оддий (буюртма) бандерол»*, киймати эълон қилинган бандеролларда - *«Қиймати ...сўм деб эълон*

қилинган бандерол», жойланмаларнинг рўйхати бўлган қиймати эълон қилинган бандеролларда, бундан ташқари - «Ройхат билан»;

в) оддий (буюртма) секограммаларда - «Оддий (буюртма) секограмма. Бепул»;

г) қиймати эълон қилинган хатларда - «Қиймати ...сўм деб эълон қилинган» жойланмаларнинг рўйхати бўлган, қиймати эълон қилинган хатларда, бундан ташқари - «Рўйхат билан».

Агар қиймати эълон қилинган хатларда даволаш муассасаларига йўлланмалар, темир йўл, авиатсия ва бошқа йўлда юриш чипталари, ўқув юрти муассасалари манзилига хужжатлар жўнатилаётган бўлса, у холда кўшимча равишда: «Йўлланма билан», «Чипта билан» - «Чипта билан» ёки «Хужжатлар билан» белгиси қўйилади;

д) устама тўлов билан жўнатиладиган почта жўнатмаларида - «Қиймати ... сўм деб эълон қилинган. Устама тўлов ...сўм ...». Бу белги, шунингдек, посилкаларга илова қилинадиган бланкаларда ҳам қўйилади;

э) олганлиги тўғрисидаги хабарнома билан қабул қилинган пул маблағларининг оддий почта ўтказмалари бланкаларида ва почта жўнатмаларида - «Оддий (буюртма) хабарнома билан». Бу белги посилкаларга илова қилинадиган бланкаларга ҳам қўйилади;

ж) олганлиги тўғрисидаги хабарнома билан қабул қилинган пул маблағларининг тезкор почта ўтказмалари бланкаларида - «Оддий (буюртма, тезкор) хабарнома билан»;

з) савдо тушумларидан келган пул маблағларининг почта ўтказмалари бланкаларида - «Тушум»;

и) почта жўнатмаларида ва элтиб бериш хақи тўланган пул маблағларининг почта ўтказмалари бланкаларида - «Элтиб бериш билан»;

к) экспресс-почта билан жўнатиладиган почта жўнатмалари - «Экспресс-почта»;

л) адресатга шахсан топшириш учун қабул қилинган почта жўнатмаларида - «Ўз қўлига топширилсин. Буюртма хабарнома билан»;

м) нозик буюмлар, шу жумладан аниқ асбоблар ва радиолампарлар солинган почта жўнатмаларида, шунингдек шундай буюмлар солинган посилкаларга илова бланкаларида - «Эҳтиёт қилинг»;

н) танлов комиссиясига манзилланаётган почта жўнатмаларида - «Танловга»;

о) посилкаларда ва уларга тегишли илова бланкаларида:

вазни 10 кг дан ортиқ бўлган - «Оғир вазнли»;

50x50x40 см дан ортиқ ўлчамли - «Йирик габаритли»;

қиймати эълон қилинган - «Қиймати . . . сўм деб эълон қилинган»;

бундан ташқари, жойланмаларининг рўйхати берилган қиймати эълон қилинган - «Рўйхат билан»;

кўчатли - «Кўчат»;

асаларили - *"Эҳтиёт қилинг. Асаларилар. Қуёшда тутиб турилмасин. Ветеринария гувоҳномаси билан"*;

мўйна ва кемирувчилар териси билан - *"Мўйна. Ветеринария гувоҳномаси билан"*.

жун, тук, соч, пат, пар билан - *"Ветеринария гувоҳномаси билан"*;

янги мевалар ва сабзавотлар билан - мос равишда *"Мевалар"*, *"Сабзавотлар"*;

п) хаво транспорти билан жўнатиладиган посилкалар, уларга илова бланкалари ва бандеролларда - *"Авиа"*. Эр усти транспорти ва хаво транспорти билан бирга жўнатиладиган посилкалар, уларга илова қилинган бланкалар ва бандеролларда улар қайси пунктдан жўнатилаётгани кўрсатилади: *"... дан авиа"*;

р) ҳукуматга оид почта жўнатмаларида ва посилкаларга илова бланкаларида - *"Ҳукуматга оид"*;

с) чакирув қоғози, билдиришномали буюртма хатларда - мос равишда *"Шақирув қоғози"*, *"Буюртма хабарнома билан"*.

Почта жўнатмаларида реклама жойлаштирилиши мумкин. Почта жўнатмаларида рекламани жойлаштиришга рухсат Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги томондан берилади.

Рўйхатга олинадиган почта жўнатмалари, бундан *"Танловга"* белгиси кўйилган почта жўнатмалари мустасно, ва пул маблағларининг почта ўтказмалари почта алоқаси объектларига фақат жўнатувчининг манзили кўрсатилган ҳолда топширилади.

Қуйидагилар ички ва халқаро почта жўнатмаларида юбориш тақиқланади:

а) ўқ отадиган, сигналли, пневматик, газли қуроллар, ўқ-дорилар, совук қуроллар (жумладан ирғитиладиган), электрошок қурилмалари ва учқунли разрядниклар, шунингдек ўқ отиш қуролларининг асосий қисмлари;

б) гиёҳванд моддалар, психотроп, кучли таъсир қиладиган, радиоактив, портловчи, захарловчи, ўювчи, тез алангаланувчи ва бошқа хавфли моддалар (ушбу Қоидаларнинг 54-банди 3 «д» кичик бандида келтирилганлардан ташқари);

в) захарли хайвонлар ва ўсимликлар;

г) Ўзбекистон Республикасининг пул белгилари ва чет эл валютаси (республика Марказий банки ва унинг муассасалари томонидан юбориладиганлардан ташқари);

д) сифати тез бузиладиган озиқ-овқат маҳсулотлари;

э) ўз тавсифи ёки ўрови туфайли почта ходимларига хавф туғдириши, бошқа почта жўнатмалари ва почта ускуналарини ифлослантириши ёки бузиши (шикастлаши) мумкин бўлган нарсалар ва буюмлар.

Почта алоқаси операторлари юбориш тақиқланган нарсалар солинган ички почта жўнатмаларини улар аниқланган жойда ушлаб қолиш ҳуқуқига эга.

Бундай почта жўнатмаларини вақтинча сақлаш почта алоқаси объектида аниқ ҳисоб ва сақлашни таъминлаш билан амалга оширилади. Уларга бегона шахсларнинг кира олиш имконияти истисно қилинади.

3– амалий машғулот:


Ички қиймати эълон қилинган хатлар ва қиймати эълон қилинган бандеролларни расмийлаштириш

Қиймати эълон қилинган хат ёки қиймати эълон қилинган бандерол расмийлаштирилгандан ва муҳрлангандан кейин тарозида тортилади ҳамда жўнатувчидан белгиланган тўлов ундирилади. Хат ёки бандерол ўрови олд томонининг бўш жойига рақамлар билан унинг оғирлиги ва алоқа ходимининг имзоси билан тасдиқланган олинган тўловнинг умумий суммаси ёзиб қўйилади. Бандеролни шаффоф полиетилен ўровда жўнатиш учун қабул қилишда унинг ичига расмийлаштирилган манзил ёрлиғи ёпиштирилиб, ўраб жойланган жойланма солинади. Полиетилен ўровнинг очиқ томонлари жўнатувчининг иштирокида термопайвандлаш машинасида пайвандланади. Бандеролни қабул қилиб олган жойидаги почта алоқаси обектининг почта индекси ва номи чокка туширилади.

Бандеролнинг қопқоқларига жўнатувчилар томонидан тўлдирилган манзил ёрлиқларини ёпиштиришга рухсат этилади.

Манзил ёрлиқлари алоқа ходими томонидан бандеролга ёпиштирилгунга қадар расмийлаштирилади.

Маҳаллий қиймати эълон қилинган хат ёки қиймати эълон қилинган бандеролни қабул қилишда, манзил томонининг юқори чап қисмига алоқа ходими, почта жўнатмасини қабул қилган почта алоқаси обектининг номи ва 1-шаклдаги дафтар бўйича жўнатманинг рақами кўрсатилган 1-шаклдаги ёрлиқни (33-расм) ёпиштиради ва унга почта жўнатмасининг 1-шаклдаги дафтар бўйича



квитанция сининг тартиб рақамини ёзиб қўяди. 1-шаклдаги ёрлиқ ўрнига унга мувофиқ келадиган штамп изини тушириши ҳам мумкин.

Шаҳардан ташқарига юбориладиган қиймати эълон қилинган хат ёки қиймати эълон қилинган бандеролни қабул қилишда 1-шаклдаги дафтар бўйича рақам ўрнига штрихкод ёпиштирилади.

Хат, бандерол манзил томонининг юқори ўнг бурчагига ёки манзил ёрлиғига қабул қилиш санаси бўлган таквим штемпели изи туширилади.

Мўрт предметлар жойланган қиймати эълон қилинган бандерол-ларни қабул қилишда унга «**Эҳтиёт қилинг**» белгили 8-шаклдаги ёрлиқ (34-расм) ёпиштирилади. Қиймати эълон қилинган «**Эҳтиёт қилинг**» белгили бандероллар ҳаво кемаларида жўнатиш учун жўнатувчининг жавобгарлиги остида қабул қилинади.

Агар манзил маълумотлари бандеролга тўғридан тўғри ёзилган бўлса, у ҳолда унга таквим штемпели изи туширилмайди, қабул қилиш санаси қўлда ёзиб кўрсатилади.

Қиймати эълон қилинган хат ёки қиймати эълон қилинган бандеролни қабул қилишда 1-шаклдаги дафтардан (35-расм) нусха кўчирувчи қоғоз орқали квитанция ёзилади ва жўнатувчига берилади.

1-шаклдаги дафтардан ёзилган квитанцияда қабул қилинган почта жўнатмасининг тури (хат, бандерол), жўнатманинг белгиланган жойи, адресат номи, почта жўнатмасининг оғирлиги, жўнатиш учун тўлов суммаси кўрсатилади. Алоҳида сатрда қўшимча хизматлар учун олинган тўлов суммаси кўрсатилади.

Ehtiyot qiling

8-шаклдаги «Эҳтиёт қилинг» ёрлиғининг намунаси.

1-sh.


«O'zbekiston pochta» aksiyadorlik jamiyati

34 -son KVITANSIYA


VA108977561UZ

p/kart. _____ | *ro'yxat bilan* _____ qabul qilishda
q.e.q. band. _____ | (alohida belgisi)
(jo'natma turi) _____ | **O'n ming besh yuz so'm**

E'lon qilingan summasi so'mda _____
(so'zlar bilan)

E'lon qilingan qiymati MO'Hda _____
(raqamlar bilan)

Ustama to'lov _____
(raqamlar bilan)

Qaerga Qo'qon, Farg'ona
Kimga Jo'rayeva

Og'irlik		Og'irlik uchun	550		Qabul qildi
_____ kg <u>300 g</u>	To'lov	E'l qil qiymati uchun	525		<u>Shoyusupov</u>
		Ro'yxati tuzish uchun	200		(imzo)
		Jami	Bir ming ikki yuz yetmish besh so'm		
					00 tiyin
					(so'mlar so'zlar, tiyin raqamlar bilan)

Olinganligi tўғrisidaagi bildiriшnomali, uйga etkazib beriш bilan, «ХУКУМАТГА ОИД» белгили жўнатиладиган, жойланма рўйхати билан, «Эҳтиёт қилинг» — «Осторожно» белгили қиймати эълон қилинган хатлар ёки қиймати эълон қилинган бандеролларни, шунингдек, «Ўз қўлига топширилсин. Буюртма билдиришнома билан» — «Вручить лично. С заказным уведомлением», «Йўлланмалар билан» — «С путёвками», «Чипталар билан» — «С билетами», «Хужжатлар билан» — «С документами» белгили қиймати эълон қилинган хатларни, қиймати эълон қилинган авиабандеролларни қабул қилишда 1- шаклдаги дафтар квитанциясининг «Алоҳида белгиси» сатрига тегишли ёзувлар ёзиб қўйилади.

Юқорида келтирилган ёзувлардан ташқари, 1-шаклдаги дафтарлардан квитанцияларда алоқа ходими томонидан хизматлар тўловининг шакли: нақд пуллар «нақд», нақд пулсиз «нақдсиз», пластик карточка билан «р/карт.» кўрсатилиши керак.

Қиймати эълон қилинган хатлар ёки қиймати эълон қилинган бандеролларни қабул қилишни ШКда расмийлаштириш вақтида жўнатувчига белгиланган намунадаги квитанция берилади (36- расм).


Шаҳардан ташқарига юбориладиган қиймати эълон қилинган хат ёки қиймати эълон қилинган бандеролни қабул қилишда 1-шаклдаги дафтар

квитанциясининг (ШК) бўш жойига штрихкод ёпиштирилади. 1-шаклдаги дафтардаги квитанциянинг нусхасига штрихкод рақами қўлда ёзилади.

Қабул қилувчи алоқа ходими 1-шаклдаги дафтардан квитанцияга имзо қўяди ва қабул қилиш санаси бўлган тақвим штемпели изини туширади.

3. Жўнатиловчи ва транзит қиймати эълон қилинган хатлар ва қиймати эълон қилинган бандеролларга ишлов бериш

Почта алоқаси объектларида қабул қилинган қиймати эълон қилинган хатлар ва қиймати эълон қилинган бандероллар жадвалда белгиланган муддатларда қабул қилувчи томонидан икки нусхада тузиладиган 16-шаклдаги юкхатга имзо қўйилиб, номма-ном текширилиб, унга ишлов бериш ва жўнатишга берилади. АИЖда 16-шаклдаги юкхат тузилади ва ШКда босиб чиқарилади. 16-шаклдаги юкхатда 1-шаклдаги дафтар ёки штрихкод бўйича уларнинг рақамлари,

		16-sh.																																		
Pochta jo'natildi ___ soat ___ daqiqada kuzatuvinda (familiya) _____ - son guvoohnoma Almashinishi kerak _____ qop Jo'natilgan pochta uchun YUKXAT <u>Namangan I</u> dan <u>Namangan</u> manziliga OP 1356-son qop konteynerda	 (jo'natma joyining taqvim shtempeli izi)	Pochta, kuryerlik jo'natmalari va buyumlarining nomi <table border="1" style="width: 100%; border-collapse: collapse;"> <tr><td style="width: 80%;"></td><td style="width: 20%; text-align: center;">Miqdor</td></tr> <tr><td>Konteyner.....</td><td></td></tr> <tr><td>«HUKUMATGA OID» belgili qoplar.....</td><td></td></tr> <tr><td>Ustuvor pochta jo'natmalari joylangan qoplar.....</td><td></td></tr> <tr><td>Kuryerlik jo'natmalari joylangan qoplar.....</td><td></td></tr> <tr><td>Tezkor pochta jo'natmalari joylangan qoplar.....</td><td></td></tr> <tr><td>Sug'urta qoplar.....</td><td></td></tr> <tr><td>Xalqaro jo'natmalar joylangan qoplar.....</td><td></td></tr> <tr><td>Yozma xat-xabarlar joylangan qoplar.....</td><td></td></tr> <tr><td>Davriy nashrlar joylangan qop va bog'lamlar.....</td><td></td></tr> <tr><td>Qiymati e'lon qilingan xatlar va qiymati e'lon qilingan banderollar.....</td><td style="text-align: center;">6</td></tr> <tr><td>Mayda paketlar.....</td><td></td></tr> <tr><td>«Ehtiyot qiling» belgili posilkalar.....</td><td></td></tr> <tr><td>E'lon qilingan qiymati eng kam ish haqining besh barobaridan ortiq baholangan posilkalar.....</td><td></td></tr> <tr><td>Odatdagi va e'lon qilingan qiymati eng kam ish haqining besh barobarigacha baholangan posilkalar.....</td><td></td></tr> <tr><td>Bo'sh buyumlar.....</td><td></td></tr> <tr><td>Jami.....</td><td style="text-align: center;">6</td></tr> </table>		Miqdor	Konteyner.....		«HUKUMATGA OID» belgili qoplar.....		Ustuvor pochta jo'natmalari joylangan qoplar.....		Kuryerlik jo'natmalari joylangan qoplar.....		Tezkor pochta jo'natmalari joylangan qoplar.....		Sug'urta qoplar.....		Xalqaro jo'natmalar joylangan qoplar.....		Yozma xat-xabarlar joylangan qoplar.....		Davriy nashrlar joylangan qop va bog'lamlar.....		Qiymati e'lon qilingan xatlar va qiymati e'lon qilingan banderollar.....	6	Mayda paketlar.....		«Ehtiyot qiling» belgili posilkalar.....		E'lon qilingan qiymati eng kam ish haqining besh barobaridan ortiq baholangan posilkalar.....		Odatdagi va e'lon qilingan qiymati eng kam ish haqining besh barobarigacha baholangan posilkalar.....		Bo'sh buyumlar.....		Jami.....	6
			Miqdor																																	
		Konteyner.....																																		
		«HUKUMATGA OID» belgili qoplar.....																																		
		Ustuvor pochta jo'natmalari joylangan qoplar.....																																		
		Kuryerlik jo'natmalari joylangan qoplar.....																																		
		Tezkor pochta jo'natmalari joylangan qoplar.....																																		
		Sug'urta qoplar.....																																		
		Xalqaro jo'natmalar joylangan qoplar.....																																		
		Yozma xat-xabarlar joylangan qoplar.....																																		
Davriy nashrlar joylangan qop va bog'lamlar.....																																				
Qiymati e'lon qilingan xatlar va qiymati e'lon qilingan banderollar.....	6																																			
Mayda paketlar.....																																				
«Ehtiyot qiling» belgili posilkalar.....																																				
E'lon qilingan qiymati eng kam ish haqining besh barobaridan ortiq baholangan posilkalar.....																																				
Odatdagi va e'lon qilingan qiymati eng kam ish haqining besh barobarigacha baholangan posilkalar.....																																				
Bo'sh buyumlar.....																																				
Jami.....	6																																			

белгиланган

T/r	Pochta jo'natmalari va buyumlari nomi	1-shakldagi daftar bo'yicha yoki shtrixli pochta identifikatori bo'yicha raqam	E'lon qilingan qiymati, so'm	Ustama to'lov summasi, so'm	Qayerga, qayerdan	Alohi-da bel-gisi	Pochta jo'natmalarining keluvchi tartib raqami
1	<i>Q.e.q. band.</i>	<i>VA165125313UZ</i>	<i>5000</i>		<i>Toshkent 97</i>		
2	- -	<i>VA165125323UZ</i>	<i>7500</i>		<i>Qiziltepa 2</i>		
3	- -	<i>VA165125333UZ</i>	<i>15000</i>	<i>14950</i>	<i>Taxiatosh 3</i>		
4	- -	<i>VA165125423UZ</i>	<i>11500</i>	<i>14950</i>	<i>Qarshi 6</i>	<i>b/bild</i>	
5	<i>Q.e.q. xat</i>	<i>VA165125473UZ</i>	<i>7000</i>		<i>Olmazor</i>		
6	- -	<i>VA165125383UZ</i>	<i>10000</i>		<i>Nukus 13</i>	<i>b/bild</i>	
		<i>Oltita</i>					
					<i>ABB Rahimov</i>		
					<i>Opr Aliyeva</i>		

жойи ва умумий миқдори сўзлар билан кўрсатилади. Эълон қилинган қиймати энг кам иш ҳақининг бир баробаридан ортиқ бўлган хатлар 16-шаклдаги юкхатда 1-шаклдаги daftar ёки штрихкод бўйича рақамлари, эълон қилинган қиймат суммасини кўрсатган ҳолда ёзилади. Устама тўлови қиймати эълон қилинган хатлар ва қиймати эълон қилинган бандероллар 16-шаклдаги юкхатга рақами, эълон қилинган қиймати ва устама тўлов суммасини кўрсатган ҳолда ёзилади.

16-шаклдаги юкхатнинг нусхасига имзо қўйилганда қабул қилинган қиймати эълон қилинган хатлар ва қиймати эълон қилинган бандеролларнинг умумий сони сўз билан ва қабул қилиш вақти ёзилади. Пochта жўнатмаларини қабул қилган алоқа ходимининг имзоси қўйилган 16-шаклдаги юкхатнинг бир нусхаси қабул қилиш кассасида қолади.

Қиймати эълон қилинган хатлар ва қиймати эълон қилинган бандеролларни қабул қилувчи алоқа ходими имзо қўйишдан аввал, ўровлар, муҳрлар, пломбалар, боғичлар, тасмаларнинг бутлигига аҳамият берган ҳолда, уларнинг ташқи ҳолатини кўздан кечириши керак.

Қиймати эълон қилинган хатлар ва қиймати эълон қилинган бандероллар сараланади ва бутун ўтиш йўлида суғурта қоқларда жўнатилади.

Автоматлаштирилмаган алоқа бўлимларида қиймати эълон қилинган хатлар ва қиймати эълон қилинган бандеролларни суғурта қоқларга жойлашдан аввал нусха кўчирувчи қоғоз орқали икки нусхада тузиладиган 16-шаклдаги (37-расм) алоҳида юкхатларда ёзилади.

Автоматлаштирилган алоқа бўлимларида қиймати эълон қилинган хатлар ёки қиймати эълон қилинган бандеролларга ёпиштирилган

штрихкодларни сканерлаш жараёнида 16-шаклдаги юкхатлар автоматик равишда тузилади. Сканер бўлмаганда қиймати эълон қилинган хатлар ёки қиймати эълон қилинган бандеролларнинг рақамлари, шунингдек, барча зарур маълумотлар ШКга киритилади, 16-шаклдаги юкхатга алоқа ходими томонидан қўлда ёзилади.

Қиймати эълон қилинган хатлар ва қиймати эълон қилинган бандеролларни 16-шаклдаги юкхатга ёзишда уларнинг рақамлари

шаклдаги дафтар (ШК) бўйича ёки штрихкод бўйича, эълон қилинган қиймат суммаси ва белгиланган жойи ёзиб қўйилади. Агар қиймати эълон қилинган хат ёки қиймати эълон қилинган бандерол устама тўлов билан қабул қилинган бўлса, унда 16-шаклдаги юкхатга устама тўлов суммаси ҳам ёзиб қўйилади. Транзит қиймати эълон қилинган хатлар ва қиймати эълон қилинган бандеролларга, бундан ташқари, қабул қилиш жойи ҳам қўшиб ёзилади.

16-шаклдаги юкхатларда қиймати эълон қилинган хатлар ва қиймати эълон қилинган бандероллар сонининг якуни сўзлар билан ёзилади, улар ишлов беришда иштирок этган иккита алоқа ходими томонидан имзоланади. Штатада битта ходими бўлган (етказиб беришни амалга оширувчи алоқа ходимларини ҳисобга олмаганда) почта алоқаси объектларида юкхат фақат ўша ходим томонидан имзоланади. Бундан ташқари, қиймати эълон қилинган хатлар ва қиймати эълон қилинган бандеролларнинг якуни «Почта жўнатмалари ва буюмларининг номи» устунисидаги тегишли қаторга рақамлар билан ёзиб қўйилади.

16-шаклдаги ҳар бир юкхат ва унинг нусхаларига, юкхат тузилган санаси бўлган таквим штемпели изи туширилади. Автоматлаштирилган ишлов беришда юкхатни тузишдаги санаси ШКда босиб чиқарилади.

16-шаклдаги юкхатнинг асл нусхалари қоп ичига солинади, нусхалари эса, почта алоқаси объектида қолади.

Иш ҳажми катта бўлмаган алоқа бўлимларидан почта алоқаси объекти (почтамт, почта алоқаси боғламаси, алмашинув пункти)гача қиймати эълон қилинган хатлар ва қиймати эълон қилинган бандероллар 16-шаклдаги юкхатга ёзилган ҳолда кичик посилкалар билан бирга жўнатилиши мумкин.

Агар қопда икки ва ундан ортиқ қиймати эълон қилинган хат жўнатилаётган бўлса, у ҳолда улар каноп ип билан хочсимон қилиб боғланади.

«СугУртали» — «Страховой» ёзуви қайд қилинган 17-шаклдаги манзил ёрлиқ (38-расм) қопнинг оғзига қўйилади. 17-шаклдаги манзил ёрлиқда суғурта қопини жўнатадиган почта алоқаси объектининг номи, белгиланган жой почта алоқаси объектининг номи, суғурта қопи оғирлиги ва унга бириктирилган рақам кўрсатилади. 17-шаклдаги манзил ёрлиқда суғурта қопини жўнатиш санаси бўлган таквим штемпели изи туширилади.

4 – амалий машғулот:
Олинганлиги тўғрисидаги билдиришномали ички почта
жўнатмалари.

Жўнатувчи адресатга жўнатган почта жўнатмаси топширилганлиги тўғрисидаги билдиришнома олишни хоҳлаганда, жўнатувчи 119-шаклдаги билдиришнома бланкини (47-расм) тўлдиради. 119-шаклдаги билдиришнома бланкининг олд томонида жўнатувчи қуйидагиларни кўрсатади:

билдиришноманинг тоифаси (оддий, буюртма);

олинганлиги тўғрисидаги билдиришнома юборилган шахснинг фамилияси, исми, отасининг исми (юримдик шахс учун — тўлик номи);

билдиришнома юборилиши керак бўлган манзил. Билдиришнома бланкининг орқа томонида жўнатувчи қуйидагиларни кўрсатади:

<i>Bu tomonga o'z manzilingizni yozing</i>	119-sh.
	Pochta jo'natmasi, pul o'tkazmasi olinganligi to'g'risidagi oddiy, buyurtma bildirishnoma (keraklisi chizilsin)
	Kimga <i>Izzatilla Mo'minovich Abrorovga</i>
	Qayerga <i>Mustaqillik ko'chasi, 3-uy, 26-xonadon Andijon, 170118</i>
	<div style="border: 1px solid black; width: 100px; height: 50px; margin: 0 auto;"></div> <p>(bildirishnoma kelib tushgan sanasi bo'lgan taqvim shtempeli izi)</p>

юборилаётган почта жўнатмасининг тури;

жўнатиш санаси;

почта жўнатмаси юборилаётган манзил ҳамда олувчининг номи.

Зарур бўлган ҳолатларда эълон қилинган қиймат ва устама тўлов суммаси кўрсатилади.

Олинганлиги тўғрисидаги билдиришномали почта жўнатмаларини қабул қилишда алоқа ходими қуйидагиларни бажариши керак:

почта жўнатмасининг (116-шаклдаги илова қилинадиган манзил бланкида) манзил томонида **«Билдиришнома билан»** — **«С уведомлением»** ёзувининг ва айнан қайси турининг мавжудлигини текшириши (49-расм). Ёзув бўлмаган ҳолатда тегишли штамп изини тушириши;

119-шаклдаги билдиришнома бланкларининг олд ва орқа томонидаги ёзувлар жўнатувчи томонидан тўғри ёзилганлигини текшириши;

маҳаллий почта жўнатмасини қабул қилишда билдиришно- манинг орқа томонига почта жўнатмасининг рақамини 1, 3-шаклдаги дафтарлар бўйича қўйиши, шаҳардан ташқарига юбориладиган почта жўнатмаларини қабул қилишда — рақам штрихкод бўйича қўйиши;

тўловнинг тўғрилигини текшириши ва 119-шаклдаги билдиришномадаги маркаларни тақвим штемпели изи билан ҳисобдан чиқариши;

(119-shaklning orqa tomoni)

<p>Andijon dan <u>q.e.q.band.</u> (jo'natma turi)</p>	<p style="text-align: right;">_____ - son (pochta jo'natmasi, pul o'tkazmasi raqami)</p>	
<p>e'lon qilingan qiymati <u>100000 so'm</u>, ustama to'lovi <u>— so'm —</u> tiyin, <u>2016-yil 6-may</u> da (yil, sana, oy)</p>		
<p style="text-align: center;">Asqarov Alisher Po'latovichga nomiga</p>		
<p style="text-align: center;">G'afur G'ulom ko'chasi, 2-uy, 152-xonadon</p>		
<p style="text-align: center;">Toshkent sh., 100109 manzili bo'yicha jo'natilgan</p>		
<p>Topshirildi <u>20</u> y. <u>shaxsan</u> _____ ishonchnoma bo'yicha (kinga)</p>		
<div style="border: 1px solid black; width: 100%; height: 100%;"></div> <p>(pochta jo'natmasi, pul o'tkazmasi kelib tushgan sanasi bo'lgan taqvim shtempeli izi)</p>	<p>Pochta aloqasi obyektiga (sex, uchastka) rahbarining imzosi</p> <p>_____ (imzo)</p>	<div style="border: 1px solid black; width: 100%; height: 100%;"></div> <p>(bildirishnoma jo'natilgan sanasi bo'lgan taqvim shtempeli izi)</p>
<p>Qora yo'g'on chiziq bilan ajratilgan joyni jo'naturvchi to'ldiradi</p>		

48-rasm. Jo'naturvchi tomonidan 119-shakldagi olinganligi to'g'risidagi bildirishnomaning orqa tomonini to'ldirish namunasi.

119-шаклдаги билдиришнома бланки почта жўнатмаси (116- шаклдаги илова қилинадиган манзил бланки)нинг манзил ёзилмайдиган томонига шундай бириктирилиши керакки, почта жўнатмаларига ишлов

 *RB105823057UZ*	
V	Toshkent 23 № 318
Buyurtmali Buyurtma bildirishnoma bilan	
Aloqa korxonasi indeksi	va jo'natuvchi manzili
Prokuratura	
Yakkasaroy tumani	
Usmon Nosir ko'ch., 142a-uy	
Toshkent sh. 100100	
Islomova Ra'no G'aniyevna	
Oybek ko'ch., 33-uy, 16-xonadon	
Toshkent sh.	
100023	

бериш босқичларида 119-шаклдаги билдиришнома бланки йўқолиш эҳтимолига имкон бермаслиги керак. Агар олинганлиги тўғрисидаги билдиришномали бандерол ёки секограмма шаффоф полиетилен ўровда қабул қилинса, 119-шаклдаги билдиришнома бланки ўровининг ичига жойланади;

119-шаклдаги билдиришноманинг бириктирилган бланки билан почта жўнатмаси (хат, бандерол, секограмма, майда пакет)ни тарозида тортиб кўриши;

почта жўнатмасини жўнатиш учун тўлов суммасини белги-лаши;

1, 3-шакллардаги дафтарлардан қвитанцияни ёзиши ёки уни ШКда расмийлаштириши. «Оддий билдиришнома билан» — «С простым уведомлением», «Буюртма билдиришнома билан» — «С заказным уведомлением», «Ўз кўлига топширилсин. Буюртма билдиришнома билан» — «Вручить лично. С заказным уведомлением» **белгили почта жўнатмаларини ёки « Чақирув қоғози. Буюртма билдиришнома билан» — «Повестка. С заказным уведомлением» белгили буюртма хатларни қабул қилишда 1, 3-шаклдаги дафтарлардан қвитанциянинг «Алоҳида белгиси»**

қаторида алоқа ходими «о/билд», «б/билд», «ўз к/топ.» ёки «Чак/к» ёзувларни мос равишда қўрсатиши керак;

ж) жўнатувчидан тўловни ундириши ва унга 1, 3-шаклдаги дафтарлардан квитанцияни бериши.

Агар почта жўнатмалари 103-шаклдаги рўйхат бўйича қабул қилинса, рўйхат сарлавҳасига **«Билдиришнома билан» — «С уведомлением»** сўзлари ва айнан қайси бин билан қўшиб ёзилади. Олинганлиги тўғрисидаги билдиришнома учун тўловнинг умумий суммаси 103- шаклдаги рўйхатда алоҳида қаторда акс эттирилади.

Иш жойларида қабул қилинган олинганлиги тўғрисидаги билдиришномали почта жўнатмалари автоматлаштирилмаган алоқа бўлимларида икки нусхада тузиладиган 16-шаклдаги юкхат, 11-шаклдаги реестрларга номманом ёзиб қўйилади ва кейинги ишлов беришга узатилади. Почта жўнатмаларини 16-шаклдаги юкхатлар, 11-шаклдаги реестрларга ёзишда **«о/билд», «б/билд», «о ўз қ/топ.»** ёки **«Чак/к»** тегишли ёзувлар ёзилади.

Автоматлаштирилган алоқа бўлимларида 16-шаклдаги юкхатлар, шаклдаги реестрлар почта жўнатмаларига ёпиштирилган штрихкодларни сканерлашда автоматик равишда тузилади. Сканер 92 бўлмаганда почта жўнатмаларининг штрихкод бўйича рақамлари, шунингдек, барча зарурий маълумотлар ва тегишли белгилар алоқа ходими томонидан ШКга 16-шаклдаги юкхат, 11-шаклдаги реестрга қўлда киритилади.

5 – амалий машғулот: Халқаро майда пакетлар

Халқаро майда пакетларнинг ўрови жойланманинг хусусиятига мос келиши ва ташишда шиқастланиш эҳтимолига имкон бермаслиги керак.

Ҳар бир халқаро майда пакет СН 22 божхона декларациясига (5-расм) ёки худди шундай шаклдаги йиртиб олинадиган ёрликқа эга бўлиши керак. СН 22 божхона декларацияси халқаро майда пакетнинг манзил томонининг юқори чап бурчагида, штрихкоди бўлган СН 04 ёрликдан пастрокқа жойлаштирилади.

СН 22 божхона декларацияси орқа томонда келтирилган йўриқномаларга мувофиқ тўлдирилади. Халқаро майда пакет жойланмаси СН 22 божхона декларациясида тўлиқ кўрсатилган бўлиши керак. «Ҳужжатлар», «намуналар» деган умумий характердаги кўрсатмаларга йўл қўйилмайди.

Божхона декларациялари ўзбек ёки рус тилларида халқаро тиллар — француз ёки инглиз тилларидан бирига сатрма-сатр таржима қилинган ҳолда тўлдирилади.

СН 22 божхона декларацияларини тузиш учун жавобгарлик фақат жўнатувчига юклатилади.

Халқаро майда пакетни қабул қилишда алоқа ходими қуйидагиларни бажариши керак:

- с) майда пакетнинг манзили тўғри ёзилганлигини текшириши;
- д) майда пакетни тарозида тортиб кўриши ва агар унинг оғирлиги 500 г дан ортиқ бўлса, бундай майда пакетлар кўрсатилган мамлакатда қабул қилиш рухсат берилганлигини текшириши;
 - и) майда пакет ичидаги жойланманинг СН 22 божхона декларациясидаги ёзувларга мувофиқлигини солиштириши;
 - ж) жойланмани ўраши, майда пакетнинг ўровини ёпиштириши ва уни муҳрлаши, уни каноп ип билан боғлаши ёки қоғозли, ёки қабул қилган почта алоқаси обектининг номи ёинки жўнатувчининг номи ва индекси туширилган синтетик елимли тасмани ёпиштириши, жўнатувчи томонидан тузилган манзил ёрликни тасманинг бирлашган жойига ёпиштириши;
 - к) агар жўнатувчи ёзмаган бўлса, манзил юқорисига «*Petit paquet*» (Майда пакет), «*Resommande*» (Буюртмали) ёзувларини кўрсатиши;
 - л) штрихкод бўлган СН 04 ёрликни пакетнинг манзил томонидаги юқори чап бурчагига ёпиштириб, ушбу ёрликдан пастрокқа СН 22 божхона декларациясини ёпиштиради. Манзил томонининг юқори ўнг қисмида, жўнатиш учун тўлов суммаси рақамлар билан кўрсатилган «ТП» (Йиғим ундирилган) штамп изини туширади. Ушбу штамп изидан пастрокда қабул қилиш санаси бўлган таквим штемпели изи туширилади (6-расм);
 - м) қабул қилинган майда пакетни 1-шаклдаги дафтарга ёзиши ёки ШҚда белгиланган мамлакатни қўшимча равишда, божхона расмиятчилиги учун тўловни алоҳида кўрсатган ҳолда, қиймати эълон қилинган ички хатлар учун белгиланган тартибда расмийлаштириши;

R RP102545645UZ



CN 22-shakldagi bojxona deklaratsiyasi va ushbu shaklning yirtib olinadigan yorlig'i uchun joy

Aloqa korxonasi indeksi va jo'natuvchi manzili
L' adresse de l'expediteur

Soliyev K.M.
O'rikzor m-si, 65-uy, 92-xonadon
Toshkent, O'zbekiston, 100068
Tashkent, Ouzbekistan, 100068

420 g
(og'irligi)
(Poids)

PETIT PAQUET
RECOMMANDE

TP 13100 so'm 00 tiyin



Marco Rossi
Piano 4
Roma, 00144, Italy
Rim, Italiya

е) жўнатувчидан тўловни олиши, 1-шаклдаги дафтардан (ШК) квитанцияни, унга штрихкодни олдиндан ёпиштирган ҳолда бериши.

Халқаро майда пакетга барча зарур маълумотлари бўлган махсус манзил ёрлиғини ёпиштиришга рухсат этилади.

У БЎЛИМ

КЕЙСЛАР БАНКИ

V. КЕЙСЛАР БАНКИ

1-Кейс. Windows 7 операцион тизими юкланиш вақтида ҳатолик келиб чиқди. Ҳатолик келиб чиқиш сабаби ўрганиб чиқилсин ва юкланиш вақтидаги ҳатолик бартараф қилинсин.

Кейсни бажариш босқчилари ва топшириқлар:

- Кейсдаги муаммони келтириб чиқарган асосий сабабларни белгиланг(индивидуал ва кичик гуруҳда).
- Windows 7 операцион тизими юкланишидаги ҳатоликни бартараф қилиш учун бажариладиган ишлар кетма-кетлигини белгиланг (жуфтликлардаги иш)

2-Кейс. Windows операцион тизими юкланганидан кейин ишчи столда ҳеч қандай илова, панель задач ва ҳеч қандай дастурлар юкланмаган. Муаммо келиб чиқиш сабабини аниқлар (индивидуал ва гуруҳ бўлиб).

Ҳатоликни бартараф қилиш йўли кетма-кетлигини ёзиб беринг.

Кейсни бажариш босқчилари ва топшириқлар:

- Кейсдаги муаммони келтириб чиқарган асосий сабаблар ва ҳал этиш йўллари ядвал асосида изоҳланг (индивидуал ва кичик гуруҳда).

Муаммо тури	Келиб чиқиш сабаблари	Ҳал этиш йўллари

3-Кейс. Фойдаланувчи қайд ёзувининг тизимга кириш учун паролени эсдан чиқарди. Фойдаланувчи қайд ёзуви паролени тиклаш учун тизим администратори ёрдамида ўзгартириш керак бўлади. Лекин бу вазиятда тизим администратори ёрмидан фойдалана олиш имкони йўқ. Бу вазиятдан чиқиб кетиш йўлини топинг (индивидуал ва кичик гуруҳларда).

Кейсни бажариш босқчилари ва топшириқлар:

- Кейсдаги муаммони келтириб чиқарган асосий сабабларни белгиланг (индивидуал ва кичик гуруҳда).
- Келиб чиққан муаммони бартараф қилиш йўлини бажариш кетма-кетлигини белгиланг (жуфтликлардаги иш)

4-Кейс. Тизимда замонавий антивирус тизими ўрнатилгандан кейин Windows операцион тизими брандмауэри фаолияти тўхтатилиб қўйилади. Бў ҳолат тармоқда ring сўровларини беришда ҳалақит қилади. Ушбу муаммони келиб чиқиш ҳолатини изоҳлаб беринг ҳамда бартараф қилиш йўлини ёзиб беринг.

Кейсни бажариш босқчилари ва топшириқлар:

- Кейсдаги муаммони келтириб чиқарган асосий сабаблар ва ҳал этиш йўллари жадвал асосида изоҳланг (индивидуал ва кичик гуруҳда).

Муаммо тури	Келиб чиқиш сабаблари	Ҳал этиш йўллари

5-Кейс. NTFS файл тизими остида ишлаб турган хотира (раздел, флеш хотира) ни очишда муаммо туғилди. Дискни очиш жараёнида операцион тизим уни форматлашни сўрамоқда. Бу ҳатолик келиб чиқиш сабаби файл тизимининг структурасида ҳатолик келиб чиқишида. Топшириқ шундан иборатки, ҳатолик келиб чиқиш сабабини аниқлаш ҳамда уни бартараф қилиш кетма кетлигини ёзиб беринг (кичик гуруҳда).

Кейсни бажариш босқчилари ва топшириқлар:

- Кейсдаги муаммони келтириб чиқарган асосий сабабларни белгиланг (индивидуал ва кичик гуруҳда).
- Хотирадаги маълумотларни йўқотмасдан, хотира иш фаолиятини қайта тикланишини таъминланг ва ушбу муаммони ҳал қилиш учун ечимни белгиланг (жуфтликлардаги иш).

6-Кейс. Windows операцион тизими реестри ишдан чиққан ва операцион

тизим юкланиши ҳамда ишлаш жараёнида ҳатолик юз бермоқда. Мавжуд муаммоани бартараф қилиш учун резервли сақланган ресстр файлини қайта тиклаш лозим. Ушбу ҳолат бажарилиши кетма-кетлиги тўғрисида ҳисобот топширинг.

Кейсни бажариш босқчилари ва топшириқлар:

- Кейсдаги муаммони келтириб чиқарган асосий сабаблар ва ҳал этиш йўлларини жадвал асосида изоҳланг (индивидуал ва кичик гуруҳда).

Муаммо тури	Келиб чиқиш сабаблари	Ҳал этиш йўллари

7-Кейс. FAT32 файл тизими остида ишлаётган флешкага ҳажми 4 гб дан ортиқ бўлган файлни кўчириш зарурати тўғилди. Лекин биламизки FAT32 файл тизимида 4 гб ортиқ ҳажмли файллар билан ишлаш имконияти йўқ. Ушбу ҳолатни қандай бартараф қилиш мумкин? Яна бир ҳолат, флешкада турган маълумотларни бошқа ҳотирага кўчирмаган ҳолда, ҳамда уларни йўқотмаган ҳолда юқоридаги операцияни амалга ошириш мумкин?

Кейсни бажариш босқчилари ва топшириқлар:

- Кейсдаги муаммоли ҳолатни ҳал этиш йўлларини жадвал асосида изоҳланг (индивидуал ва кичик гуруҳда).

Муаммо тури	Келиб чиқиш сабаблари	Ҳал этиш йўллари

VI БЎЛИМ

МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ
МАВЗУЛАРИ

VI. МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ МАВЗУЛАРИ

Мустақил ишни ташкил этишнинг шакли ва мазмуни

Тингловчи мустақил ишни муайян модулни хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда қуйидаги шакллардан фойдаланиб тайёрлаши тавсия этилади:

- меъёрий ҳужжатлардан, ўқув ва илмий адабиётлардан фойдаланиш асосида модул мавзуларини ўрганиш;
- тарқатма материаллар бўйича маърузалар қисмини ўзлаштириш;
- автоматлаштирилган ўргатувчи ва назорат қилувчи дастурлар билан ишлаш;
- махсус адабиётлар бўйича модул бўлимлари ёки мавзулари устида ишлаш;
- тингловчининг касбий фаолияти билан боғлиқ бўлган модул бўлимлари ва мавзуларни чуқур ўрганиш.

Мустақил таълим мавзулари

1. Глобаллашув жараёнлари ривожланаётган даврда почта алоқасининг роли.
2. Глобал почта тармоқнинг ривожланиши ва унинг истиқболлари.
3. Корпоратив почта технологиялар.
4. Почта - компанияларни венчур молиялаштириш механизми.
5. Фонд бозорларида почта-компаниялар акцияларини жойлаштириш.
6. Почта технологияларининг меъёрий-ҳуқуқий асослари.
7. Ахборотлашган почтанинг ривожланишида давлатнинг роли.
8. IT компанияларнинг миллий почтани ривожланишида тутган ўрни.

VII. БЎЛИМ

ГЛОССАРИЙ

Номли буюмлар, уларга зарурат қолмаганида ва уларни алмаштириш керак бўлган ҳолларда (назорат гералдли мухрлар ва почта-касса апаратининг мухирлари бундан мустасно) почта алоқаси ҳудудий ташкилотининг комиссияси томонидан жойларда механик яроқсизлантириш йўли орқали йўқ қилинади, бу ҳақда номли буюмлар ва уларнинг йўқ қилиниш сабаблари кўрсатилиб далолатнома тузилади. Назорат-гералдли мухрлар ва почта-касса апаратининг мухри ПЎИНҚМ га топширилиб, у эрда далолатнома бўйича йўқ қилинади.

Тақвим тамга почта маркаларини мухрлаш ва почта жўнатмалари, пул ўтказмалари бланкалари, квитанстиялар ва ҳужжатларда почта жўнатмалари, пул ўтказмаларини қабул қилиш, жўнатиш, олиш ёки элтиб бериш (топшириш) жойи ва сана изини тушириш учун мўлжалланган. Тақвим тамга изини истеъмолчиларнинг илтимосига кўра турли хилдаги филателистик ва бошқа материаллар (конвертлар, очик хатлар, маркалар ва х.к.)га босиш ман этилади.

Тақвим тамғалар почта алоқаси объектларига берилади ва почта алоқаси ҳудудий ташкилотлари, почта алоқа боғламалари, почта-амт-ларда махсус дафтарларда тақвим тамга излари туширилиб, ҳисобга олинади ва уларни ишга тушириш санаси кўрсатилади. Тақвим тамғалар иш жойларига почта алоқаси объектининг раҳбари томонидан ёзма равишда бириктирилади ва алоқа ходимларига тилхат билан берилади. Уларнинг кундалик ҳисоби почта алоқаси объектининг раҳбарлари томонидан юритилади.

Махсус тақвим тамгаси махсус ҳисобдан чиқариш тамга бўлиб, у муҳим давлат ходисалари, тарихий ва хотира жойлари ҳамда саналар, кўрғазма ва шу кабиларга бағишланган тадбирларни ўтказишда почта маркаларини ҳисобдан чиқариш (мухрлаш) учун қўлланилади.

Бу тамғалар улардан фойдаланиш муддатлари тугаши билан почта алоқаси объектлари томонидан ҳисобга олиш ва сақлаш учун «Ўзбекистон маркаси» Нашриёт марказига таъминланган тартибда жўнатилади.

Суғурта мухри қиммати эълон қилинган хатлар ва қиммати эълон қилинган бандеролларни, посилкаларни, суғуртали қоғозлар, брезент сумкалар, контейнерлар, шунингдек қимматбаҳо жўнатмалар сақланадиган омборхоналарни сурғич билан мухрлаш учун мўлжалланган.

Пломбир нуансони почта алоқаси объекти номининг изини пластмасса ёки қўрғошин пломбирларга тушириш учун мўлжалланган бўлиб, бу пломбалар билан ёпиқ почта жўнатмалари ва почта буюмлари, шунингдек қимматбаҳо жўнатмалар сақланадиган омборхоналар пломбаланади.

Из тушириш мосламаси посилкалар ва қиммати эълон қилинган бандеролларни ўраб жойлашда, шунингдек халқаро почта алмашуви жойларида келувчи майда пакетларни ўраб жойлашда ишлатиладиган қоғоз тасмаларига почта алоқаси объектининг номи ва почта индекси изини тушириш учун мўлжалланган.

Термопайвандлаш машинасининг пластинаси - почта алоқаси объектнинг номи ўйиб ёзилган металл пластина бўлиб, бандеролларни ўраб жойлашда термопайвандлаш машиналарида полиетилен плёнкаларни

пайвандлаш учун, шунингдек келувчи майда пакетларни полиетилен пакетларга жойлаш билан бир вақтда уларга почта индекси изини ва почта алоқаси объектининг номини тушириш учун мўлжалланган.

Назорат-гералдли мухр - пул ўтказмалари, 5-шаклдаги дафтарлар, 10-шаклдаги реестрлар ва пул ўтказмалари бўйича хизматга оид ёзишмалари ҳамда алоҳида йўриқномаларга мувофиқ бошқа хужжатларни расмийлаштириш учун мўлжалланган. Назорат гералдли мухр учта пастки тўғри бурчакда - этгита рақамдан иборат рақамли белгига эга бўлиши керак. Дастлабки учта рақам почта алоқаси худудий ташкилотига берилган шартли рақамни, кейинги иккита рақам эса почтама тўғри почта алоқа боғламасига берилган рақамни, охириги иккитаси алоқа бўлимининг рақамини англатади. Почта алоқаси объектиларига рақамли белгини ПЎИНҚМ беради.

Почта-касса апаратынинг мухри (номли модули) пул ўтказмалари бланкаларини ва посилкалар бланкаларини расмийлаштириш учун мўлжалланган.

Почта идиши (тара)ларига қоплар, контейнерлар киради. Почта идишлари Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг техник шартлари бўйича тайёрланиб, уларда «*Ўзбекистон почтаси*» деган трафаретли ёзув бўлиши керак. «қопга қоп» алмашувига тааллуқли бўлмаган қопларнинг ёзувида бундан ташқари уларга қарашли бўлган почта алоқаси худудий ташкилоти, Халқаро почтама т, ПЎИНҚМ, «Ўзбекистон маркаси» нашриёт марказининг номи ёзилган бўлиши керак.

Хат – конвертда жўнатиладиган ёзма хабардир. Хатда хужжатлар, бадиий очик хат, фоторасмлар, чизмалар ва бошқалар жўнатилиши мумкин.

Почта варақчаси – махсус стандарт бланкида ёзилган ёки босма кўринишдаги ёзма хабардир. Ушбу бланкда газеталардан кесиб олинган кийқимлар, расмлар, фото ва бошқалар ёпиштирилган бўлиши мумкин.

Бандерол – маданий-маиший ва ишлаб чиқариш вазифали босма нашрлар, ишга оид қоғозлар, предметлари бўлган, қабул қилишда текшириш мумкин бўлган қоғоз тасмага ўралган ёки қобикқа ўрланган почта жўнатмаси.

Секограмма – очик кўринишда бериладиган, фақат кўзи ожизлар учун мўлжалланган секографик усул билан ёзилган ёзма хабарлар ва нашрлар, секография белгилари бўлган клище, товуш ёзувлари, тифлотехник воситалар жойланган почта жўнатмаси.

Посилка – сидирға (теп-текис) ўровга ўралган турли товар-моддий бойликлар жўнатиладиган қайд этилган почта жўнатмаси.

Пул ўтказмаси – қайд этилган почта жўнатмаси бўлиб, у ёрдамида жўнатувчи томонидан алоқа корхонасига киритилган пул суммасини жўнатувчи адресатнинг тўлашини топширади. Пул ўтказмасини жўнатиш усулига мувофиқ оддий (почта алоқаси тармоғидан фойдаланиб жўнатиладиган) ва тезкорга (телекоммуникация – телеграф, электрон ва бошқа тармоқларидан фойдаланиб жўнатиладиган) бўлинади.

Оддий почта жўнатмалари, хусусан хатлар, почта варақчаси ва бандероллар квитанцияни бермасдан қабул қилинади, илова қилинган

хужжатларга ёзилмасдан жўнатилади ва тилхатсиз адресатга топширилади. Буюртмали хатлар, почта варақчаси ва бандеролларни қабул қилишда жўнатувчига квитанция берилади, улар олувчига имзо қўйдирилиб берилади, жўнатиш жараёнида илова қилинадиган хужжатлар расмийлаштирилади.

Оддий посилкалар, шунингдек қиймати эълон қилинган хатлар, бандероллар ва посилкалар суғуртали тоифаларга киради, улар илова қилинган хужжатларда мажбурий қайд этилади, қабул қилишда квитанция берилади, адресатга имзо қўйдирилиб берилади.

Эълон қилинган қиймат – жўнатманинг жойланмаси йўқолган ёки шикастланган ҳолатда жўнатувчига ёки адресатга тўланадиган тўловнинг миқдори. Қиймати эълон қилинган почта жўнатмаси устама тўлов билан қабул қилиниши мумкин, яъни топширишда олувчидан устама тўлов суммаси олинади ва жўнатувчи кўрсатган манзил бўйича жўнатилади. Қиймати эълон қилинган хатлар, буюртмали хатлар ва варақчалар «шахсан қўлга топширилсин» белгиси билан қабул қилиниши мумкин.

VIII. БЎЛИМ

АДАБИЁТЛАР
РЎЙХАТИ

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикасини "Почта алоқаси тўғрисидаги" Қонуни. 2009 йил.
2. “Почта алоқа корхоналарини ташкил этиш ва режалаштириш” дан маъруза матни 2009 й. Тошкент
3. Почта алоқаси хизматларини кўрсатиш қоидалари. 2011 йил апрел. Тошкент
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2002 йил 6 июндаги 200-сон «Компютерлаштиришни янада ривожлантириш ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори.
5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 19 майдаги 128-сонли “2010 йилгача почта алоқаси шохобчаларини замонавийлаштириш, ахборот-коммуникация технологиялари негизида хизматларнинг янги турларини жорий этиш ва ривожлантириш дастури тўғрисида” қарори.
6. Ўзбекистон Республикасини “Почта алоқаси тўғрисидаги” Қонуни. 2009 йил.
7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2000 йил 27 ноябрдаги 458-сонли «Телекоммуникациялар ва почта алоқаси соҳасида бошқарув тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони;
8. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 19 июлдаги 339-сонли “Почта алоқаси соҳаси фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида” қарори
9. «Организация, планирование и АСУ предприятиями почтовой связи », учебник для ВУЗов –М., Радио и связь, Мансев В.Н. 1985 г.
10. Почта алоқаси хизматларини кўрсатиш қоидалари. (ЎзААА бош директорининг 2011-йил 22-февралдаги 1-сон буйруғи билан тасдиқланган, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2011-йил 18-апрелда 2219-рақам билан рўйхатга олинган).
11. Почта қоидалари. 1-қисм. Почта, курерлик жўнатмалари. (Ўзбекистон Республикаси Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитасининг 2013-йил 31-декабрдаги 499-сон буйруғи билан тасдиқланган).

12. Почта қоидалари. 2-қисм. Пул маблағларининг почта ўтказмалари. (Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг 2015-йил 8-июндаги 128-сон буйруғи билан тасдиқланган).
13. ТШ 45-005:2005 Номли буюмлар ва почта штамплари. Техник шартлари. (Ўзбекистон Республикаси Алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг 2004-йил 26-октябрдаги 348-сон буйруғи билан тасдиқланган, Ўзстандарт агентлигида 2004-йил 13-сентябрда 112/005647-рақам билан рўйхатга олинган).
14. Ўз ДСт 2939:2015 Почта бланклари. Умумий техник талаблар. (Ўзбекистон Республикаси Алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг 2005-йил 24-майдаги 111-сон буйруғи билан тасдиқланган, Ўзстандарт агентлигида 2015-йил 27-февралда 05-626-рақам билан рўйхатга олинган).
15. Почта алоқаси хизматларидан фойдаланишда афзалликлар бериладиган фойдаланувчиларнинг айрим тоифаларига почта алоқаси хизматлари кўрсатиш тартиби тўғрисида» Низом (Вазирлар Маҳкамасининг 2010-йил 5-январдаги 1-сон қарори билан тасдиқланган, 1-илова).
16. Ўз ДСт 1020:2002 Почта конвертлари. Техник шартлар («Ўзстандарт» агентлигининг 2002-йил 14-июндаги 12-27-сон қарори билан тасдиқланган).
17. Ўз ДСт 1143:2013 Почта карточкалари. Техник шартлар («Ўзстандарт» агентлигининг 2013-йил 25-декабрдаги 05-509-сон қарори билан тасдиқланган) .
18. Ўз ДСт 1099:2006 Почта қоплари. Техник шартлар («Ўзстандарт» агентлигининг 2006-йил 9-январдаги 05-02-сон қарори билан тасдиқланган) .
19. Ўз ДСт 1225:2009 Почта алоқаси. Атамалар ва таърифлар («Ўзстандарт» агентлигининг 2009-йил 30-июлдаги 05-156-сон қарори билан тасдиқланган).

20. Қ 056:2006 Экспресс-почтанинг халқаро жўнатмаларини қабул қилиш, жўнатиш ва бериш қоидалари (Ўзбекистон Республикаси Алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг 2006-йил 30-июндаги 197-сон буйруғи билан тасдиқланган).
21. Ўзбекистон Республикаси почта тўловининг давлат белгилари тўғрисида Низом (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2013-йил 22-ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2529).
22. Почта алоқасида франкирлаш машинасида фойдаланиш тартиби тўғрисидаги Низом (Ўзбекистон Республикаси Алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг 2009-йил 25-августдаги 266-сон буйруғи билан тасдиқланган, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2009-йил 19-сентябрда 19-рақам билан рўйхатга олинган).
23. www.ftmtm.uz - Фан-техника ва маркетинг битирув малакавий ишилари маркази веб-саҳифаси.
24. www.почта.уз –Ўзбекистон почтаси АЖ веб– саҳифаси.
25. [хттп://www.инфосом.уз](http://www.инфосом.уз) – УзАСИ ойлик ахборотлашган-аналитик журнали.